

“Рахмат, Саид! Агар Парвардигор менга хаёт инъом этса,  
сенга худди хозиргидай якин бўламан.  
Мен учун еган калтакларингнинг изи юрагимдан ҳеч қачон ўчмайди.  
Агар куним битгудай бўлса, шундай ўламанки, сен мен билан фахрланасан.  
Саид, мен сен билан фахрланаман. Худо қаромат қилгай.  
Мен шундай ўлай-ки, болалар, болаларнинг болалари  
хар доим Саиднинг тугишган укаси  
Габонинг қандай ҳалок бўлганини эслаб юришсин!”

## Таржимондан

Мазкур кассаларнинг муаллифи машҳур ёзувчилардан эмас. У ҳақда адабиёт тарихи оз маълумотга эга. Асари ҳам нима учундир қайта-қайта нашр этилмаган. Холбуки, муҳаббатнинг оғир синовлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу касса ҳар қандай ёш йигит-қизнинг қалбини ларзага солиши аниқ. Бу асарни мен бундан ўттиз олти йил муқаддам ўқиган эдим. Китобни ҳарбийда бирга хизмат қилаётган қофказлик дўстларим совға қилишган эди. Асарни таржима қилиш истаги ўшандаёқ тугилганди. Қоралама нусхасини тайёрлаб ҳам қўйган эдим. Аммо турли сабаблар билан иш охирига етмаганди. Каминанинг муҳаббат ёши йиллар суронида ортда қолиб, ҳазонрезги фаслига келганда бу икки асарни яна қўлга олишга нима сабаб бўлди? Қўп учрашувларда адабиёт муҳлислари севги ҳақида асарлар қамлигидан қолиб, шу мавзуда ҳам бирон нарсга ёзишимни илтимос қилишади. Ёшларнинг қолишида жон бор. Чиндан ҳам чин севги ва садокат ҳақидаги асарлар қам. Хозир ёзилаётганларида саёзлик мавжуд. Мен эсам бу мавзуда ёзишни истасам-да, қўнғилдагидай асар яратишга қўзим етмайди. Шу боис ёшлигимда ўзимга қаттиқ таъсир қилган асар таржимасини ниятсизга етказишга жазм этдим. Зеро, севги миллат танламайди. Севги қожиаси ҳам шундай.

Икки оғиз сўз муаллиф ҳақида: Владимир Икскул 1860 йилда барон Яков Икскул оиласида тугилган. У дамларда Эстония ерлари рус подшоҳлигига қарам эди. Владимир ҳарбий билим юртида ўқийди. Рус армиясида хизмат қилади. 1906 йили Америкага сафар қилади. Қемада осетин чавандозлари билан танишиб, дўстлашади. Уларнинг ҳикояларини тинглайди. Сафардан қайтгач, янги орттирган дўстларининг таклифига қўра, Қофказга келади. Шу йиллари унинг ёзувчилик қолияти бошланади. Қофказ халқлари ҳаётдан ажойиб асарлар яратади. Унинг асарлари немис тилида ёзилган. Асосий қўлёзмалари ҳам Германия қутубхоналарида сақланади. Шунга қарамай, у ўша давр адабий муҳитида “Қофказ қўшиқчиси” деган номга сазовор бўлган. Асарни биз рус тилидаги қамёб нусхасидан таржима қилдик. Ўзбек ўқувчилари тушуниши осон бўлсин учун эркин услубдан қоғдаландик. Қофказликлар ҳаётдан ҳикоя қилувчи бир қанча китоблар ўқилгани, қофказлик дўстлар суҳбатларидан баҳраманд бўлинганлиги бу ишда қўл келди.

## Тохир Малик

Куз тонгги... Хаво мусаффо, атроф гўзал...

Тогдаги кариндошларини йўклаб, адирда жойлашган овулига қайтаётган чавандоз шошилмаётгани учун отини камчиламай, ўз холига қўйган эди. Йигирма уч ёшлардаги бўйдор, кенг елкали комати келишган, хушрўй бу осетин йигитнинг кўзлари кўк, сочлари эса коп-кора эди. Кийими ўлкасининг одатига хос: узун папок, кўкраги кумушранг ўкларга тўла черкас камзули, белида кумуш суви юритилган ханжар, елкасида эса хар бир тогликка хос милтик осилган. Тагидаги оти – наслдор, кабардин зотидан – бадани офтобда товланади, оёқлари ингичка.

Куч ва катъийликни отасидан мерос килиб олган Габо – хали ёш, кувнок, калби кайнок жасоратли йигит. Унинг бутун борлиги, харакати мард йигитлардан бири эканини намойиш килиб туради. У она - осетин тилидан ташкари ингуш тилини ҳамда оз-моз рус тилини ҳам билади.

У отни ўз холига қўйиб, ажойиб тонг билан завкланиб борарди. Атрофга бокиб тўймасди. Габонинг кўзи узокдаги бир чавандозни илгади-ю, унга етиб олиб, хамрох бўлиш ниятида отини никтаб, тезлатди. Сўнгсиз адирда ёнингда хамрохинг бўлса зерикмайсан, колаверса йўл хавфсиз бўлади.

Габо нотаниш кишига етиб олди. Паст бўйли бўлса-да, ташки кўринишидан чайир, бакуват, карашлари эса маънодор ўттиз ёшлардаги ингушнинг оти ҳам ўзига ўхшаган кичкина, кўримсиз эди.

Габо ингуш тилида мусулмонлар одати бўйича салом берди. Нотаниш одам айна шу одат бўйича эхтиром ила алик олди.

Буни карангки, уларнинг манзиллари бир экан. Габо нотаниш чавандозга хамрох бўлишни таклиф этди. Улар йўлда кетатуриб каердан эканликларини, каерга кетаётганликларини бир-бирларига айтиб беришди. Танишиш асносида Габо хамрохини зимдан кузатиб чикди. Ажаб, хамрохининг бўрки яп-янги экан. Унда эса хатто эскиси ҳам йўк. Шу адолатданми?

Габо олгирлик борасида суяги йўк йигитлардан хисобланарди. У кўнглига ёккан буюмларни чакконлик ҳамда айёрлик билан эгаллаб олиб, кейин ўз ишидан ўзи лаззатланарди. Ўзининг бу харакатини хеч қачон ўгирлик ёки талончилик деб бахоламаган. Балки масалани инсоф билан хал килган адолатпарвар сифатида ўзидан ўзи мамнун бўлиб юраверган. Бу сафар ҳам бир адолатсизликка бархам беришни дилига тугди: «Габо, ингушга бўркнинг нима кераги бор-а? – ўйлади у. – Бўрк сенга кўп аскотади. Сенда эса хеч қандай бўрк йўк, уники эса яп-янги экан, шу бўркни ўз елкангга ташлай олмасанг, ахир, шармандалик эмасми?!»

Бир оз шу хаёлда юргач, катъий карорга келди: «Кизик, бўркини зўрлаб тортиб олсамчи? Бунинг хеч кўркадиган ери йўк. Мен ундан кучлирокман. Отим ҳам чопкир».

У хаёлан дархол режа тузди-ю, амалга оширишни пайсалга солмади: кутилмаганда камчинини ўйнатиб, отини савалади.

Кавказда камчининг учи энли теридан бўлади. Бундай камчи жониворни савалаганда огрик беришдан кўра кўпрок шовкин чикаради. Тоглик уйкусираган отда секин юришни

ёмон кўради. Габо худди отни югуртиришга ундагандек ҳаракат килди. Секин юравериб зериккан жонивор эгасининг амрини интик кутаёгандек, бир сапчиб олга интилди. Шунда Габо бирданига жиловни кескин тортди. Ингушнинг атрофида бир айланди. Иккинчи марта айланишда хамрохига жуда якин келди. Тиззаси паканагина отнинг думига тегиши билан олдинга энгашиб, хамрохининг бўркига ёпишди. Кейин бор кучи билан уни ўзига силтаб тортди.

Бўркнинг бўйинбоги узилди. Ингуш воқеага тушунолмади, ўзига келгунча Габо илгарилаб кетди. Унинг оти адир бўйлаб елиб борарди. Габо орқасига карамасликка канча уринмасин, бўлмади. Ингуш кувиб келяптими-йўкми, деб қаради. Ингуш эгардан тушиб отнинг коринбоғларини тортди. «Ўх-хў, мени қувмокчига ўхшайди, ишлар жиддий!» деб ўйлади Габо.

Габо жониворга яна камчи босди. У иккинчи бор орқасига караганда ингуш отга минган эди. Бир оздан сўнг у ингушнинг якинлашиб қолганини кўрди. Ингушнинг кўриниши харобгина оти унинг келишган отидан тез чопарди. Габо ҳар гал ўгирилиб караганда улар орасида масофа қисқариб бораверди. Нихоят, у қочиб қутулолмаслигини, «ингуш бу кўримсиз пачок оти билан икки дунёда кувиб етолмайди», деб хато ўйлаганини англади. Таъқибдан қоча-қоча кенг зовурга дуч келди. Адирдаги бу зовурни ёзда молларни сугориш учун казишарди. Бу ерда тўпланган қор, ёмғир суви ёзи билан етарди. Габо зовурни айланиб ўтди. Отдан тушиб, милтигига суянганча рақибини қутди. Ингуш сувга етиб келиб, отдан тушди. Кўлига милтигини олиб, қичқирди:

- Қани, биринчи бўлиб от!

- Йўк, мен сенинг олдинда гунохқорман, биринчи бўлиб отмайман. Сен от!

- Сен менинг елкамдан бўркни тортиб олишга қандай журъат этган бўлсанг биринчи бўлиб отишга ҳам шундай журъат этишинг керак!

- Мен биринчи бўлиб отмайман! – Габо барча тоғликлар каби эҳтиёткор эди. У тўқилган қон учун бир неча авлодлардан кейин ҳам қонли касос олишларини билади.

- Ундай бўлса, менга бўрқимни қайси журъат билан тортиб олганингни тушунтириб бер. Қел, яхшиси, бир нарсани ҳал қилиб олайлик: мен анчадан бери довурак одамни қидириб юрган эдим. Нихоят, топганга ўхшайман: ёвлашишни қўйиб, дўст бўлайлик.

- Сен чиройли сўзларинг билан аврама! Мени ёш бола деб ўйлаяпсанми?!

- Сени алдаётганим ҳам, авраётганим ҳам йўк. Гапимга ишон. Мен кўпдан бери сенга ўхшаган ботир йигит билан дўстлашмокчи эдим. Мен сени жазолаш мақсадида ёки бўрқимни тортиб олиш учун эмас, дўстлашиш учун изингдан кувиб келдим. Сен менга кераксан.

Ингуш самимий гапираётгани билан Габонинг унга ишонгиси йўк эди. Шунда ингуш отнинг оёгини тушовлади. Милтиги билан ханжарини ерга ташлади-да, зовурни айланиб, ўтиб, Габо томон юрди.

Габо энди унинг самимиятига ишониб, қуролларини ташлади. Ҳурмат юзасидан ингушга пешвоз чиқди. Якин келгач, унинг кўзларига тик қаради: ингушнинг нигоҳида мақр йўк эди.

Улар қиёматли биродарлар каби қўл беришишди.

- Исмиим Саид, қсарзанлик Теспотнинг ўғлиман.

- Менинг исмиим Габо, Тагаурсклик Явзихонинг ўғлиман.

Саид Габонинг қўлини дўстона маҳкам сиқиб, унга синов кўзи билан тикилди: бир қарашидаёқ юзида садокат нуруни илғаб, қўнгли жойига тушди.

Кейин аста сўз бошлади. Унинг ширали овози Габони хайратга солди.

- Аллох Таоло ихтиёр килган экан, биз бир-биримиз билан топишдик. Такдиримиз Аллохнинг измида. Худога шукур! Мен сендай жасур йигитни узок кидирган эдим. Сени менга Аллохнинг ўзи юборди,- у Габодан кўз узмай, давом этди:- Сендек кўркмас йигитга хиёнат бегона, содик дўст бўлишингга ишонаман! Биз жуда огир замонда яшаймиз! Аввалги даврлар ўтиб кетди. Энди хатто хамкишлогингга хам ишониб бўлмайди.

Орага бир дакикалик жимлик чўкди. Бу сукутни яна Саиднинг маънодор сўзлари бузди.

- Мен баъзан тунда сафарга чикаман. Айрим хатарли ишларга кўл уришдан хам тоймайман. Сени топганим яхши бўлди. Бундан буёгига бир-биримизни суйаймиз.

- Мен хам айрим ишларга кўл уриб тураман, - деди Габо, - мен хамиша омад ёр бўлишини севаман!

«Ха, буни бугун менга намойиш килдинг» - деб ўйлади Саид. Аммо бу фикрини тилига чикармади. Бунинг ўрнига янги топган дўстини Ксарзанга таклиф килди. Мехмонга бориш Габога ортикча туюлди. У канчалик жасур бўлмасин, айна дамда эҳтиёткор хам эди. Габо узок ўйга толмади, хавотирини, ишонкирамаётганини сездирмади. Таклиф учун миннатдорчилик билдирди. «Агар ростдан хам дўст бўлишни истаётган бўлсанг, аввал ўз пойкадаминг билан факир кулбамни обод кил», деб таклиф этди. Саид камтаринлик юзасидан кўнмай турди. Кейин розилик бергач, икковлон отларни Тагаурск томон буришди. Бир неча соатлик йўлдан сўнг овул кўзга ташланди. Виждон азобида колган Габо Саиддан кечирим сўраб, бўркни кайтиб олишни илтимос килди.

Саид Габонинг узрини, айникса, илтимосини эшитишни хам хохламади. Уларни дўст сифатида топиштирган бугунги кундан ёдгорлик сифатида олиб кўйишини талаб килди. Габо бу гапга рози бўлиб, Саидга раҳмат айтгач, калбига бир максадни тугиб кўйди: у Саиднинг содик дўст танлаб янглишмаганини, хакикий баходир билан биродарлашганини якин келажакда албатта исбот килиб беради!

Тоглик одам сезгир бўлади. У яхшилиқни хам, ёмонлиқни хам ҳеч қачон унутмайди.

Тоглик ё дўст ёки душман бўлиши мумкин, унинг учун учинчи йўл йўқ.

Тагаурск – бепоён адирга жойлашган овул. Кенг кўчанинг хар икки томонига осетинларнинг турар жойлари – уйлари, боғлари, отхоналари, омборлари жойлашган. Габо билан Саид кўчани кесиб ўтиб, бир ховлига бурилишди. Уларни итларнинг хуриши қарши олди. Габонинг ўн олти ёшлар чамасидаги укаси Мухаммад оёкяланг ва ялангбош холида уларга пешвоз чиқиб, саломлашгач, отларни отхонага етаклади. Бўйдор, кенг елкали Мухаммад кўп жихатдан акасига ўхшар эди. Унинг тимкора сочи, катта кўк кўзлари, мушаклари ўйнаб турган билаклари, кенг очик пешонаси, карашларидаги магрурлик Габони эслатади.

Габонинг отаси Явзико уйдан чиқиб, мехмонга таъзим килганича сўрашгач, уни илтифот ила мехмонхонага бошлади.

Деворлари гилам билан безалган хонада мехмонлар учун юмшоқ сўри хамда курси кўйилган эди. Улар ичкари киришгач, ўртага кўйилган оддий хонтахта билан кичкина курсичалар томон юришди. Мезбон мехмонни ўтиришга таклиф этди. Айрим осетинлар ингушларни унчалик хуш кўришмасди. Шунинг учун Габонинг кутилмаган мехмонни бошлаб келиши Явзикони хайратда колдирди. Лекин «Габо нима килаётганини ўзи билади», деб ўйлаган қария ажабланганини сездирмади. Аксинча, кофказликларга хос тавозелик ва мехмоннавозлик билан мехмоннинг кўнглини олишга ҳаракат килди. Сухбат асносида Саидни зимдан кузатиб, ўглининг одам танлай билишига яна бир бор тан берди.

Саид русчасига ёзишни ҳам ўқишни ҳам билмайди. Ингушлар яшайдиган овулларнинг биронтасида ҳам янгича мактаб йўқ. Ёшлар мулланинг измида. Ислом илми ва талаблари таъсирида тарбия топадилар. Колаверса, карияларнинг доимий тарзда эслатадиган хикматлари, турли мавзулардаги ибратли хикоялари ёшларга катта таъсир кўрсатади. Кечалари адирдаги гулхан атрофида, тўйларда, байрамларда кариялар қахрамон ўғлонларнинг кўркмасликлари, содикликлари, чакконликлари хақида хикоя қилиб, ёшлар калбида олов ёкишади. Хар бир ёш йигит бу хикояларни эшитгач, афсонавий қахрамон қаби бўлишга аҳд қилади. Ингушлар барча тоғликлар қаби номусни ниҳоятда қадрлашади. Хаёт ва неъмат – Аллохнинг қудрати, Аллохнинг инояти, Аллохнинг марҳамати. Аммо номус хар икковидан ҳам қучли. Дўстга содик бўлиш – номусни булгамасликдир. Бу қишига шараф келтиради. Ўлжани қўлга қиритишдаги ўзига хос айёрлик ва чакконлик қишиларни хайратга солиши мумкин. Бирок дўст хақида хиёнат қилиш гунохдир. Дўстни алдаш, хатто қичкинагина ёлгон ишлатиш ҳам гунохдир. Ёшлар бу талабларни яхши биладилар. Улар аждодлари қаби қахрамон бўлиш орзусида юрадилар. Бу орзу хар бир тоғликнинг қонига сингиб кетган. Баъзан тушунмаган ёш ингушлар йўлтўсарлик, талон-тарожни қахрамонликка йўядилар. Лекин бунинг ҳам ўзига яраша «қонун-қоидаси» бор. Айёрлик ёки алдамчилик қариндошлар, ҳамқишлоқлар, дўстлар ва меҳмонлардан ташқари барча учун қўлланилиши мумкин. Дўстини сотган одам ўзига, бутун уругига, қолаверса овулга шармандалиқ ва иснод орттиради. Бундай пасткашлиққа қўл урган одамга нафрат билан қарашади. Бу ишнинг охири бахайр бўлмагани учун ҳам сотқинлик деярли учрамайди.

Хали-хали даргавсклик Мисостнинг номини нафрат билан тилга олишади. Русия ҳукуматидан муқофот олиш илинжидаги бу ҳоин гулхан олдида ухлаб ётган қочоқ дўстини ўлдиргач, тавқи лаънатга учраган эди. Ақа-уқалари эса унинг қасрига қолишиб, қонли қасосқорларнинг ўқиға учрашди. Ўғли эса тузалмас дард балосидан ўлди. Уни худди яққамохов қаби бир ўзи олиб бориб қўмди. Қўчада ҳеч қим у билан саломлашмайди. Шармандалиқ либосига ўралган, қишилар нафратига учраган Мисост хали ҳам хаёт. Худодан ўзига тинмай ўлим тилайди-ю, ўлолмайди. Қим билади, балқи ер ҳоиннинг ўлик жасадини ўз бағрига олишдан ҳазар қилар...

Саид мана шундай хикоялар таъсирида улгайди. Мана шу анъанавий тушунчалар билан дунёқараши ва феъл-атвори шаклланди. Халқ эҳтиромидаги қахрамонларга эргашиш эса - унинг бирдан бир мақсади. Шунинг баробаринда Саид қалбида Ватанига бўлган қайноқ муҳаббати ҳам бор. Қайноқ қалбли тоғ ўғлони ўз хизматлари билан, зарур бўлса ўз жони билан халқиға фойда қелтиришни истарди. У хаёти йўлида яхши мактаб бўла оладиган хар бир одатни тан оларди. У немис-қолонистлари қаби овулларида қишлоқ хўжалиқ билан шугулланишни ташқил қилишни хоҳларди. У Ватанидаги хар бир эрнинг содик, ҳалол, кўркмас бўлиши учун ҳеч бир икқиланмай юрак қонини беришға тайёр. Унинг қалбида бир ишонч ниш урган: қачонлардир бутун бир халқ учун фойда қелтира оладиган иш қилиш имқони тугилади. Хозир ўша қуннинг албатта қелишиға ишонч билан яшайди.

Саид уйланмаган. Унинг юрағини бирор гўзал забт эта олганича йўқ. У ўйинқароқ йигитлар тоифасидан эмас, уйланишға шошилмайди. У мағрур тоғ йигитлари одатига амал қилиб, оила қуришдан олдин ботир қиши билан ақа-уқа тутинишни истарди. Ниҳоят, бугун умиди ушалди: у шундай одамни топди. Габо унга ёқиб қолди. Габонинг меҳрибон, очик юзи, унинг беозор қулимсираши, ботирлиғи, чакконлиғи қолаверса, овулга яқинлашишғандаги виждон амриға бўйин тутиб айтган сўзлари – ҳаммаси унга

ёқди.

Саид – ингуш, Габо – осетин, шунга карамасдан улар ака-ука тутинишади. Унинг фикрича, Габо ҳам бунга каршилиқ билдирмайди. Саид бу ҳақда хозирча индамай, Габо билан унинг кариндошларини Ксарзанга таклиф этишга, одатларига биноан, максadini хурматли оксоколлар оркали билдиришга аҳд килди. Явзико билан гаплашиб ўтирган Саид бўлажак ишларини шу тарзда хаёлан белгилаб олди.

Габо кириб, хонтахта устига икки кишилиқ таом кўйди. Габо меҳмон хузурида, отасининг ёнида ўтириб овқат ея олмайди. У этик ва черкасча камзул кийиб олган укаси Муҳаммад билан хизматда бўлади. Явзико билан Саид курсичаларга ўтиришди. Хонага Габонинг тенгдошлари, кўшнларнинг ўгиллари ҳам киришди. Бошларида папок. Хаммаси беками-кўст куролланган. Улар девор томонга тизилишди. Шу зайлда Явзиконинг меҳмонини кутлашди.

Габо отасига озгина шароб куйиб, таксимчага кўй сонини кўйди. Явзико турди. Саид ҳам хурмат юзасидан ўрнидан турди. Мезбон урф-одатга кўра чап кўлида кўйнинг сони, ўнг кўлида ичимлик тўлдирилган шохни ушлаб дуо ўқий бошлади:

- Ё дунёни яратган кудратли Худо!

- Омин! – деб кўшилишди ёшлар.

- Сен хамма нарсани яратганинг учун ҳам бу кеч сенга сигинаман ўзинггагина илтижо киламан!

- Омин!

- Оху-фарёдимишни эшитганинг, муножотларимни кабул этганинг учун ўзинггагина шукурлар киламан.

- Омин!

- Биз ўзингга шукур килиб, экинзорларимизнинг хосилдорлиги учун, хонадонларимизга берган кут ва бараканг учун, баданимизнинг соглиги учун, мамлакатнинг осойишталиги учун кон чикариб, Ўзингнинг йўлингда курбонлиқ киламиз.

- Омин!

- Ё кудратли Худо! Менинг ноламга кулоқ тут: кабиламиз орасида бадбашара, майпараст, номуссизларни яратма! Болаларимиз кабиламиз шон-шухрати йўлида униб-ўсишсин.

- Омин!

- Кудратли Худо, энди биз азиз-авлиёларга сигинамиз. Момакалдирок ва ёмгир хокими Илья, Худо олдида бизни химоя кил: Яратган кудратли Худо экинзорларимиздаги хосилни селдан, ёмон об-хаводан сувсизлиқдан асрасин. Мўл хосил йигиштириб олсак, ҳеч қачон унинг номини дилдан кўймаймиз.

- Омин!

- Ўзга юртдилардан, йўловчилардан нон-тузимизни аямаймиз.

- Омин!

- Йўловчи факат уйимизга тинчлиқ билан кириб келиб, Худонинг паноҳида эсон-омон манзилига етиб олсин.

- Авлиё Георгий, жангчилар ва йўловчилар хомийси! Сендан сўраймиз-ки...

- Омин!

- Бу уйдан кимда ким сафарга отланса, ёинки Худо йўлида савобли ишга кўл урса унга хомийлиқ кил. Ишига кўмақ бер. Унинг хаётига таҳдид килувчи бало-казолардан асра.

- Омин!

- Унинг номуссизлиқ йўлига кириб, гуноҳга ботишига йўл кўйма.

- Омин!

- Эй Худо фарзанди – Ийсои Масих! Биз сенга ишонамиз. Сен бизни у дунёда сўрокка тутасан. Биз сендан сўраймиз: бизнинг гуноҳларимиз ва камчиликларимиз бахридан ўт. Чунки биз оми одамлармиз. Кудратли Худо эса такдиримиз эгасидир.

- Омин!

- Ё азиз-авлиёлар, Худо олдида бизга хомий бўлинглар.

- Омин!

- Осмону фалакдаги Худо, мен Ўзингга маъкул тарзда, аъло даражада сизгидеки билмайман. Аммо юракдан чиқаётган сўзларимни инобатга ол.

- Омин!..

Явзико дуо ўкиб бўлгач, Саидга кўйнинг сонини узатди. Урф-одатга амал қилган Саид гўштдан бир чимдим тишлаб, колганини ўзига қайтарди.

Овкатланиб бўлишгач, Явзиконинг ўгиллари қолган таомларни йиғиштириб олишди. Мехмонга тамаки бериб, ўзлари овкатланиш учун ошхонага чиқиб кетишди. Кўп ўтмай Габо қайтиб келди-да, Саидни кўшни ховлига таклиф қилди. У ерда ёшлар тўпланиб, ўйин-кулгуни бошлаётган эдилар.

- Яна кизларимизга ошқиб бўлиб қолма, - деб хазиллашди Габо йўлда кетатуриб, - Тагаурск кизларининг гўзаллиги хақида афсона етти иклимга ҳам маълум.

Саид кулиб кўйди.

- Ксарзан кизлари ҳам чакки эмас. Бир қараши юракни ханжардек тилиб юборади. Кўшни ховли ёшлар билан гавжум эди.

Кўёш кўк ҳукмронлигини Ойга топширди. Жимирлаб юлдузлар кўринди. Ой нурлари дарахт шохлари орасидан ўтиб, қомаги келишган ёшларни томоша қилгандай. Бошларига папок, эгниларига ярашикли черкасча камзул кийган йигитлар бир ерга тўпланиб, чапак қилиб куйга жўр бўлишади. Ой ўзининг нурли кўллари билан қора кўз, рангдор кўйлақли, сочлари узун кизларнинг гўзал юзларини силайди. Кеч хавоси ўзгача – ёкимли! Қорачадан келган ёшларнинг бири гижжақда, бири эса гармонда завқ билан куй чалади. Оханг такрорланаверади. Қоронгулик бағридаги овулга бу кеча ўзгача файз қиргандек. Хатто қариялар ҳам эшик олдида ўтириб, таралаётган мусика, ёшларнинг қувноқ овозларига қулоқ тутадилар. Хаёл уларни ўтмишга етаклайди. Гўзал киз атрофида айланиб, рақсга тушаётган қуч-қувватга тўлган йигит кўз олдларига келади. Бу сергайрат йигит хаёл сураётган ўша қариянинг ёшлиги. Ёшлар шодиёнаси уни хаёлан ўтмишга етаклади...

Саид ховлига қариши биланок овул оксоқоли Элбисдининг ўгли Мурод билан рақсга тушаётган гўзал Қуарани кўрди-ю, хуши учиб, лол қолди.

Осетинларнинг рақсга тушишларини ҳеч кўрганмисиз? Шўх қуй янграпти... Киз билан йигит ўртада, қолганлар қарсақ қилиб, қуйга жўр бўлишяпти. Киз худди хавода учиб юрган паридек енгил, ноз-қарашма ила ҳаракат қилади. Йигит эса оёқ учида унинг атрофида айланади. Унинг ҳаракати кескин ва жўшқин, худди суви тошдан тошга урилиб оқаётган жиловсиз тоғ дарёсига ўхшайди.

Габо ўртадаги киз билан йигитга қорози қиёфада қараб, қолларини қимирган холда туриб қолди. Ўнг қўли ханжар сопини ушлаган. Саид эса Габонинг ёнида, бу ховлига қирганидан бери Қуарадан кўз узмайди. Унинг қалбида қандайдир портлаш юз бергандай. «Ана у, ана у сен излаган гўзал!» дейди вужудига яширинган овоз. Бу онда Саиднинг кўзига олам янада сирли, янада қиройли бўлиб кўриниб кетди. Ой ҳам ёркинрок нур сочаётгандай. Беором юраги эса тез-тез тепади. Саид ён-атрофдагиларга эътибор бермай кўйди. Унинг хаёлини фақат рақсга тушаётган қора соч гўзал ўғирлаган

эди. Кизнинг хар бир харакати уни махлиё этади.

«Менга нима бўлди? – дейди ўзига ўзи. - Бир кўришдаёк севиб колдимми?!»

- Раксга тушаётган кизнинг исми нима? – секингина сўради у Габодан.

- Куара,-деди Габо алохида бир меҳр билан.

- Кимнинг кизи?

- Шу уйнинг хўжайини Тселлагонинг кизи.

Мухаммад ховлини кесиб ўтиб, карсак чалаётган ёшлар даврасига кўшилди. Унинг юзлари кувончни яшира олмайди. Хонадон хўжайинининг ўгиллари Гассако билан Ботирбек Габоларнинг олдига келишди. Саид гўё ширин туш кўраётган эди-ю, мезбонларнинг келиши уни чўчитиб, уйготиб юборгандай бўлди. Габо таништирди:

- Бу бизнинг меҳмонимиз - Саид, Ксарзанлик Теспотнинг ўгли.

Йигитлар Саид билан Габони шарафлашгач, илтифот ила уйга таклиф килишди.

Явзиконинг меҳмонини уй сохиби хурмат билан карши олди. Меҳмон шаънига айтилган шараф сўзларидан кейин уларни ноз-неъматлардан татиб кўришга таклиф килди. Саид Мухаммад алайхиссалом умматидан бўлгани учун хам унга вино ичиш ман этилган эди.

Шу боис бир тишлам ширин нон олиб, бир култумгина шарбат ичиш билан кифояланди. У меҳмондорчиликни тезрок яқунланишини истаётганди. Гўё бутун вужуди ховлида колган-у, бу ерда унинг суратигина тургандай эди.

Ўйин-кулгу эса давом этарди. Бир куй якунига етгач, ўртадаги йигит-кизлар четга чикиб, даврага бошқалари тушадилар. Саид билан Габо ховлига кайтишганда навбатдаги ракс тугаган эди. Ўйин-кулгуни бошқариб турган Гассако Саидга яқинлашди-да, меҳмонни синглиси билан бирга раксга тушишга таклиф этди. Кейин «Меҳмон билан раксга туш» дегандай Куарага бош иргаб кўйди. Куй янгради. Куара уялинкираганича кизлар даврасидан ажралиб чикди-да, давра бўйлаб оёк учида енгил, кушдай сузиб айлана бошлади.

Чиройи хар кандай гўзал маликани лол колдирувчи бу кизнинг ракси хам ўзгача эди: харакатлари магрур, шу билан бирга нозли. Кизнинг айрим дугоналари у билан фахрланадилар. Айримлари эса хасаддан куядилар. Йигитлар эса махлиё...

Саид эса кўзлари хумор бу гўзал атрофида раксга тушяпти. У раксга тушиб хеч қачон мана шундай лаззат олмаган. У киз атрофида чаккон айланади. Куара эса унинг калбидан отилиб чикаётган сассиз нолаларига парво килмайди. Париваш киз магрур «сузишда» давом этади. Йигит бундан аччиклангандек ер тепиб, тескари қарайди. Кейин гўё дил розини айтаётгандай кўллари киз томон узатади.

У бир вақтлар дўстларидан эшитган ажабтовур ахволга тушди. Калбини кандайдир олов куйдира бошлади. Саид кизнинг бир нозли карашига шу тобда жонини беришга хам шай эди. Бунинг учун у хар кандай буюк ишга хам, хар кандай курбонликка хам тайёр. Унинг хаёлини фақат бир сўз камраб олган: «Севаман! Севаман!» У худди туш кўраётгандай киз атрофида айланаверди. Хушини тамом йўкотай деганда Куара унинг ахволини билгандай бирдан тўхтаб, эгилиб таъзим килгач, бир неча кадам орқага тисарилди. Бу ракс тугаганига ишора эди. Саид бундан ўзини йўкотиб кўймади. Товонларини уриштириб, ўнг кўлини папогига кўйди-да, кизга миннатдорлигини билдирди. Кейин Куара кизлар даврасига кўшилгунча олижаноблик юзасидан кутиб турди. Сўнгра ёшларга каради-да, куйга жўр бўлишгани учун, папогини олиб, таъзим килди.

Бу кеча кўп киз ва йигит ўртага тушди. Аммо Саид ўйинга бошка кўшилмади. У турган ерида кизлар даврасидаги рангдор кўйлакли кизга тикилгани-тикилган. Кандай жозибали! Бошини магрур тутишини-чи! Ўртоқлари билан гаплашганда мунча чиройли кулмаса! Калдиргоч кош остидаги бу кўзларда кандай сеҳр бор!



Явзиконинг уйига кайтишгач, Габо уни ётокка кузатиб, ечинишига ёрдам берди. Кейин хайрли тун тилаб чикиб кетди. Саиднинг уйкуси келмади. Унинг кўз олдидан кад-комати келишган гўзал Куара кетмай колди. У кўлига бахт куши кўнганига, бу кушга эга бўлганига амин эди. «У меники!» деб ўйлайди у. У ўзининг Теспот ўгли эканига қандай ишонса, бунга ҳам шундай ишонади. Киз севгисига сазовор бўлишига нега ишонмасин? Габо унга тутинган ука бўлгач, пайт топиб Куара билан холи учраштиради. Агар кизнинг кариндошлари, акалари бахтига тўганок бўлишса, кизни олиб кочади, тамом вассалом! Саиднинг хаёли ана шу ўй-режалар билан банд. Эрталабга якин унинг кўзига уйку илинди. Шунда ҳам тушида корасоч, рангдор кўйлакли магрур гўзал унга тинчлик бермади.

Эрта билан Саид Ксарзанга жўнади. Отга миниш олдидан Явзико билан Габони дўстлари ва кариндошлари хамрохлигида уйига таклиф этиб, бу азизларнинг кутлуг кадамлари туфайли гариб кулбаси обод бўлажагини алохида таъкидлади.

Явзико билан Габо бу таклифни миннатдорлик билан қабул қилдилар.

Габо меҳмонни кузатиш максатида отига минди. Саид йўл-йўлакай таклифни кайтариб, лутфларини дариг тутмай, албатта боришларини тайинлади, интиклик билан кутажагини уқдирди. Габо боришга ваъда бериб, ярим соатлик йўлдан сўнг дўсти билан хайрлашди. Уч кундан сўнг Явзико билан Габо энг якин дўстлари, кариндошлари хамрохлигида Ксарзанга йўл олдилар. Саид уларни эшик олдида мамнулик ила кутиб олди. Отларни кўшнининг икки ўглига бериб, меҳмонларни уйга бошлади. Меҳмонлар шарафига берилгувчи зиёфатга Саид овулнинг хурматли кишиларини ҳам таклиф этган эди. Уй хўжайини Мухаммад алайхиссалом умматидан бўлгани учун хонтахтада вино ҳам, чўчка гўшти ҳам кўринмасди. Меҳмонлар уйда тайёрланган кўлбола шарбат ичишди. Осетинлар меҳмон мартабасида кекса ингушлар ёнидан жой олишган. Ёшлар эса хизматда.

Саид уй соҳиби сифатида дуо ўкиб, Аллох таолонинг кудрати ва меҳрибонлиги хақида ваъз айтди. Меҳмонлар ваъз шарофатига ўринларидан туриб, қадахларини бўшатишди.

Сўнг бир қари ингуш Явзико ва унинг ўгли учун қадах кўтарди. Явзико бу лутфга жавобан ўрнидан туриб, уй хўжайини ва оила аъзолари шарафига қадах кўтарди.

Шундан сўнг қора черкасча камзул кийган, оппок соқолли, озгингина қария ўрнидан турди. Бу Саиднинг кариндошлари ичида энг кексаси - Ахмад. У тагаурсклик меҳмонлар соғлиги учун, Явзиконинг кариндошларидан бири эса шу ерда ўтирган ксарзанликлар соғлиги учун қадах кўтарди.

Қадах шу тарзда кетма-кет бўшайверди. Хар сафар ҳамма туриб, тантанавор сўзларни эшитиб, қадах бўшатишади. Габо ёш бўлгани учун сўз айтмади.

Нихоят, яна Хатшашнинг ўгли Ахмад ўрнидан турди.

- Инсонга қувонч берувчи хар бир нарса Аллохнинг марҳаматидир. Худога минг катла шуқурким, Одам Ато фарзандларига яшаш ва дехкончилик учун ер, эрка севимли фарзандларига эса Кофказни берди. Тоглар бағрига кимматбаҳо тошлар билан олтинни яшириб ётибди, ўрмонларимиз кушларга, кийикларга кўтосу коплонларга бой, сувларимиз баликларга тўла, адирларимиз яхши ишлов берган одамдан хосилини аямайди. Тогларимиз қанча бойликка эга бўлмасин, бир хазина қадри ва бебаходир. Бу хазинани ота-боболаримиз - жойлари жаннатда бўлсин - бизга қалбада авайлаб-асраш ва болаларимизнинг қон-қонига сингдиришни мерос қилиб қолдиришган. Оталаримиздан қолган яхши анъана бор: одамлар қасам ичиб ака-ука тутинишади. Мана шу тоғлар қад кўтаргандан буён номус ва содикликни қадрлаган одамлар Аллох таоло марҳамати билан ака-ука тутиниб, бошига қулфат тушса ёинки бирор нимадан зорикса бир-бирига ёрдам

берадилар. Улар касам кадахи ичишган. Хар бир инсон ўзидан кўра кўпрок ишонса бўладиган ака ёки ука кидирган. Агар ана шундай одам топишса авваламбор маслахат ва кафолатнома сўраб, оила катталарига мурожаат қилишган. Бугун кечкурун ҳам шундай бўлди. Теспотнинг ўгли Саид мендан Габо Явзико ўглининг у билан бирга касам кадахини ичишга розилигини сўрашни илтимос қилди. Габонинг чакконлиги ва ботирлиги Саидга ёкиб қолибди. У Габонинг калбида канча мардлик ва шижоат бўлса, шунча номус ва содиклик борлигига амин. Орқаваротдан эшитган гапларимизга караганда, Саид Габони танлаб тўғри иш қилган. Габо, Саидга тутинган ука бўлишингни сўраймиз. Хамманинг нигоҳи Габога қаратилди. Габо бу таклифни қутмаган эди. Шунинг учун нокулай ахволда қолди. Уни бу ахволдан отаси қутқарди. Явзико туриб, ўглининг уялинкирагани учун ўтирганлардан узр сўраб, Саиддай бир одамнинг фарзандига тутинган ака бўлиши билан гурурланишини билдирди. У ўглининг бу таклифни жон-жон деб қабул қилишини истарди. Аммо касам – муҳим, ахамиятли иш. У икки одамни бутун умрга бирлаштиради. Шу сабабли ўйлаб бир хулосага келиши учун ўглига то эрталабгача мухлат беришларини сўради.

Зиёфат шу зайдда тугади. Овул аста окшом огушида қолди.

Чироклар ёқилди. Ёшлар рақсни бошлаб юборишди... Икки ёш қуй чаляпти. Саид ўзини ўйин-қулгудан тортган. Уй хўжайини эканини бахона қилиб ҳеч бир қиз билан рақсга тушишни истамайди. Лекин Габо тортинмай ўртага тушди. Холбуки, унинг хаёли ҳам Тагаурскда. У хали ҳам бир нарсани ўйлайди: Саидга тутинган ука бўлсамикин? Саиднинг ботир йигитларга ҳос ўзини тута билиши унга ёкиб қолган. Аммо касам ичиш - бу катта гап! Шундайку-я, бироқ агар тутинган ака кидирган тақдирда Саиддан яхшироқ одамни топа олармикин? Ҳа, ҳа, у касам ичишга рози бўлади!

Эртасига пешинда Аҳмад қариндошларини бошлаб келди. Яна кечаги ўринларга ўтиришди. Саид фотиҳа ўқиди. Кейин Аҳмад туриб, Габодан Саид билан ака-ука тутинишга розилигини сўради.

---

Хамма Габонинг жавобини қутарди. У турди:

- Аввало мухтарам отахонлар, бизни деб шу ерга келганинглар учун раҳмат. Саидга ҳам раҳмат. Саиднинг мени укаликка сўраганидан фахрланаман. Мен у билан касам кадахини бўлишиб ичишга тайёрман. Саиднинг тутинган укаси билан фахрланадиган даражада яшашимга, касамга содик бўлишимга Худонинг ўзи ёрдам бергай. Номусни жонимдан юқори қўйишимда, то сўнги нафасимгача укалик бурчимга содик қолишимда Яратганнинг Ўзи қуч ва ирода бериб, марҳаматини аямагай!

- Омин! - хамма бир овозда уни қўллади. – Қасамингга содик бўлиб қолишингга Аллохнинг Ўзи қўмақ бергай!

Энди Саид Теспот ўгли ўрнидан турди.

- Габо, менга ука бўлишга розилик берганинг учун миннатдорман. Бугун ичажак касамимга содик бўлишимга Аллохнинг ўзи нажот бергай. Бизнинг тақдиримиз энди бирлашди: сенинг гаминг менинг қайғум, сенинг қувончинг- менинг шодлигим, менинг уйим-сенинг уйинг, менинг ака-укаларим – сенинг ога-иниларинг!

- Омин! – хамма бир овоздан дуо қилиб, унинг касам сўзларини қувватлади. – Аллохнинг

Ўзи касамингга содик бўлиб колишингга кўмак бергай!

Ахмад Хатшаш ўгли туриб тоғ шарбати тўлдирилган кадахни Саидга узатди. Саид кадахга олтин танга ташлади. Сўнг Ахмад дуо ўкигач, икки одамнинг то ўла-ўлгунча бир-бирига содик бўлишларига нажот беришини Аллохдан сўраб, кадахни Габога узатди. Габо кискагина дуо ўкиб, у ҳам умрининг охиригача касамга содик колишида Худодан нажот сўради. Дуодан сўнг ичимликдан бир култум ютиб, Саидга узатди. Саид ўнг кўлида кадахни ушлаб, то кабрга киргунича Явзиконинг ўглига содик бўлишида Яратгандан нажот тилади.

- Агар мендан заифлик устунлик килиб соткинлик хакида хатто ўйлағудай бўлсам, менга кувват бер, бугун даргохингда кабул килаётган касамни бузмасликка нажот бер! Саид кадахдан бир хўплаб яна Габога берди. Габо охиригача ичгач, олтин тангани олиб, яшириб кўйди. У бу тангага кўй сотиб олиб, кейинги сафар Саид кариндошлари билан уйига борганида сўйиши керак эди.

Саид билан Габо шу зайлда тутинган ака-ука бўлишди.

Кечкурун Саид Габони адирда сайр килишга таклиф этди. У қари нок дарахти олдига бориб, унинг пойида азиз-авлиёларга сизиниб, Куарани хотинликка сўрамокчи эди. У калбида Куара ёкиб кўйган севги оловида ковурилаётганини Габога айтиб бермокчи эди. Габо қандай килиб бўлса ҳам уни Куара билан яқинлаштириши керак.

Улар кенг овул кўчасидан жимгина ўтиб боришди. Атроф кимсасиз бўлса ҳам, Саид бу ерда юрак розини айтишдан ийманди. Адирга чиккач айтарман, деб ўйлади. Овулдан чикишаётганда Габо сўз бошлади:

- Саид, сен энди менинг тутинган акамсан. Сендан яширадиган сирим йўқ. Хеч кимга ишонмаган сўзларимни биринчи бўлиб сенга айтаман. Саид, мен уйимнинг бекаси бўла оладиган кизни топдим.

«Мен ҳам», деб ўйлади Саид. Унинг кўз олдида рангдор кўйлакли магрур гўзал келди. Унинг севги шаробидан маст бўлган калби кизга интилди.

- Мен уни кўпдан бери севаман, - деб давом килди Габо, - шу кизни деб баъзан кечалари ўлжанинг пайига тушаман. Мен унинг маликалардан аълорок яшаши учун шароит яратиб беришим керак.

«Куара ҳам меникида ана шундай шохона шароитда яшайди», ўйлади Саид.

- Мен хазина тўплаб, кўмиб кўйганман.

- Каерда? – деди Саид. У нимани сўраганини ўзи ҳам билмасди. Хаёлини корасоч гўзал ўгирлаган эди.

- Билиб кўйганинг яхши. Хумча олтин - кумуш, кимматбахо тошларга тўла. Агар мен уларни казиб олишга улгурмай ўлсам, сен уни топиб, ота-онам, хотинимга гамхўрлик киласан.

Габо хазина беркитилган жой каердалигини билдирди.

- Сен айтганингдай киламан, - деди Саид, кейин кўшиб кўйди, - Аллох сенга тани-соглик бериб, умрингни узок килгай.

Улар овул ахли муқаддас хисобловчи дарахтга етиб келишди. Юз ёшли бу бахайбат дарахтнинг шохлари тарвакайлаб ўсиб кетган эди. Ривоятларга кўра, унинг шохлари орасида азиз-авлиёлар рухи яшармиш. Улар хатто бедаво касалнинг уругини куритишга ҳам кодир эканлар. Дарахтга дуосиз яқинлашган одамнинг холига вой. Дарахт сурхини кесиб олиб кетмокчи бўлган одамнинг колган умри гам-андухда ўтади. Кимда-ким пайгамбар алайхиссалом номини дуога кўшиб ўкигач, дарахт соясида ўтириб нокдан еса, унга хеч қандай бало кор кила олмайдиган бўлади. Дарахтга юзлаб жониворларнинг

шоҳлари илиб ташланган. Бу овчиларнинг иши. Улар эрталаб омад тилаб, азиз-авлиёларга ёлворадилар, кечкурун эса овнинг барорини бергани учун шукроналик белгиси сифатида шоҳларни илиб кетадилар. Касалдан ёки бирор ташвишдан кутилган одам эса Яратганнинг ўзига шукр қилиб, латта-лутталар боғлаб кетади.

Шу ерда тўртбурчак деразаси жанубга караган, тошдан ишланган мўъжаз макбара ҳам бор. Авваллари майитларни шу ерга кўмишарди.

Габо макбарага яқин келиб, ичига каради.

- Кўркинчли жой, - шивирлади Саид.

Бу ерга жуда кўп мурдалар кўйилган. Девор томонларда тобутларнинг айримлари чириб, нураган: одам суяклари кўриниб турибди.

“Кочокнинг беркинишига мос жой экан” шивирлади ўзига ўзи Габо.

Саид илохий дарахт ёнига яқинлашди. Бўркини ерга ёзиб, тиз чўкди-да, пешонасини тез-тез саждага кўйиб, «Мени Куарага етиштир», деб Аллохга ёлборди.

- Гўзалимга етиштир, тутинган укам менга ёрдам берсин. Аллохим, мени Ўзинг химоя қил!

Саид турди. У нажотга ишонар эди. Бу онда у хотиржам ва бахтли эди. Хатто хаёлан уйда хўжалик ишларини бошқараётган Куарани кўрди.

Саид илтижосини ниҳоясига етказди-да, кутиб турган дўсти ёнига келди. У айна дамда ўзини ниҳоятда саодатли ҳис этди, назарида куёш ҳам одатдагидан бошқачарок эди. У Габо билан касам қадахини ичди. Энди унинг ботир, номусни ҳамма нарсадан юқори кўювчи тутинган укаси бор. У кўшнисини Куара билан учраштиради.

“Бахтимга етишишимга нима қаршилиқ қилади?», хаёлан сўрайди у ўзидан.

- Саид сендан илтимосим бор эди, - унинг хаёлини Габо бўлди, - икки-уч кундан сўнг вақт топиб бизниқига бор. Тутинган акам сифатида отам билан бирга кўшнимиз Тселлагоникига чиқиб, Куара билан мени фотиха қиласизлар.

Саид лол қолди. Қимдир унинг бошига гурзи билан ургандай гаранг бўлди. Кўз олди қоронгулашди. Дастлаб у Габонинг сўзларини фахмлай олмади. Зўр қийинчиликлар билан ўзини ушлаб, босиклик билан сўради.

- Куара рози бўлармикин?

- Ха! – Габо бахтиёр жилмайиб, Саидга узукни кўрсатди, - Буни Куара тақдим қилди.

Совчи юборишимга ҳам розилиқ берган.

Саиднинг қалби қоп-қора тун огушида қолди. Унинг хаётини беэаб турган нарсани Габо бир сўзи билан тортиб олди. Қалбини чил-чил парчалаб юборди. Куарага бўлган севгиси тинчлик бермаётган қалбда унинг гўзалини тортиб олаётган одамга – тутинган укаси Габога нисбатан нафрат уйғонди. Йўқ, у биринчи кунни бўркини тортиқ қилгандай, Куарани ҳам шундай бериб қўя қолмайди!

Шамол саҳродаги қумларни тўзитганисимон, Саиднинг хаёли оламида ҳар хил аламли фикрлар сузиб юрарди.

«Ханжар билан бир мартагина урса бўлди. Унинг гўзал Куарасини тортиб олувчи одам йўқ бўлади» дейди унга шайтон васваса қилиб.

Бу фикридан Саид кўркиб кетди. Ранги оқарди.

«Бугун ичган касамимга содиқлигим шуми? Йўқ, йўқ, Габо ҳеч қачон Куарани севишимдан хабар топмайди!»

У секингина деди:

- Яхши, мен фотиха тўйингга бораман.

Саид уйга қўнгли чўккан бир ахволда қайтарди. Унинг қалби энди аламдан, гамдан ёнарди. Шундай бўлса ҳам ўзини тутиб Габога сир бой бермади, холи қолишни истади.

Уйга келишганда Тагаурслик меҳмонлар кайтишга ҳозирлик кўриб кўйишганди. Саид уларни кузатиб кўймади. Одатга хилоф бўлса-да, шу топда кузатишга қурби етмасди. Майли, одамгарчилиги йўқ экан, дейишса дейиша қолсин.

- Габо, мени кечир, сени кузатиб кўя олмайман.

Меҳмонлар кетишгач, Саид хонасига кириб ичдан қулфлаб олди. Кайгу аламини ичига ютиб, ўз гамига ўзи ковурилиб ётди.

Унинг калбидаги муҳаббатни ҳеч қутилмаганда укаси тортиб олди. У эса... укасига ханжар кўтаришни ўйлади-я!

Парчаланган муҳаббат кийногига виждон азоби ҳам қўшилди. Биринчи кунёк касамни бузишига оз қолди. Йўқ, буни ҳеч қачон кечиролмайди! Саид бу гуноҳи учун ўзини ўзи жазолаши керак!

Тагаурскка, фотиха тўйига боради. Кейин Қуаранинг маликалардай шохона турмуш қуриши учун Габога қўмаклашади. Габо ўзи билмаган ҳолда акасининг калбини жароҳатлаб қўйди. Саид бундан қўп азоб чексада чидайдди.

Бир неча кундан сўнг Тагаурскка, фотиха тўйига борди. Қуара билан Габони фотиха қилиб қайтди. Шундан сўнг Саид индамас бўлиб олди. Кеч қириши билан юраги орзикади. Тунлари уйқусиз. Қўз олдида узун қора сочли гўзал гавдаланади ҳалос. Уни хаяжон қамраб олди. Унинг қарғиш теккан, қўмиб қуйган муҳаббати яна бош қўтараётган эди. Саид титраб кетди. Қўз олдида Қуара гавдаланиши билан укасига нисбатан номуссизлик қилаётгани учун виждони уни айблай бошларди. Мана шу уйқусиз тунларда ўзига-ўзи савол берарди:

«Азиз авлиёлар нима учун арз-додимга қулоқ солишмади? Нега мен азоб чекяпман? Ахир қариялар умматнинг ҳар бир оху-фарёдини пайгамбар инобатга олади, деб ўргатишар эди-ку. Наҳотки...» Унинг ҳаёли шу ерда узилди. Бошқа нарсаларни ўйлаб гуноҳга ботишдан қўрқди.

У онасининг «сенга нима бўлди?» деган саволидан қочишга уринаверди. Аммо кампир ўглининг калбини қандайдир ҳам тимдалаётганини сезди.

- Сен ўзингни бир нима билан овутсанг бўларди... балки отда сайр қиларсан...

Саид итоатқорлик билан рози бўлди.

- Яхши, бир айланиб келаман.

Унинг дардли овози яширин гамини ошқор қилиб қўйди.

Оқшомда отини эгарлаб, адирга чиқиб кетди. Қуёш уфқни гўё ёндириб, қизартириб турибди. Унинг ҳаёлига бирдан халқининг қўхна қўшиги келди. У беихтиёр қўшиқ айта бошлади. Унинг назарида калбидаги бутун гам адир бўйлаб таралаётган мана шу майин қўшиқ билан чиқиб кетгандай бўлди:

Шамси анвар мағрибда,

эгилиб ерга:

Ўзи билан бахтимни

Олар қабрга.

Огар гулгун осмон ҳам

Қўрсатиб сехр,

Саклагандим сен учун

Қанчалар меҳр.

Тонгла қуёш қайтадан

Нурин сочадир,

Аммо мандан истикбол

Хануз кочадир...

Бутун борлик коронгу

Бамисоли кабр...

Хам йўкотиш, хам хасрат

Йўклик ва жабр!

Кўшик тугагач, у отини елдирди.

Отнинг тез югуришими, ёинки кечнинг салкин хавоси сабаб бўлдими, йигитнинг калбидаги губор таркади. Кўзларидан яна жўшкинлик учкунлари сачради.

Сайр пайтида у Александровка станицасидаги казакларда жуда кўп хўкиз борлигини билди-ю, Габо билан якин кунлар ичи бир бахтини синаб кўришга ахд килди.

Эртасигаёк Саид Габонинг уйига келди. Мухаммад отни отхонага етаклади. Габо дўстини уйига таклиф килди. У Саиднинг нима учун келганини сизди. Бир ишни бошламокчи бўлганини пайкади. Аммо ҳеч нарса сўрамай, меҳмонга таом тайёрлашни буюрди. Таом тайёр бўлгунча бокка чикишди. Бу ер тинч, иш тўғрисида бемалол гаплашиб олиш мумкин.

- Куннинг ажойиблигини кара! – деди Саид Габога кора кўзларини тикиб. – Кечалари бундан хам гўзал – коп-коронгу!

- Ха, кечалар коронгу, аммо ўз йўлини биладиган одам учун ёп-ёруг, - деди Габо.

Улар жим қолишди. Сукутни Саид бузди:

- Бу йил Александровка станицасидаги казакларнинг хўкизи жуда кўп.

- Шундай дегин...- Габо акасининг максadini даров тушунди:- кайси кунни мўлжаллаяпсан?

- Бугун тунда чикилса хам бўлади.

- Яхши. Бир ўзингмисан?

- Ха.

Габо ўйланиб колди.

- Мухаммадни хам олсакмикан? Ёш бўлса хам чаккон, огзи хам махкам.

- Яхши, ўзинг билан бирга ол. Хўкизлар Терек дарёсининг бу киргогида адирда ўтлаб юрибди. Мен уларни кеча кечаси кўрдим.

- Подачилар кўпми? – кизиксинди Габо.

- Тўрт киши.

- Уларни танитайсанми? Канака одамлар экан?

- Гулханнинг ёругида кўзим сал-пал илгади. Мен уларни аввал от бозорида кўрган эдим. Чўпонларнинг бири қари майпараст Андрюша, яна биттаси хотинларнинг ишқивози Ваня, Трофим деган калтафахм тентак билан яна бир бола хам бор.

- Режа тузиб кўйгандирсан? – сўради Габо.

- Йўк, мен ўлжанинг қайси томонга қочишига қараб иш кўраман.

Габонинг хаёлига айёрона бир режа келди.

- Саид, агар рухсат берсанг, менда бир режа бор, шунга қараб иш кўрсак. Албатта, мен ёшман, сенинг олдингга тушиб, сенга ақл ўргатишга ҳақким йўк. Бирок фикримча, бу ишни осонгина дўндириш мумкин.

- Айтавер, биз ака-укамиз-ку, айбга ўрин йўк.

- Мухаммад кизларнинг кийимини кийиб олади, - давом этди Габо, - бу ишни менга кўйиб беравер, кейин ўзинг қойил коласан.

- Яхши. Ўша ерда шароитга қараб бир нарса қилармиз.

- Соат тўққизда йўлга чикамиз,- Габо шундай деб режасини тушинтира кетди, -

Александровкагача йигирма беш чакирим. Энди бориб ёт. Бу кеча ухлашга вақт бўлмади. Мухаммад билан гаплашиб олиб, мен ҳам ётаман.

Саид дам олиш учун уйга кирди. Габо эса эндигина мехмоннинг отига еиб бериб бўлган укасининг ёнига келди. Мухаммад одатдагидай оёкяланг, дагал бўздан тикилган иштони чарм камар билан белига маҳкам боғланган. Кўйлаги ҳам ўша матодан. Тугмалари кадалмаган. Куёшда корайган кўкраги кўриниб турибди.

- Мухаммад, бугун кечкурун сени ўзим билан олиб кетаман, - деди Габо.

Мухаммаднинг кўзларида, бегубор юзларида кувонч порлади. У акасининг баъзи-баъзида кечалари чикиб кетишини биларди. Аммо халигача бир марта ҳам акаси уни ўзи билан олиб бормаган эди.

- Хозир отларни ўтлоқка хайдаб, кўз-кулок бўлиб тур. Кейин казак кизларининг рўмоли билан кўйлагини топиб, тугунчага ўраб кўй. Ўзинг билан олволасан. Аммо билиб кўй: бу ишни ҳеч ким сезмаслиги керак. Коронгу тушиши билан эгарни олиб борамиз. Ўзинг учун кулранг отни ўтлоқка олиб чик.

- Хўп бўлади.

Мухаммад буюрилган ишларни акасининг кўнгли тўладиган даражада койилмаком килиб бажариш иштиёкида ёнади. Тўгри, у кизларнинг кўйлаги нима учун керак бўлишини тушунмай турибди. Шундай бўлса ҳам сабабини сўрамади. Акасининг ўйламай туриб бир иш бошламаслигини у яхши билади.

Габо бироз бўлса ҳам дам олай, деб ётди. Бу пайтда Мухаммад бог оралаб ўтиб, туйнукдан кўшнининг ховлисига чикди. Пастаккина сомонхонада икки казак аёли ухлаб ётарди. (Кўшниси уларни йигим-теримга ёрдам берсин деб ёллаган). У саройга ўгринча кириб, юбка билан катта рўмолни олди-ю, шарпа чикармай изига кайтди.

Бу ўгирлик бир дакиканинг ичида содир бўлди. Девордаги туйнук билан отасининг богига ўтиб олгач, енгил тортди. Тугунчани ошхонага, хашак орасига беркитиб кўйгач, учта отни ўтлоқка хайдади. Отларнинг оёкларига кофказча темир тушов ургач, кийиниб келиш учун уйига ошиқди. Дагал бўздан тикилган иштонини ечиб, кенг, кўм-кўк, пастки кисми болдирига таранг тортилган шим, юшок теридан тикилган, кўнжи тиззасигача чикувчи, пошнасиз, таги юшок этик, ёкасига тилларанг чилвир тортилган сарик пешмат камзул, унинг устидан кўкрагига кумуш ўқдан тизилган черкас кора камзули кийиб, белига кумуш ханжарни осди. Бошига папок кийди. Акасининг ёнида хамрох бўлиш бу ўсмир наздида кувончли байрам хисоблангани учун астойдил тайёргарлик кўришдан эринмади.

Ер юзига окшом чодир ташлаганда Мухаммад Габо билан Саидга таом келтирди. Уйда Явзико бўлмагани учун Саид билан Габо бирга овкатланди. Мухаммад хизматда бўлди. Кейин ўзи овкатланди.

Габо уйдагиларга Александровск казакларининг хўкизларини Ксарзанга хайдаб келиш учун Саид билан кетаётганини, ўлжанинг бир кисмини бекитикча сўйиб, бир кисмини токка яширажагини айтиб, шошилаётгани сабабли отасини кутолмаслигини билдирди. Нихоят коронгу тушди.

Габо иккита эгарни елкасига ташлаб, овулнинг коп-коронгу кўчасига чикди. Мухаммад ўзининг эгари билан тушов ва арконларни олди. Саиднинг ёши улуг, шу билан бирга мехмон бўлгани учун ҳеч нарса кўтармади. Учовларида ҳам милтик, тўппонча бор эди. Овулдан билинтирмай чикиб олишди. Отларни кийналмай топишди. Улар Мухаммад ташлаб кетган ерда туришарди. Жониворларнинг оёгидан тушовни ечиб, эгарлаб, учовлари ҳам бир вақтда сакраб минишди. Саид ўртада, Мухаммад кичик бўлгани учун -

ўнгда, Габо чап томонда. Хаво тоза. Атроф зим-зиё коронгу бўлганидан отлар йўлни топиб юриш учунми, бошларини эгиб олишган эди.

- Мухаммад, - деди Габо бирдан укасига караб, - сен кизларнинг кийимини кийиб олгинда Ванянинг бошини айлантириб, бир амаллаб даврадан ажрат.

- Сен уни ўлдирасанми? – деб сўради Мухаммад.

- Бу унинг ўзига боглик. - жавоб берди Габо. Килик килмаса, тирик колади.

Орага яна сукунат чўкди. Тун... Факат от туёқларининг юмшок ерга теккан заиф товуши эшитилади. Кутилмаганда кўзгалган кучли шамол булутларни парча-парча килиб юборди. Осмонда юлдузлар кўринди. Уларнинг кучсиз титрок нурлари замин сатхини ёритишга ожиз. Саид отини елдирди. Ака-укалар унга эргашишди. Улар баланд-паст адир бўйлаб анчагина йўл босишди. Саид йўл кўрсатиб борди. Икки соатлардан сўнг Саид эҳтиёткорлик билан секинлашди. Казакларнинг кишлоги якин колган эди. Ярим соатларча шу зайлда юришгач, у тўхтади.

Узоқда олов кўринди.

- Бу подачиларнинг гулхани, - деди Саид.

У яшириниш учун пасткамгина жой танлаб, отларга карашни буюрди. Мухаммад устидаги кийимларни ечиб, кизларнинг либосини кия бошлади. У черкасча камзули билан куролидан бир дакика хам ажралгиси келмас эди. Шу боис иштонининг устидан юбкани кийиб, кичик рўмол билан жагини тангиб, катта рўмолнинг учларини елкасига ташлади.

- Мухаммад, - деди Габо, - Гулханга якинлашгинда, Ваняга кўриниш бер. Агар сени ушламокчи бўлса, коч. Ноз-карашма килиб, уни чалгитавер. Аммо гаплашма. Уни шу томонга олиб келаверасан. Биз сени мана шу тепалик олдида кутамиз.

Мухаммад коронгуликда гулханни кўзлаб юриб кетди. Гулханга якинлашгач, учрашувга кетаётган нозаниндай юриш килди. Йигитча гулхан атрофига келиб карасаки, подачилардан бири ухлаб ётибди, учтаси эса гаплашиб ўтирибди. Атрофда элликтача хўкиз ўтлаб юрибди. Баъзилари ётиб олган.

Мухаммад гулханга якин келиши билан икки ит вовуллаб, унга ташланди. Лекин подачилар бакиришиб, итларни чакириб олишди.

- Сенга нима керак? – деб сўради Ваня.

Лекин «киз» рўмолининг учини айлантирганича жавоб бермади. Кора мўйловли, чиройли казак - Ваня ўрнидан туриб у томонга юрди. Ўн олти ёшдардаги Митя эса унга эргашди. Лекин Ваня унга караб бакирди.

- Хой итвачча, менинг оркамда нима бор? Караб тур, сенга кўрсатиб кўяман.

У шундай деб тахдид килганича муштини кўрсатиб кўйди. Митя кўркиб гулхан ёнига кайтди. Трофим яна мудрай бошлаган эди.

- Ванянинг ўйнашларидан бири келибди, - деди Митя Трофимга. - Ох, ох, аммо хотинлар бобида жуда омади келишганда...

- Ха-ха, хотинлар... - кулди Трофим кейин лабини чилпиллатиб кўйди-да, оловга якин ўтирди.

Бу пайтда Ваня мўйловини бураб нотаниш гўзалга якинлашиб сўради:

- Яхши киз, кимни кидиряпсан?

“Киз” ишва билан кулиб юзини яширди.

Ваня якинрок келди, “киз” эса оркага чекинаверди.

- Кўркма, кизлар мени севишади, мен уларнинг кўнглини олабиламан.

У “киз”ни кўздан кечирди. “Киз” жуда гўзал, комати келишган. Уни каерда кўрган экан? Хеч эслай олмади.



- Кимсан, яхши киз?

“Киз” хиринглаб кулишини кўймайди.

- Ахир гапирсанг-чи, нега келдинг? Кимни кидиряпсан?

Шунда «киз» уятчанлик билан шивирлади:

- Ваня...

Бу сўзни подачи хотиржам эшита олмади. Унинг кони кайнаб, «киз»га ташланди. Махкам кучоклаб, лабини унинг лабига босди. «Киз»нинг гўштдор лаби иликкина эди. Аммо ўнг кўли билан ушлаётган кўкраги хали каттик эди.

- Хали жуда ёшга ўхшайди, бировнинг кўлига тушмаган бўлса ҳам керак,- деб ўйлади Ваня.

Лекин тунги меҳмон шашт билан унинг бағридан юлкиниб чикиб, югуриб кетди. Ваня ҳам унинг оркасидан кичкирганича югурди.

- Нега кочяпсан? Ахир Ванянинг олдига келдингми? Бирпас ўтирайлик. Мен кандай ўпа олишимни кўрсатаман.

Саид билан Габо унинг овозини эшитиб, ўша томонга эмаклашди.

- Саид, у кичкиришга улгурмасин. Сен томогидан ол. Мен кўлларини ушлайман.

Мухаммад тепаликка келиб тўхтади. Чукур-чукур нафас олди. Акаси билан Саиднинг шу якин орада эканини биларди. Ваня Мухаммадга етиб олди. Бирок «нозанин»ни кучоклаб, лабларини кидириб топмасдан Саид унинг томогига шундай ёпишдики, бечора ошик гинг дейишга ҳам улгурмай колди. Габо осмондан тушгандай пайдо бўлиб, бакувват кўллари билан унинг кўлини сикди. Мухаммад эса энгашиб, Ваняни чалиб йикитди. Бунинг хаммаси кўз очиб юмгунича содир бўлди. Хеч ким бир огиз сўз айтмади. Ваня ерда ётар, Саиднинг кўллари хали томогини кўйиб юбормаган эди. Ваня хириллай бошлади.

- Тезрок бўл, - деди осетин тилида Габо укасига. – Оёгини махкам богла. Мана шундай... Энди кўлини... йўк, бундай эмас, оркасига килиб... Кани уни агдар-чи, томогини кўйиб юборма, - огохлантирди Саидни, - яна бўғиб ўлдириб кўйма... мана шундай... Энди бечора ошикни кўтарамиз. Мана бундай ўтирсин.

- Хўш Ваня, - давом этди Габо. – Энди менинг айтганларимни сўзсиз бажаришинг керак. У ханжарини чиқариб, учини Ванянинг томогига тиради. Томогига ўткир тиг тегиб Ваня чўчиб тушди.

- Томогини кўйиб юбор, - деди Габо Саидга, - Кўрдингми Ваня, ким шилталиқ килиб, кизларнинг оркасидан югурса, шу ахволга тушади! Лекин сен биздан кўркма. Биз каллакесар эмасмиз, агар ўзлари ажал чакиришмаса, биз бекордан бекорга одам ўлдирмаймиз.

- Агар айтганларимизни килсанг, тирик коласан, - деб гап кўшди Саид.

- Нима килишим керак? – деб сўради Ваня, жонхолатда.

- Аввал менинг саволларимга жавоб бер! Агар алдасанг, холингга маймунлар йиглайди.

Бугун тунда нечта подачи колгансанлар?

- Тўртта.

- Бошкаларнинг исми нима?

- Андрюша, Трофим, Митя.

- Андрюшанг мастми?

- Йўк, ухлаяпти. Бугун ичмади.

- Сенга эргашган бола ким?

- Митями? Хали гўдак-ку?

- Ёнидаги-чи?

- Униси тентак Трофим-ку! Хавотирланманг, сизга каршилиқ кўрсатмайди. У гапга кирадиган одам. Нима буюрилса итоат билан бажаради. Шунинг учун доим уни ўзимиз билан олиб юрамиз.

- Яхши. Энди... Митяни чакир.

- Митя! – кичкирди Ваня.

- Каттикрок чакир.

- Митя!

- Нима дейсан? – гулхан томондан эринибгина жавоб берди бола.

- «Бу ёкка кел» деб кичкир, - деб буюрди Габо, кескин охангда.

- Бу ёкка кел! – деб бакирди Ваня итоаткорлик билан.

- Нимага? – бола эриниб, ўрнидан кўзголгиси келмади.

- Бу ёкка кел итвачча! – деб сўкинди Ваня.

Гашланиб ўрнидан кўзголган Митянинг якинлашиши кўриниб турарди. Гулхан ёругида унинг коп-кора гавдаси кўзга ташланарди. Габо Мухаммаднинг бошидан рўмолини чакконлик билан олиб, Ванянинг огзига тикди.

- Хўш, – тантанавор охангда деди Габо, - бунисининг бизга зиёни тегмайди. Энди кичкинани ҳам шундай жимгина жойлаш керак.

Бу орада Митя якинлашиб колди.

- Ваня каердасан? – деб кичкирди у.

Жавоб бўлмади.

Саид боланинг оркасига ўтди. Мухаммад олд томондан эмаклаб якинлашди. Дакика ўтмай Митя ҳам Ванянинг ахволига тушди. Унинг ҳам кўл-оёқларини боглаб, Ванянинг ёнига ёткизишди.

- Тўхта, тўхта! – деди Габо укасига, - Миямга ажойиб фикр келди. Юбкангни ечиб, Митяга кийдир. Ахир Ваня кизларнинг кўйлагини кийган болани яхши кўради-ку!

Ваня билан Митяни ўринларидан тургаздилар-да, болага казак кизининг юбкасини кийдирдилар. Уларни кўллари оркага боғланган, юзма-юз, кўкраги кўкрагига тегадиган холда кўйиб, катта рўмол билан иккала бошни тангиб, бирлаштириб кўйишди.

- Хўш... Энди нимани истасанглар шуни килаверинглар. Хохласанглар сайрга чикинлар, хохласанглар турган ерларингда раксга тушинглар, хохласанглар рохатланиб ётаверинглар.

Митя хикиллай бошлади. Орият азобидаги Ваня эса бу хўрликка чидай олмай газаб билан бигиллади. Бечора ўсмирни ўзидан нарига улоктириб юбориш касдида силкий кетди. Бу харакатдан баттар гангиб, ўзини йўкотган йигитча беихтиёр унинг оёгини босиб олди. Буни ракибнинг хамласи деб англаган Витя ўша захоти Митянинг тўпигига тепди. Бир-бирига боғланган икки казак шу тарзда бир-бирини тепиб, чала кетди.

Уларнинг бу харакатларидан уч томошабин мирикиб завкланди. Нихоят, талваса раксига тушаётган Ваня билан Митя мувозанатни саклай олмай ерга кулашди.

- Агар казаклар эртага буларни шу ахволда топишса, ичаклари узилгунча кулишади.

Кани, энди бошкаларнинг олдига кетдик, - деди Габо.

Трофим гулханга тикилганча ўтирибди. Андрюша эса ухлапти. Трофимнинг каршисида икки куролланган киши худди тун бағридан отилиб чиккандай пайдо бўлди.

- Кўлингни кўтар! – Габо секин аммо катъий буйрук килди.

Барча подачилар каби Трофимнинг хам милтиги бор эди. Аммо у бошкалар отса ёки буюрсагина милтигини ишга соларди. Шу сабабли бу сафар милтикни ишга солишга харакат хам килмай, итоаткорона кўлини кўтарди. У нотаниш одамларга караб анкайиб

колди: улар ким, нима керак?

- Агар бакирсанг, ахволинг чаток бўлади. Ахир биз приставнинг кўрикчисимиз-а! У бизни хўкизларни хайдаб келишга юборди. Приставнинг хўкиз гўштини яхши кўришини билмайсанми?

Трофим хеч нарсага тушунмай сўради:

- Ростданам пристав юбордими?

- Ха, эртага эрталаб сўрашса, хўкизларни приставнинг кўрикчилари, полиция хайдаб кетди, деб айтасан, - деди Габо.

- Тушундингми? – деб дўк урди Саид.

- Ха, тушундим, - деди Трофим доводирав, - хўкизнинг кўрикчилари...

- Хўш, энди кўлингни оркага кил, - буйрук килди Габо. Трофим гапга тушунмай иккиланиб колди. Шунда Габо унга якин келиб, елкасига туртди:

- Кўлингни оркангга кил!

Тентак, бу сафар буйрукка итоат билан бўйсунди. Уни боглашди. Андрюша эса ҳамон бамайлихотир ухларди.

Габо билан Саид унга якин келишлари билан адирда дайдиб юрган икки пахмок ит уларга ташланди. Саиднинг киличи итларни бир зумда тинчитди. Бири гулхан олдида жонхолатда типирчилаб колди, иккинчиси яраланиш азобидан акиллаб, тун багрида гойиб бўлди.

Андрюша шовкин-сурондан уйғониб кетди.

- Нима гап? – деб сўради у гарангсиб.

- Тинчлик, отахон, хеч гап йўк, - деди Габо унинг тумшугига тўппонча тираб. Андрюша кўркиб, ўзини оркага ташлади.

- Пристав подачилар яхши ишляптими йўкми, деб бизни текширишга юборди. Сени ухлаб колганинг чаток бўлибди.

- Ахир...

- Жим бўл! – бакирди бор овози билан Габо, - йўкса кекирдагингни узиб ташлайман.

Саид, кўлини оркасига килиб махкамрок богла, кейин... - Габо ниманидир кидириб колди.

Кейин кичкина бочкача топиб унга узатди. - Мана буни бошига кийдириб кўй. Паст томонидан иккита тешикча очиб кўй. Кани арконни ол-чи! Хў-ўш... арконнинг учини оёгининг орасидан ол, яхши, энди бир учини бочкага богла... Хў-ўш... ана энди хохласанг раксга тушишинг хам мумкин. Факат тик тур, яна гулханга ўтириб олма.

- Кўрдингми, Андрюша. Бу сенга мактаб бўлади. Энди вазифангни унутиб, гулхан ёнида ухламайсан, - деди Саид.-Мухтарам бошлиқларимиз юкори вазифаларни эгаллаган одамларнинг тарбияси хакида мана шунака кайгурадилар.

Габо эрталаб бўлажак воқеаларни ўйлаб, хаёлан кувонди. Зап иш бўлдими: иккитасини бир-бирига боғланган холда топишади. Мана бу иккитаси хўкизларни полиция хайдаб кетди деб турса...

Мухаммад отларни олиб келгунча, Саид билан Габо хўкизларни бир жойга тўплادилар.

Тез орада подани хайдаб, изларига кайтишди. Хўкизлар хар томонга таркаб кетавергани учун секин юришди. Саид гугурт ёкиб, соатига каради.

- Габо, ярим тун бўлай дебди. Подани Ксарзанга хайдаб улгурмасак керак. Тагаурскка хайдасак нима дейсан?

- Сен нима десанг шу-да, факат тезлаштириш керак.

Габо Саид билан Мухаммадни пода билан тоғ ўрмонларига юборишга, хўкизларнинг бир қисмини кишлокдаги дўстлариникига яширишга, бирини ўзи учун сўйишга қарор килди.

Тонгда Тагаурскка етиб келишди. Саид билан Мухаммад тўхтамай, кирктача хўкизни токка хайдашди. Габо кишлок оксоколи Элбисдни уйготди-да эшик олдида турган бузокни хадя сифатида кабул килишини сўради.

- Александровск казакларининг хўкизларини хайдаб олиб кетишибди. Эрталаб подачилар бу ишни приставнинг кўрикчилари килган дейишади, - деди у кулимсираб. – Агар кимда-ким Тагаурскка келса меникига юборинг. Майли, тинтув ўтказишсин. Бу иш факат Явзиконинг ўгли Габонинг кўлидан келади, деб айтинг.

Оксокол нима дерди: унинг кўнгли тўк, ўз улушини олди.

Габо колган хўкизларни кўшниларга бир-бир таркатди. Кўшнилар бундай тонгги совганинг нимани англатишини сўзсиз тушунишади. Габо семиз хўкизни отаси ёрдамида сўйиб, терини дўкондорга сотди. Гўштини ошхона томондаги пичан орасига яширди. Эртасига эрталаб, хўкизларнинг хайдаб кетилгани маълум бўлгач, станица хаяжонда колди. Дастлаб бошига бочкача кийдирилган Андрюшани, кейин Трофимни топишди. Улар хўкизларни хайдаб кетганлар «биз приставнинг кўрикчиларимиз» дейишганини айтишди. Казаклар Ваня билан Митяни кўриб, ўзларини кулгидан тўхтата олишмади. Кўпол хазил килишди. Хатто бу воқеадан сўнг кўп йиллар ўтганидан кейин ҳам ана шу кеча хакида сўз кетса Ваня газабга келарди.

Ванянинг айтишига караганда, карокчи Габо бўлиб чиқди. Бундай масхарабозлик факат Габонинг кўлидан келади. Унинг бундай килмишлари овулдан ташкарида ҳам маълум. Унинг услуби шунака. Бирок ҳеч ким уни айблаб олмайди. Доим сувдан курук чиқади. Казаклар шу захоти пристав Николай Петрович олдига йўл олишди. Улар Трофим билан Андрюшанинг гапларини айтишди. Айникса, приставнинг хўкиз гўштига ишкивозлиги хакида сўз кетганда унинг кўзлари газабдан ёнди. Казаклардан бири Ванянинг тагаурсклик осетин Габодан гумони борлигини айтгач, пристав шу бугунок тинтув ўтказишга қарор килди.

---

Пешинда пристав казаклар билан Тагаурскка йўл олди. У тўгри оксоколникига келиб, кечаси Александровка казакларининг хўкизларини хайдаб кетилганини айтди. Оксокол чуқур уф тортиб, ёшларнинг бебош бўлиб кетишгани, замон нотинчлигидан нолий кетди. Пристав унга синовчан қараб, «гумонинг кимдан?» деб сўради.

- Агар карокчи бизнинг овуллик бўлса, бу иш факат Габо Явзико ўглининг кўлидан келади, - деди оксокол ишонч билан.

- Ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Казаклар билан оксоколнинг ҳамроҳлигида пристав Габоникига келди.

Габо отаси билан ховлида турарди. Приставни кўриб у томон югурди-да, етиб бориб, таъзим килди.

- Габо! – деди пристав катъий охангда, - александровкаликларнинг хўкизлари кани?

- Александровкаликларнинг хўкизлари қаерда дейсизми? - худди тушунмагандай сўради Габо, - Менимча, улар Александровкада бўлса керак.

- Уларни ўғирлаб кетишибди! – пристав газабдан ўзини тутиб туrolмади. – Уларни сен – шайтон ўғирлагансан!

- Жаноб пристав, - деди Габо ҳақоратланган киши овози билан, - Мен ўгри эмасман.

Гунохсиз бир одамдан гумонсирашга хаккингиз йўк. Майли, кидиринг, тинтинг. Барибир ҳеч нима топа олмайсиз.

Шу топда казаклардан бири приставга ердаги кон догани кўрсатди.

- Бу кон каердан келди? – сўради пристав.

- Онам товук сўйибдилар – деди Габо хотиржамлик билан. – Кеча мехмон бор эди.

- Ким?

- Ксарзанлик Саид Теспот ўгли.

- У ҳам олгир йигит, муттахамликда сендан қолишмайди, - деб мингирлади пристав, - уни ҳам кўлга олиш кийин... Казаклар! Уйни, отхонани тинтиб чиқинглар!

Шундай деб буйрук бергач, Габога кахрли нигоҳини қадади:

- Бугун кечаси каерда эдинг?

- Каерда бўлардим... кўрпа ичида. Уйда бўлганимни гувоҳлар тасдиқлашлари мумкин. Казаклар уйни, ошхона, омборхонани тинтиб, хўкиз гўшtidан асар ҳам топа олишмади. Кейин отхона томонга юришди. Габо уларга эргашди. Улар томдаги пичанни ерга отишаётганда ҳам хаяжонини билдирмади.

- Тўхтанглар-чи, - деди Габо, - ўзларингизни уринтириб нима киласизлар, мен ўзим ташлайман. - У томга чиқиб, колган пичанни беркитилган гўшт билан кўтарди-да, пастга иргитди.

- Хар бир бурчакни яхшилаб каранг, - деди пристав.

Ховли ўртасидаги гўшт яширилган пичан уйимига ҳеч ким эътибор бермади. Казаклар пастга тушишди.

- У ерда ҳеч нима йўк.- дейишди приставга.

Простав ҳеч нимага тушунолмай, Габога караб ўйланди.

Габо унга яқинлашиб, жилмайди:

- Мана кўрдингизми, жаноб пристав. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўк мени ранжитдингиз. Уйимизда тинтув ўтказдингиз. Нима сабабдан менадан гумонсирадингиз?

- Мен эмас, ўзингизнинг оксоқолинг гумонсираяпти, - деб ўзини оклади пристав.

- Шундай денг! – Габо ранжигандай бўлиб, оксоқолга норози кифада каради. -

Гунохсиз овулдошингизни айблашга қандай ҳаддингиз сигди? Сиз бизни коралаш эмас, химоялаш учун оксоқол бўлгансиз!

У кўзлари ёниб, оксоқолнинг ёнига келди.

- Бу сафар гунохсиз бўлганинг билан менга бақирингизга хаккингиз йўк! – деди оксоқол ундан юзини ўгириб.

- Бу сафар денг, - бақирди Габо ва унинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди. – Бу хақорат!

Мени қачон ўгрилик устида ушлагансиз, қачон?!

У жаҳл билан ханжарига ёпишди.

Простав уларни ажратиб қўйди. Бирок оксоқол билан Габо ўртасидаги жанжалдан шодланди. У газаб билан айтилаётган гаплар орасида ўзига керакли бирор нарсани билиб олишдан умидвор эди.

Лекин Явзико бу томошага айёрлик билан барҳам берди. Приставни казаклар билан бирга ўз нон-тузини тоттишга таклиф қилди. Пристав ноз қилмай, рози бўлди. Уни мехмонхонага бошлашди. Оксоқол билан уй хўжайини унинг кўнглини овлаш билан машғул бўлишди.

Казаклар чекиб, лақиллашиб ошхонада ўтиришди.

Габо пичан орасидаги хўкиз гўшtidан бир неча бўлак кесиб олиб онасига келтириб

берди-да:

- Онажон, сели котмаган гўшт приставнинг жигилдонини китиклайди. Кассобдан насияга олиб келдим... – деди мугомбирлик билан.

Габо чаккон-чаккон харакатлар билан нозик мехмоннинг кўнглини овлади. Пристав олдига кўйилган сочик орасида хадя борлигини англаб, ҳеч кимга сездирмай, пулни олиб чўнтагига урди. Бунака иззат-икромга кўп дуч келгани учун “бундан максад нима?” деб сўраб ҳам кўймади.

Явзико мехмон олдига икки хумчада ажойиб осетин пивосини кўйди. Бу ҳам приставнинг кўнглини юмшатишга кўп ёрдам берди.

Овкатдан сўнг у Габони чакирди.

- Менга кара Габо, айтайлик, бугун сен билан нотўгри муносабатда бўлдик. Ха, сенинг айбинг йўк. Хамма гуноҳ бизда. Пристав ҳам гоҳида янглишади. Лекин мендан бир нарсани яширма: хўкизлар каерда? Мен буни пристав сифатида эмас, мехмонинг сифатида сўраяпман. Гап иккаламизнинг ўртамизда бўлади. Мен сенга жазо бермайман. Таъкиб ҳам килмайман. Факат менга хўкизлар каердалигини айт.

- Жаноби пристав, - жавоб берди Габо айёрона жилмайиб, - агар хўкизлар тирик қолган бўлса ўрмонда юргандир. Аммо уларни ҳеч ким топа олмайди. Жаноб пристав, ковордук қалай, ёқдимми?

Пристав бир сукутгина тошдек қотиб қолди. Кейин шундай хохолаб қулди-ки, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

- Йўк, Габо, сен...сен хакикий товламачисан, хийлагарсан! Каранг-а! У бизни ўзимиз кидирган гўшт билан сийлаяпти-я! Яхши! Лекин мен казакларга айтаман. Габо, айт-чи, гўштни каерга яширган эдинг? Биз излаб тополмадик-ку?

- Нима ҳам қила олардим? Жаноб пристав, яна бир кидириб кўринг, - деди кинояли қулги билан Габо.

Айбдорларни топа олмаган пристав шу қуниёк казаклар ҳамроҳлигида қароргоҳига қайтди.

xxx

Габо билан Қуара энди қуёв-келин. Тселлагонинг уйида бўлган фотиха тўйида қалин миқдорини келишиб олишди. Тўй тез орада, янги йил қириши биланок бўлиши керак эди. Габо Қуарадан беш ёш қатта. У кизни болалигидан билади. Факат мана шу Қуарагина овул кизлари ичида Габонинг юрагида севги ўтини ёкишга муяссар бўлди. Габо кизни болалиқдан яхши кўради. У болалигида Қуара билан бирга ўйнади, хатто кизга тахта бўлақларидан аравача ясаб берган, Қуара бу аравачада кўгирчоғини солиб ўйнаб юрарди.

Қуара ҳам бу баходир йигитни севади. Габо киз учун тенгсиз бир қахрамон, айна чокда кўркам ва ажойиб йигит. У жуда кўп йигитларнинг таклифини рад этди. Гўзал ва мағрур Қуара ишкидаги жуда кўп йигитлар қалб азобидан кўп оҳ чекдилар!

Тагаурск оксоқолининг ўгли Мурод ҳам ана шу кўйга тушган жабрдийдалардан эди. Албатта, у сиртдан қараганда кизга жуда мос эди. Отаси ўзига тўқ, хурмати зўр одам. Ўзи оиланинг орзу-умиди, яқою-ягона ўғил. Мурод бўйдор, аммо сочи тўқилаётган, бурни қатта, беўхшоврок эди. Уйда ота-онаси қаддан зиёд эркалаб юборганидан ўз хошишига жуда эрк берган. Мурод Қуарадан рад жавоби олишга ақли етгач, уни олиб қочиш режасини тузди. Қуаранинг Терпско исмли амакиваччаси бор. Қамбагал бу йигитнинг кўнгли жуда-жуда бўш. Мурод турли совга-саломлар билан унинг кўнглини овлади. Муродга унинг қўмаги шу қунларда сув билан хаводай зарур эди. Муроднинг фикрича,

кизни олиб кочиб, номусига теккандан сўнг, Куарани ҳеч ким олмайди. Шунда унинг оиласи Муродни куёв қилишга мажбур бўлади.

Габо Муроднинг Куарага кўнгли борлигини биларди. Шу ўринда Куаранинг факат ўзи - Габони севишига ҳам каттик ишонарди. Унинг мағрурлиги, ракибидан ҳар томонлама устун эканига ишончи Куарани Муродга рашк қилишига йўл бермасди. Бирок Куаранинг яқинида Муродни кўриб қолгудай бўлса, барибир аччиги чикарди.

Куара билан Габонинг фотиҳа қилиниши Муродни режасидан қайтара олмади. У Габонинг доврүгидан ҳам, хайбатидан ҳам унча кўркмасди. «Менинг ханжарим ҳам униқидай ўткир», - деб ўйларди. У Терпскога суянса бўлади. Терпско ҳозир Муродга яқин дўст бўлиб қолганидан хурсанд. Бирок Мурод унга режасини гапириб берганда Терпско аввалига қаршилиқ билдирди. Бу иш унинг назарида оиласига хиёнат, қисқаси, аблаҳлик бўлиб туюлди. Синглисини тузукка тушириб, унинг бахтиқаролигига сабабчи бўлишни истамади. Лекин Мурод бир-икки гап билан унинг икқиланишини пучга чикарди. У шундай қиладики, қариндошлари тугул ҳатто Куаранинг ўзи ҳам икки дунёда Терпсконинг Муродга ёрдам берганини сезмайди. Бу соҳада Муроднинг тайёр режаси бор: Терпсконинг бирдан-бир қиладиган иши - Куарани расмга тушишга кўндириш-у суратхонадан бир ўзининг чиқиб қелишини таъминлаш. Қолганини Муроднинг ўзи қотиради.

Куара гойиб бўлиши билан Терпско бу ҳақда Тагаурскга хабар бериши керак. Бу орада эса мўлжалдаги иш амалга ошган бўлади... Муроднинг айтишича, шу зайлда Терпско унинг яқин қариндошига айланади! Йигит киши учун ахир бу фахрли-ку! Бу муттахам, қарокчи Габонинг ҳаёти бир кунмас бир кун ёмонлик билан битади. Терпско сал икқиланса-да, барибир кўнгандай бўлди. Ўзининг аралашуви сир сакланишига қаролат берилгач, кўнгли бироз тинчиди. Мурод унинг бутунлай рози бўлмаётганини сезиб, ҳал қилувчи зарба берди: у Терпскога факат Владикавказдагина топиладиган қумуш ҳолли ажойиб эгар ваъда қилди. Мурод Терпскода шундай эгар олиш орзуси борлигини, лекин ҳамёни қурук эканини биларди. Нихоят, Мурод қолиб қикди. Терпско узил-қесил рози бўлди. Қўл беришишди. Куаранинг эса боши устида тўпланаётган бало булутлардан хабари йўқ. У Габога бўлган муҳаббатидан маст, тўйга тайёргарлик қўрарди. Бир қуни амақиваччаси Терпско ундан қуёвтўрага қандай совга-салом тайёрлаётганини сўради. Куара Габо учун рўмолчалар тикиб қўйганини, дастаси олтин ранг иплар билан безатилган қамчин тайёрлаганини айтди. Терпско унга фотосуратини совга қилишни таклиф этди-да:

- Сен бундан бўлақ яхшироқ совга қилолмайсан, - деб таъқидлади. Бу фикр Куарага ёқиб тушди. Терпско уни шаҳарга қузатиб боришга тайёр эканини айтгач, ноз қилмай рози бўла қолди.

- Ҳа, айтмоқчи, Ботирбек ҳам шу қунлар ичи шаҳарга тушмоқчи эди-я, - деб аҳдини қатъийлаштирди.

Бу гап Терпскога ёқмади. Лекин Ботирбекнинг боришига қаршилиқ билдиришга қўрқди. Қиз хавфсираб қолиши мумкин эди. «Қандайдир баҳона билан Ботирбекдан албатта ажралиши керак», деб ўйлади у. Улар қеласи душанба қуни шаҳарга боришга қелишишди. Терпско усти ёпик извош топишни ўз зиммасига олди-ю, қелишув ҳақидаги хабарни шу қуниёқ Муродга етқазди. Бу хушхабардан кўнгли тўлган Мурод тайёргарликни тезлатиш мақсадида шаҳарга қетди. Қўп ўтмай Владикавказда Терпско ҳам пайдо бўлди. Улар қелишиб олинган соатда муюлишда учрашишди. Бир неча извошчилар билан гаплашишди. Бир-бирига жуда ўхшаган тўрт қилдирақли икки извошга дуч қелишгач, уларнинг

биринчиси билан Терпско келишди. У извошга учта ок от кўшилиши шарт эканини, уч кишини Тагаурскдан олиб келиб, яна кайта олиб бориб кўяжагини айтиб, баҳолашди. Мурод иккинчи извошни ҳам худди шу кунга тайинлади. У ҳам извошга учта ок от кўшишни таъкидлади. У извошчига шу куни шахар кўчаларида кўринмай, ховлида токка чикишга тайёр туриши кераклигини айтди. У манзилни аник айтмади, Владикавказдан ўттиз чакирим наридаги Алагир кишлогига борилиши шартлигини хозирча извошчининг билиши лозим эмас эди. Шу боис Мурод кирк чакиримдан зиёд йўл босмасликларини айтиб, извошчини хотиржам қилиш учун олдиндан сахийлик билан пул тўлаб қўйди. Мурод Тагаурскка кайтиб келгач, шу ишга ёрдам бермокчи бўлган якин дўстларидан бири Садулни Алагирга юборди. Садул бориб Муроднинг амакиси Сосани огохлантириб қўйиши керак эди. У Муроднинг душанба куни гўзал киз билан келишини, номуси булганган кизни оиласи турмушга узатишга кўнмагунча яхшилаб яшириб қўйиши шартлигини айтди.

Соса топширикни эшитгач, бир оз ўйлаб, мулохаза килди-да, хаммаси жияни айтгандай бўлишини уктириб, «кўнглини хотиржам килаверсин», деб қўйди.

Шанба куни Габо Владикавказга бориб, Куара учун кидира-кидира энг чиройли олтин камар, осетин кизларининг қўйлагини безайдиган ўнта кимматбахо тўгнагич сотиб олди. Энг узун тўгнагич юкорига такилиб, кўкрак устини безайди. Колганлари пастга кетма-кет кадалади. Энг кичиги белдан сал юкорига такилади. Тўгнагичларга ўрта асрга хос Осиё суратлари билан безак берилган эди.

Якшанба куни тушдан сўнг Габо зеб билан кийиниб, ёнига Мухаммадни олди-да, Тселлагонинг уйига борди. Мухаммад ипак когозга ўралган совгаларни кўтарди. Тселлаго уларни кутиб олиб, бўлажак куёвини мехмонхонага бошлади. Габо хонтахта устига кимматбахо тухфаларни қўйиб, каллигига совга қилиш нияти бор эканини айтди. Бу безаклар Куара хусну-жамоли олдида арзимас эканидан хижолатда эканини билдириб, бундан зиёдрок кимматбахо нарса келтирмагани учун узр сўради. Шахардан кидириб топганлари шугина эди. Тселлаго эса бу зийнатларга хайрат билан бокарди – ўзича чамалаб қўриб, бу буюмларга олти юз сўм нарх қўйди. У Габога миннатдорчилик билдириб, куёвга кўриниш бериш учун ясанаётган Куарани чакиргани чикди. Киз тез орада чикди. Оддий кийинган, аммо гўзал Куара Габога жилмайиб бокиб, кўл берди. Габо аввал ўнг кўлини папогига қўйиб таъзим килди-да, Куаранинг нозик кўлини ўзининг ўнг кўлига олиб сиқиб қўйди. Мухаммад ҳам бўлгуси келинойисининг кўлини ушлаб қўришни истар эди. Аммо Габонинг жиддий каровчи кўзлари эшикни имлади. Мухаммад бу ерда ортикча эканини тушуниб, нокулайлик билан таъзим қилиб чикди. Хар нечук курук колмади, Куара унга бир жилмайиш хадя этди.

Габо билан Куара фотиха тўйидан кейин илк бор бир ўзлари қолишди. У кизнинг белидан кучиб ўзига тортди. Киз каршилиқ билдирмай ўз бахтидан, мухаббатидан маст, бўлиб унинг кенг кўкрагига бошини қўйди. Габо чап кўли билан унинг бошини кўтариб гўзал юзига, чиройли кўзларига тикилди. «Хам гўзал, хам аклли, хам мехрибон», деб ўйлади у. Габони бахт шароби магрур этди: шу гўзал киз унинг каллиги!

- Куара, - деб шивирлади у, кейин бошини эгиб кизнинг юмшок лабларидан бўса олди, махкам кучди. Кизнинг назарида ўзи шу топда химоясиз, жуда кичкина, жуда нозик эди. Шу билан бирга йигитнинг кучогида ўзини айтиб бўлмас даражада бахтиёр хис этарди. «Агар хохлаганимда ҳам унинг кучоғидан кутилиб чиқа олмасдим», деб ўйлади киз. Бу ёкимли кучокдан кутилиб чиқишни орзу ҳам қилмасди. Бу чайир билаклар огушида маст бўлиш унинг учун энг буюк саодат эди. Ўз ихтиёридан чиқиш, ўзини севганига тўлалигича



топшириш, мухаббат чўрисига айланишдан ўзга истаги йўк эди.

- Габо! - деб йигит елкасига кўлини кўйди-да, унинг кўзларига тўйиб бокиш учун ўзини сал оркага ташлади. Икковлари ҳам бир неча дакика сукутда қолишди.

- Габо, - деди у жилмайиб, йигитга бошдан оёк кўз ташлаб. - Мен сизни хар вақт севардим. Мен ҳеч қачон сиздан бошқа одам билан турмуш қуришга рози бўлмас эдим. Киз унинг юзларини силади.

- Габо, мен сизни севаман. Фақат сизни!

- Куара, - деди Габо касамёд этаётган киши овози билан. - Мен ҳам сени севаман. Фақат сени ўйлайман. Менга сендан бўлак киз ёкмаган. Куара, Худонинг ўзи сени менга бахтим учун яратган.

- Куара! - у кизнинг бошини икки кўли билан ушлаб, унинг кўзларидан, пешонасидан, юзларидан ўпди. Нихоят, уни кўйиб юборди. - Куара, бир-биримизни севишимиз қандай яхши!

Бу орада уйга кизнинг онаси Дандана кириб, патнисда май тўла кичкина қадах билан ширинлик кўйди. У баъзи бир нарсаларни кўрди, сўнгги сўзларни ҳам эшитди. Эшитди-ю, ёшлик кезларини эслади:

«Тселлаго ҳам мен билан худди шу зайлда гаплашар эди» - деб ўйлади у енгил энтикиб.

- Бу ажойиб зийнатлар учун Габога раҳмат айтдингми? – деб сўради у яна совгаларга хайрат билан бокиб.

- Йўк! – кизарибгина жавоб берди Куара. – Мен ўзим учун энг қимматли бўлган совгага махлиё бўлиб қолибман.

Душанба куни эрталаб Тагаурскка тўрт ўринли, учта оқ от кўшилган извош келиб тўхтади. Извошчи бир ярим соат мобайнида отларга дам бергач, соат тўққизларда Куара Ботирбек ва Терпско ҳамкорлигида шахарга йўл олди. У миллий кийимда эди. Кўйлаги устидан Габо совга қилган қимматбаҳо безакларни тақиб олганди, бошига эса қора сочларини яшириб турувчи оппоқ тўр рўмол ўраганди.

Улар шахарга эсон-омон етиб келишди. Извош суратқашнинг уйи олдида тўхтади. Куара акалари билан биргаликда учинчи қаватга кўтарилди.

Терпско Мурод билан Садулнинг шу яқин орада эканини биларди. Келишувга мувофиқ, улар кузатиб туришлари, Куара акалари билан уйга кириши биланок, извошчининг хақини тўлаб, жўнатиб юборишлари керак эди. Шундай бўлди ҳам. Извошчи тунов куни Терпско билан Муродни бирга кўргани учун ҳеч нимадан гумонсирамади. Қира хақидан ташқари чой пулини ҳам олгач, қувонганича жўнаб кетди.

Бир неча дақиқадан сўнг Садул учта оқ от кўшилган извош билан пайдо бўлди-да, Куаранинг чиқишини Мурод билан бирга қута бошлади.

Муродга ёрдам бериш мақсадида келган амакиваччалари Пўлкан билан Пиэтрко эса эшикдан кўз узмай кўчанинг у бошидан, бу бошига бориб келишарди.

Бу орада Терпско суратқашга сирли оҳангда бир неча сўз айтди. Суратни олиб бўлгач, ёш йигитни («Терпсконинг рақиб»ни) бир нима биландир қалғитиб, киз билан гаплашиб олишига имкон яратиб беришни илтимос қилди.

Суратқаш бундай воқеаларга кўп дуч келганми, дарров йўлини топа қолди. У сурат олиб бўлгач, «Терпсконинг рақиб»ни суратнинг нарҳини савдолашиш баҳонасида бир неча дақиқа ушлаб туришга ваъда берди. Шундан сўнг суратқаш Куарани ўтиришга таклиф қилди. Икки хил кўринишда суратга олди. Киз суратни Габога беришини, унинг хурсанд бўлишини кўз олдига келтириб мамнун жилмайди. Терпско эса хаяжонда эди. У дераза орқали кўчани кузатади.

Извош йўк.

«Ха, яхши. Мурод уни жўнатиб юборибди».

Ботирбек деразага якинлашмасин учун уни чалгитди. Озгина вақт ўтгач, хонанинг у ёгидан бу ёгига юриб, дераза олдида тўхтади. Яна ташкарига каради: эшик олдида бошка извош турибди.

«Мурод шу якин орада бўлиши керак...»

Садул кўчанинг у томонида туриб, соатсоз-жухудининг дўконидаги соатга карайди. Пўлкан билан Пиэтрко эса кўча бўйлаб юришибди.

Куаранинг иши битди. Терпско уни кузатди.

- Ха, айтмоқчи, Ботирбек, суратларнинг нархини келишиб олсанг бўларди, - деди у остонага якинлашганда.

- Куара, сенга нечта сурат керак? – деб сўради Ботирбек.

Куара ўртоқларига ҳам совга килса, олтитаси етар деб ўйлади.

- Ботирбек, биз сени кўчада кутамиз, - деди Терпско.

- Яхши, - деди Ботирбек, устахонага кайтатуриб, - мен хозир чикаман.

Куара билан Терпско зиналардан аста тушиб боришарди. Терпсконинг юзига иснод булути соя солган. У ўз синглисини сотяпти! Энди вақт кеч, Муродга сўз берган, колаверса... кумуш халли эгар...

Олга!

Кўчага чикишди. Тўрт ўринли, учта ок от кўшилган извош эшик олдида кутиб турибди. Улар бироз туриб қолишди.

- Куара, сен извошга ўтира қол. Кўчада тургандан кўра ўтирганинг дуруст. Мен Ботирбекни шоширай-чи, негадир хаяллайпти.

Терпско шундай дегаҳ, изига кайтди. Кимматбаҳо кийимдаги гўзал Куарага ўтган-кетганлар қарайвергани учун ҳам, у извошга ўтиришни маъқул топди. Киз ўтириши билан пойлаб турган Мурод ва унинг кетидан амакиваччалари извош ичига ёпирилиб киришди.

- Мурод, сенмисан? – деб қичкириб юборди Куара ҳам аянч, ҳам нафрат билан. Бошка сўз айтишга, қичкириб, ёрдамга чакиришга улгурмади. Муроднинг кафти киз огзини маҳкам беркитди. Қаршига ўтирган Пўлкан эса кизнинг қўлларини ушлаб, оёқларини тиззаси орасига олди. Садул кўчани кесиб ўтиб, извошга чикди. Извошчи отга камчи босди. Извош шаҳар кўчаларидан ўтиб адирга йўл солди.

Куара чайир қўллардан қутилиб чикишга уринар, лекин ҳаракатлари зое кетарди.

Пўлканнинг қўли билан тиззаси уни темир исқанжадек сиқиб турарди. Мурод чап қўли билан кизнинг белидан қучиб, ўнг қўли билан огзини беркитган эди.

- Габо, қаердасиз? – Куаранинг қалби нола қилиб, севикли ёрини қорлайди, - бу аблаҳлардан қачон озод этасиз!

Қутулишга уринишлари яна зое кетди. Хансирай-хансирай, ўз тақдирига тан беришга мажбур бўлди. Пиэтрко Куара томондаги деразанинг пардасини туширди-да, ўзи дераза томонга эгилиб, кизни кўчадаги ўткинчиларнинг қўзидан яширди.

- Куара, - пичирлади Мурод кизнинг қулогига, - мана қўрдингми, барибир сен меникисан. Куара бу совуқ нафасдан титраб кетди.

- Ха, бугун адирда бутунлай меники бўласан. Сен яхшиликча қўнмаган эдинг, энди номусинг булганиб, шармандалиқ билан менга тегасан. Сен мени менсимай, совчи юборишимга қўнмадинг. От ўгриси Габога қўнгил қўйдинг. Хўш, у хозир қаерда? Энди у сени қутқариб олармиди?

Куара ўзини нима кутаётганини Мурод айтмаёк биларди. У урф-одатларни яхши билади. Агар Мурод кизни ўгирлашга ўгирлаб, номусига тегмай покиза холда кўйиб юборса ўзи шарманда бўлади. Киз бунга тушуниб турибди. Аммо унинг акли гўзал чиройига монанд: Муродни алдашга уриниб кўради. Шунинг учун ҳам у бутун кучи, бутун калби билан Худога илтижо килиб, номуссизликдан саклашни, шахарга тушмай туриб қандай покиза бўлса, Габога шундай холда кўринишини сўрарди.

- Ё Худо, ўзинг мадад бер! Авлиё Георгий, менга раҳминг келсин. Сен хатто аждаҳоларни ҳам енггансан, менинг Габоимга кўп ёрдаминг теккан. Мендек кучсиз ва химоясиз бир кизга, бу кишиларни алдашга кўмак бер. Мени шармандаликдан асра, Габо учун номусимни саклашга ёрдам бер!

Куара дуонинг ижобат бўлишига умид килиб, бироз тинчланди. У авлиёнинг ёрдам беришига ишонарди. Унинг ҳеч қандай аниқ режаси йўқ, аммо кўнгли ва акли тўғри йўл кўрсатишини сезиб турибди. Габога бўлган севгиси унга куч берди. Пок ниятли кизга Худо ҳам марҳаматини аямайди. У Муроднинг кўлига бошини кўйиб пикиллаб йиглай бошлади. Киз кўркинч ва хаяжондан титрарди. Мурод кўлининг ҳўл бўлаётганини сезди. Мурод деразадан ташқарига каради. Шахар ортда қолибди. Энди кизнинг оғзини кўйиб юбориш ҳам мумкин.

- Агар бақирсанг, - деб огохлантирди у, - яна боғлаб кўямиз.

Куара ўз қуроли – тилни ишга солиш имконига эга бўлганидан қувонди. Киз доно бир мақолни эсга олди: «Яхши гап билан илон инидан чиқар...»

Киз калби ҳамон Худога илтижо қилади: «Ё танграм, менга раҳминг келсин, мадад бер!»

- Жон, Пўлкан, кўлимни кўйиб юбор, рўмолчамни олволай, - деди у йигламсираб.

Пўлкан Муродга каради. Мурод рози бўлиб бош кимирлатди.

Куара йигидан тўхтамади. Извош ҳамон олга интилади. Киз вақти-вақти билан дунёда энг бахтсиз киз эканини айтиб нолийди. Нима учун бу шармандалик унинг бошига булут солди экан, англаб етолмайди.

- Худои-таолонинг хоҳиши шу бўлса, мен тақдирга тан бердим, майли, Мурод, менга уйланинг, - деди у йиглаб, – факат ўтинаман, номусимни булгаманг, шарманда қилманг.

- Куара, бу ҳақда энди гапирмасанг ҳам бўлади. Вақт ўтди. Сенга уйланишга-ку, албатта уйланаман. Аммо сен шу бугунок меники бўласан.

- Ё Худойимей, ўзинг мадад бер. Шармандаликдан асра!

Бошқа сўзлари лабларида қотиб қолди.

Мурод «муддаога етиш вақти келди» деган ўйда деразадан бошини чиқариб извошчига қичқирди:

- Тўхта!

Извош тўхтади. Мурод эшикни очиб гамгин, аммо қатъий равишда буюрди:

- Куара, бу ёкка туш.

- Йўқ, - қичқирди киз, - йўқ, қикмайман... Менга раҳмингиз келсин, ҳеч бўлмаганда ўз сингилларингизни ўйланг.

Мурод амакиваччаларига имо қилди. Садул сакраб тушиб, иккинчи эшикни очди-да Куарани ўриндикдан даст кўтармокчи бўлди. Киз, ёввойи жўшқин бир куч билан ўзини химоя қила бошлади. Сочлари тўзғиб, кўйлақлари йиртилса ҳам ўз номуси учун қурашаверди. Извошда у хавфсиз. Аммо бир киз учта йигитга қандай қаршилиқ қила оларди!

Куаранинг қичқириви ва қаршилигига қарамай, извошдан туширишди. Уни четроққа - одам бўйи қеладиған ўтлар томонга олиб ўтишмокчи эди. Бирок Пўлкан билан Садул уни

извошдан тортиб туширишаётганда Куара эпчиллик килиб Пўлканнинг ханжарини кинидан сугуриб олди-да, йигитнинг билагига санчди. Пўлкан огрикдан дод деб кизнинг тиззаларини кўйиб юборди.

Куара сапчиб туриб, извошни пана килганича ўз химоясига шайланди. Кўлидаги ханжар дастасини махкам сикиб, кучсизланганини сездирмаслик учун хансираганича кичкирди:

- Менга каранглар, Мурод! Худо менинг ноламини эшитди. Касамёд килиб айтаман: агар бирортангиз менга якин келсангизлар мана шу ханжарни юрагимга санчаман!

Унинг кўзлари ёнади, юзларида катъийлик бор. Йигитлар буни кўриб кимирламай қолишди. Киз уларни иккиланиб қолишганини сизди.

- Мурод, икковидан бирини танланг: номусимни йўкотганимдан кўра, ўлганим яхши! Агар ростданам менда кўнглингиз бўлса, авлиё Георгий номи билан касамёд килинг. Менинг номусимга тегмасангиз, мен сизга итоаткор хотин бўламан.

Мурод Куарани севар эди. Шунинг учун ундан ажраб қолишдан кўрқди. Колаверса, киз ўзини ўзи ўлдириб кўйгудай бўлса, кариндошлари бу хақиқатга ишонмасликлари, бу эса кейин ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли у тез хулосага келиб, деди:

- Яхши, мен сенга бу ерда тегмайман. Авлиё Георгий номи билан касамёд этаман. Сени амакимиз уйига олиб бораман, ўша ерда никоҳ ўкитамиз.

Шундан сўнг Куара ханжарни эгасига қайтариб берди. Пўлкан черкасча камзулини ечиб, енгларини шимарди-да, Пиэтркога ярасини рўмолча билан боғлатди. Куара извошга ўтирди.

Садул эса Муродга яқинлашди:

- Агар бу киз айтганини қилдирса, сен ҳам, биз ҳам уятга қоламиз.

- Мен авлиё Георгий номини тилга олиб касам ичдим. Энди касамни бузолмайман. Агар шундай қилмаганимда у ўзини ўлдирар эди. Ишон. Уни қандай севишимни биласан-ку.

Садул захарли жилмайиб, Муроддан юзини ўгирди.

Мурод извошга чиқиб, Куаранинг ёнига ўтирди. Пўлкан билан Пиэтрко рўпарадан жой олишди. Орага сукут чўқди. Куаранинг калби галаба шодиёнаси билан тепар, авлиё Георгийга юрак-юракдан ташаккур айтарди. Аммо ўзини фош қилиб кўйишдан кўрқиб, извошнинг бурчагида пусиб ўтирди. Йигитлар кизга ён беришгани учун хижолатда эдилар. Куара Муродга касам ичиргани билан хали булардан бутунлай кутула олмаганини биларди.

Уч соатли йўлдан сўнг отлар хориб, секинлашишди. Илон изи қайрилма йўл тоғ ёнбагри бўйлаб юқорига кўтарилиб борарди. Адир ортда қолди. Ён-атроф осмонга интилган баланд чўққилар билан ўралган. Бир соатлардан кейин извош Алагир кишлогига қириб келди. У Муроднинг амакиси Сосанинг эшиги олдида тўхтади. Тоғ бағридаги қичкина кишлокни кенг кўча иккига бўлиб туради. Кўча бошидаги уйлар гарибгина, тошдан қурилган. Хар бир ховлида бог яшнаб турибди.

Мурод хамрохлари билан қириб, Куарани Сосанинг хотини билан кизлари ихтиёрига топширди. Киз бурчакда турган курсига ўтирганича, йиглаган бўлиб, кўзларини рўмолча билан беркитди. Аслида эса унинг мияси зўр бериб ишлаб, кутулиш йўлини изларди.

Мурод амакисига Куаранинг унга тегишга рози бўлганини айтгач, керакли нарсаларни тезда тайёрлаб, рухоний отани кечки пайт чақириб келишни тайинлади. Шу билан биргаликда Куара билан асира сифатида эмас, кариндош сифатида муомала қилишни сўради. Хаммалари дастурхон атрофига ўтиришгач, Куара кўз ёшларини артиб, овқат ея бошлади. Сосанинг саволига «тақдирим шу экан, Муродга тегаман», деб кўя қолди.

Сосанинг кизлари Куаранинг атрофида айланиб-ўргулиб Муродни, унинг уруг-аймогини, бойлигини мактаб, Куаранинг тўгри қарорга келганини таъкидлашди.

Рухонийни кутишаётганда Куара кизларнинг овутишларига кулок осаетгандай итоаткорона ўтирди. Овқатланиб бўлишди. Атрофни шом қоронгуси босиб келарди. Куара хонанинг исиб кетганидан нолиб, олтин камарини ечиб кўйди.

- Тогда ҳам боғлар борми? – сўради у Сосанинг кизидан.

- О, нимасини айтасан. Бизнинг богимиз катта. Кўришни истайсанми?

- Сал қоронгурок-ку, - деди Куара, - майли, уй жуда исиб кетди, чикиб бироз тоза хаводан нафас олайлик.

У олтин камарини курсида қолдириб бир неча киз хамрохлигида бокка чикди. Куара ўзини шодон кўрсатиб, атрофни бутунлай қоронгулик босгунча кизларга турли хикоялар айтиб, чалгитиб турди. Қоронгу тушгач, холи қолдиришларини сўради. Кизлар нима қиларларини билмай ажабланиб, бир-бирларига қарашди.

- Майли, мен Куара билан бирга бораман, - деди Сосанинг кизларидан бири.

Улар мевали дарахтлар ўсиб ётган боғнинг чеккаси томонга юришди. Куара «ўзинг ёрдам бер, кутқар!», деб авлиё Георгийга хаёлан ялиниб-ёлворади.

- Ўтинаман, мени бироз ёлғиз қолдир, - уялибгина сўради Куара Сосанинг кизидан.

- Хўп, хўп, – деди киз ва нари кетди.

Куара бундан фойдаланиб, этагини кўтарди-да, дарахтлар оралаб югуриб кетди.

Деворга етиб келганда:

- Авлиё Георгий, йўлни топишимга ёрдам бер! – деб пичирлади унинг лаблари.

У девор туйнугини топди. Кўшни бокка чикиб олди-ю, югуриб кетди.

Қоронгулик. Бунинг устига у йўлни билмайди. Киз тўғрига югуриб, сўнг тонгга қадар бирор ерга яширинишга, эрталаб қишлоқ оксоқолидан ёрдам сўрашга қарор қилди.

«Нахотки Габо шу пайтгача мени топа олмайди?» ўз-ўзидан сўрайди киз.

Мана ярим соатдан бери у боғдан боғга, деворма девор ошиб югуряпти. Нихоят тўхтаб, кулок солди. Соқинлик. Шундагина ўтириб, тонгни кутишга жазм этди. Бир неча соат вақт шу зайлда ўтди. Бирдан от туёқларининг товуши қулогига қалинди...

xxx

Ботирбек билан Терпско суратхонадан чиқишганда Куара гойиб бўлган эди. Улар тезлик билан бу воқеа ҳақида танишларга хабар қилишди. Извошчи Терпско билан биргалашиб, извош буюрган осетиннинг ҳақ тўлаб, жўнатиб юборганини айтгач, Тагаурскка йўл олишди. Куаранинг ақалари, қариндошлари ҳаялламай Муроднинг изига тушишди.

Отларнинг пишкиришини, туёқлар зарбларини эшитган Куаранинг қалби гурур ва шодлик билан тепади:

«Бу менинг ақаларим, менинг севганим Габо... Улар мени кутқаргани қелишяпти!»

Лекин қоронгида уларнинг олдига чиқишга кўрқди.

Вақт имиллаб ўтади. Шарқ томон аста ёриша бошлади. Куара ўрнидан туриб, ён-атрофга қаради. У дала ўртасида турарди. Яқингинасидаги яққа-ю ягона бир уйга кўзи тушди. У ёрдам сўраш мақсадида ўша уй томон юриди. Уйга яқин қелиши билан ичкаридан сўт соғиш учун челақ кўтарган аёл чикди. Куара унга яқинлашиб салом берди-да, ийманибгина сўради:

- Эрингиз уйдадилар?

Аёл яхшигина қийинган кизга, ердан чикдими ё осмондан тушдими, дегандай хайратланиб қараб олгач, деди:

- Менинг эрим йўқ, беваман. Хўжалигимизга эримнинг уқаси Александр қарайди.

- У уйдами?

- Ха, лекин ухлаяпти.

- Илтимос, уйготинг, гаплашиб олишим керак.

Куаранинг кўзларида шунчалик кўркув, овозида эса ёлвориш бор эди-ки, аёл уни кўпам сўрокка тутмай, кайнисини уйгота колди. Александр тезгина кийиниб чикди. Кизнинг унга ишонишдан бўлак иложи йўк эди. Куара тутилиб-тутилиб, бўлган гапларни: ўзининг бировнинг каллиги эканини, совчисини рад қилган йигит олиб кочиб кетганини Худо уни шармандаликдан асраганини, айёрлик билан кочганини, тез орада уни кутқаргани акалари, каллиги келишини айтди.

- Мен кечаси отларнинг дупурини эшитдим. Юрагим айтиб турибди, улар мени излаб келишган. Менинг хаётим, тақдирим, сизнинг кўлингизда. Менга рахмингиз келсин, акаларим яхшилигингизни кайтаришади. Худо сиздан мархаматини аямайди,-у шундай деб тиз чўкди-да, илтижо қилди: - Мени сотиб кўймасликка сўз беринг!

- Ўрнингдан тур! - Александр уни тургизди. - Худо сени менинг уйимга олиб келибди. Сенга бу ерда хавф таҳдид солмайди. Сен менинг меҳмонимсан. Сенинг ташвишинг - менинг ташвишим. Акаларингни иши - менинг ишим. Кўркма, биз меҳмондўстлик қоидаларига каттик риоя қиламиз! Мен хаёт эканман, уйимда сенинг бошингдан бир тола сочинг ҳам тўкилмайди.

Кизни шундай деб ишонтириб, кўнглини кўтаргач, уйга бошлади. Келинойисини имлаб чакириб тайинлади:

- Агар жонинг ширин бўлса, эшитганларинг шу ерда қолсин. Тилингни тий. Меҳмонни орқа хонага беркит. Эшикни тамбала, зўрлик қилишса, майли, бузиб киришсин, лекин ўзинг очиб берма!

- Бу қишлоқда бир қариндошимиз бор. Татархон деган киши. Танисангиз керак. Агар акаларим билан каллигим келишган бўлса, ўша ерда бўлишади. Ўтинаман, бир хабар олинг. Худо ҳақки эҳтиёт бўлинг.

- Хотиржам бўл, кўлимдан келган ишни аямайман.

- Раҳмат, раҳмат.

Александр қуролини олди-ю, Татархонниқига жўнади. Ховлида ўн чоғли отликларни кўрди. Улар нима ҳақдадир гаплашиб, қаергадир шошиб туришарди. Бегона одамни кўриб, жим бўлишди.

Александр уй хўжайинини топиб, отликлар эрта тонгда нима қилиб туришганини сўради.

- Сенинг нима ишинг бор?

- Мен ёмон ният билан келганим йўқ. Татархон, мен отликларга нима керак эканини биламан.

- Хўш, уларга нима керак?

- Улар Тселлагонинг кизи Куарани излашяпти, - айёрона жилмайди Александр.

- Сен буни қаердан биласан?

- Буни менга Куара айтди. У менинг меҳмоним. Уйимда беркиниб ўтирибди. Кеча ота уйдан қандай чиккан бўлса, шу ахволда қўлларингизга топширишдан хурсандман. Куёв билан акаларига айт, олиб кетишга келишсин.

- Қани шу ерда туриб тур-чи... - деди Татархон. Кейин Габо билан Ботирбекка бу қувончли хабарни етказгани кетди.

Улар Александрнинг олдига югуриб келишди. У Татархонга айтган сўзларини тақрорлагач, йигитлар чексиз хурсанд бўлганларидан қандай миннатдорчилик билдиришларини билмай қолишди.

- Шу бугундан бошлаб, сен бизнинг акамизсан! – деб улар Александрнинг кўлини маҳкам сиқишди. – Биз ҳеч қачон яхшилигингни унутмаймиз. Агар вақти келиб дўстлар ёки укаларингга эҳтиёж сезсанг, бизни чакир.

Шундан сўнг Габо билан Ботирбек ховлида турганларга қувончли хабарни етказишди. Шу заҳотиёқ отликлар Александрга эргашиб, унинг уйига йўл олишди. Бир неча дақиқадан сўнг, Куара шодликдан кичкириб ўзини Габонинг кучогига ташлади.

- Габо, жоним, сени кўрадиган куним ҳам бор экан. Худога минг катла шукур. Келганинг учун раҳмат, Габо!

- Куара, паризодим, хотиржам бўл, сен учун ҳам касос оламан.

- Йўк, жоним, керак эмас... Ахир биз яна биргамиз-ку, энди ҳеч нима бизни ажрата олмайди.

Куара акалари ва кариндошлари билан кўришиб олсин, деган мақсадда Габо ўзини четга олди. Улар орасида Терпско ҳам бор. Синглисини кўраётганидан, ичдан зил кетса-да, гоят хурсанд эканини изҳор этди.

Александр оқат тайёр бўлгунча бироз кутиб ўтиришларини илтимос қилди. Габо билан Ботирбек ҳозирнинг ўзида Тагаурскка кетишга шошилишарди. Лекин Татархоннинг извоши келгунча Куара каллиги ва кариндошларига бошидан ўтган савдоларни, қандай қутулиб қолганини айтиб бериши керак. Габо хотиржам. Куара унинг хотиржамлиги замирида ёвуз қуч яширинганини сизди. Габо аламзада, нафрат гулханида ёнади. У нима қилиш кераклигини ўзи билади. У касос олишга қасамёд этган, Куаранинг хикояси унинг аҳдини мустаҳкамлапти холос. Куара хикоясини тугатгач, «бекорга қон тўкилиб, бахтсизлик юз бермаслиги учун» Муродни кечирешларини сўради.

У ёрининг боши устида мудҳиш соялар айланиб юрганини сизди-ю, кўрган-кечирганлари, чарчок азоби сабаб бўлиб, кўз ёшларини тута олмайди.

Татархоннинг извоши келиб тўхташи билан Куара унга чиқиб ўтирди. У яна бир бор Александр билан унинг келинойисига раҳмат айтиб, кариндошлари қуршовида Татархонниқига йўл олди. У ерда уларга нонушта тайёрланган эди. Бу орада Сосанинг кариндоши келиб Татархонни чакирди. У Куаранинг олтин камарини келтирган эди. Катта бахтсизлик юз бермаслиги учун ярашиш мақсадида келганини ҳам айтди.

- Биз шундай ҳам жазоимизни тортдик, - деди у, - қизнинг ҳаммамизни лақилатиб қочиши бизни уятга қўйди.

Татархон унинг илтимосини кариндошларига етказажани айтгач, Сосанинг элчиси кетди. Татархон Сосанинг ярашиш ҳақидаги илтимосини айтиши билан уйда гала-говур, музоқара бошланди. Аввалига қўпчилик ярашишга қарши чиқиб, айбдорларни топширишни талаб қилишди. Куара акалари Гассако билан Ботирбекни қўшни хонага чакириб, Габонинг қасос олиш қасдида эканини кўрқув ва хаяжон билан айтиб, уни ярашишга қўндиришга ундади. «Ахир менга ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!» деб айбдорлардан жарима ҳам олмаслиқларини илтимос қилди.

Куаранинг сўзлари акаларига таъсир қилди. Улар хонага ўзгача фикр билан қайтдилар. Габо ортиқча гапни ёқтирмагани учун ҳам гап-сўзларга аралашмади. У бировнинг маслаҳатига мухтож эмас - нима қилишини ўзи билади. Йигитлик қарорини ҳеч қим ўзгартира олмайди. Ярашиш ҳақида унинг фикрини сўраганларида у ўрнидан туриб хотиржамлик билан деди:

- Майли, ярашишга розиман. Аммо шартим бор.

Куаранинг акалари унинг осонгина қўнганидан хурсанд бўлиб қандай шарт эканлигини сўрашди.

- Куарага кўз олайтирган, унга сўз айтган одам гунохини ювиш учун мен талаб килган нарсани бериши шарт. Менга пул керак эмас, мен унинг кўзи билан тилини талаб киламан! Шундай деб, Габо ўтирди.

Бу сўзлар ўтирганларнинг калбини музлатиб кўйгандай бўлди. Улар бахтсизлик мукаррар эканини тушунишди. Татархон билан Куаранинг акалари канча уринишмасин, фойдасиз эди. Габо ахдида катъий! Куара акаларидан Габонинг карорини эшитиб кичкириб юборди-ю, хушидан кетди.

Татархон Соса билан айбдорларга ярашиш мумкин эмаслигини етказишга мажбур бўлди. Сосанинг саволларига жавобан Татархон бошкаларнинг ярашишга рози бўлганларини, шунинг баробарида Габонинг дахшатли талабини ҳам айтиб берди. Куара шу куниёк кариндошлари куршовида Тагаурскка кайтди.

Оксокол Куаранинг уйи олдида уларга пешвоз чикиб табрик сўзлари билан карши олди. Ўглининг килмишларини коралаб, уни кечиришларини, кишлоқда тинчлик саклансин учун Габога ҳам тушунтириб куйишларини илтимос килди. У ўглининг хаёти учун кайгурарди.

xxx

Ойлар ўтди.

Оппок кор адирни ок чойшабга ўради.

Мурод Габо билан кўчада учрашиб колса ундан кўзини олиб кочади. Чунки у хали иш ниҳоясига етмаганини билади. Габо эса душманга зарба бериш учун пайт пойларди. У кечалари тез-тез адирга чиқар, лекин хар гал ови юришмай, изига бўшашган алпозда кайтарди. У шахарга олиб борадиган йўлда соатлаб турарди. Айникса Муроднинг шахарга тушганини эшитса, йўлдан кўз узмас эди. Бирок ракиби хадеганда кўлга тушавермади. Ниҳоят бир куни тунда, кор бўрони орасида отликни кўрди-ю, юраги тез-тез ура бошлади. Уйга кайтаётган Муродни таниганига унинг ишончи комил эди. Ха, бу Мурод!

«Худо душманимни менинг кўлимга топширди. Касос соати етди!» деб ўйлади у. Габо тўппончасини ўклаб, бўрки панасига олганича тайёр холда турди. Отлик яқинлашгач, унга ўкталди:

- Кўлингни кўтар!

Мурод бу тасодифий учрашувдан ўзини йўкотди. Шоша-пиша тўппончасини олмокчи эди, ўк овозини эшитди. Ўк папогини учуриб кетди.

Бу аёвсиз олишувдан дарак эди.

Мурод кўлини кўтарди. Коронгу бўлса ҳам, кон касдида юрган душманини таниди. Габо тўппонча огзини Муродга каратиб, унга жуда яқин келди.

- Агар бошинг огирлик килмаётган бўлса, кўлингни шундай кўтариб тур.

«Унинг максоди нима? – сўради ўз-ўзидан Мурод. – Нега мени ўлдирмаяпти?»

Габо тўппонча ўкталганича, ўнг кўли билан Муроднинг ханжарини кинидан сугурди-да, нарига отиб юборди. Кейин киличи билан тўппончасини ҳам олиб иргитди.

- Туш пастга! Отнинг тизгинини менга бер. Хўш...Энди эгаримнинг тагидаги арконни олиб, отимнинг оёқларини тушовла.

Габо тўппонча тираганича дўк уриб, буйруқларини бажаришга мажбур этди. Мурод отдан шошилмай тушиб, тизгинни эгар қошига ташлади. Габо каршисида турган душманига газаб билан тикилиб деди:

- Мана энди сен билан хисоб-китоб киламиз!

- Сенга нима керак? – деди Мурод журъатсизлик билан.

У ўзини хотиржам тутишга харакат килади. Габонинг конида эса нафрат захри



кайнайди. У душманини шунчаки ўлдиргани билан кўнгли таскин топмайди. Йўк, аввал уни хорлаши, хамиятини пастга уриши керак.

- Тиз чўкиб, мендан узр сўра! – хириллаб кичкирди у.

- Йўк! Мурод ҳеч қачон бундай қилмайди! – деди Мурод.

Шунда Габо унга ташланди-да, бакуват кўллари билан кўтариб, корга ташлади. Узала тушган Муроднинг кўлларини тиззаси билан ерга босди. Кўркувдан эсини йўқотиб кўйган Мурод бир неча дақиқа ҳаракатсиз қолди.

- Сен Куарага қарашга ботинибсан, гунохингни ювиш учун шу кўзларингдан айрилсан.

- Йўк, Габо, бундай қилма, Худони ўртага кўйиб сўрайман... - ёлворди у.

Бирок Габонинг катта, бакуват бармоги унинг ўнг кўзига ботди... Кейин чап кўзи ҳам ўйнаб чиқди. Мурод дахшатли овоз билан додлаб юборди. Алам билан Габони қаргай кетди:

- Илохо, ўлим олдидан ёруғ дунёни кўришдан махрум бўл! Ёввойи уругингга ўт тушсин! Газаб ўтида ковурилайётган Габонинг қулогига шу топда ҳеч нима эшитилмайди.

Оғрикдан типирчилайётган Муродни у ўзининг оғир гавдаси билан ерга босиб тураверди. У раҳм-шавкат нималигини билмайди. Куарани ўғирлаб, унинг номусига қанг солмоқчи бўлган одамидан касос олиши шартлигини билади ҳолос.

- Сен Куарани олиб қочган қунинг сассик оғзингдан чиққан сўзларнинг ҳаққи учун тилингни тўлайсан!

У бир мушт уриб Муроднинг пастки жагини синдириб юборди. Чап кўли билан рақибининг тилини ушлаб, ўнг кўли билан ханжарини қинидан чиқарди... Кўп ўтмай оппоқ қор устида қонга беланган бир бўлак гўшт ётарди.

Муроднинг бақирини ҳоли қолмади. Оғзи қонга тўлган, факат хириллайди.

- Сенинг бу қора юрагинг Куарага эга бўлишни истабди, - газаб билан шивирлади Габо. – Бунинг ҳаққига ҳаётингни тўлайсан.

Хали қони қотиб улгурмаган ханжарини рақибни кўксига ботирди. Мурод бироз типирчилади-ю, жимиб қолди. Ниҳоят, Габо ўрnidан турди. Қасос олганининг белгиси сифатида рақибининг ўнг қулогини қесиби, чўнтагига қолди. Ханжарини мурданинг черқасча қамзулига артди. Габо қетишга шошилмай, турган ерида ўйланиб қолди. Агар мурдани шу ерда қолдирса, корга қўмилади, бўрилар, тулкиларга ем бўлади. Шу билан из босилиб, ҳеч қим ундан ҳавфсирамайди. Бунинг учун отни ушлаб туриши, бир қанча вақт ўтгандан кейингина кўйиб юбориши керак. У отнинг тизгинини марҳумнинг жимжилогига авайлабгина илди. «Агар бўриларнинг яқинлашганини сезса, сапчийди-ю тизгинини бўшатиб қочади», деб ўйлади Габо. Шундан сўнг у отига ўтириб, уйига шошилди. Берқинмаса ҳам бўлади. Адир бепоён, қор хали-бери тинадиган эмас. Мурданинг қолган-қутганини ҳам баҳорғача топа олишмайди. Агар у бугун уйига қайтмаган тақдирда ҳам ана шу аҳволда дом-дараксиз қетган бўларди. Энди тезроқ уйга етиб олиши керак. У отини тезлатди.

Мурод жазосини олди. Энди Садул, Пўлкан ва Пиэтро билан ҳисоб-қитоб қилиб олиши керак.

У Пўлканнинг извошда Куарани ушлаб қетганини эслади.

- Пўлкан биринчи бўлиб адабини ейди! - хитоб қилди у.

Габо шу қуниёқ Тселлагонинг уйига қирди. Куара билан жуда мулойим муносабатда бўлди. Унинг назарида қасос амалга ошгандан кейингина Куаранинг номини булғовчи шармандалиқ доғи ювилган эди. Бугунги кечда Куара унинг учун яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳрибонроқ, аввалгидан гўзалроқ туюлди. Унинг қалби афсус ўтида ҳеч бир

азобланаётгани йўк. Аксинча, у номус талаб этган ишни амалга оширганига ишонади. Касос унга лаззат бахш этди.

Тагаурск оксоколи Элбисднинг уйида ўгилнинг шахардан кайтишини узок кутишди. Эрталаб эшик олдида Муроднинг отини кўришгач, бахтсизлик юз берганини англашди. Албатта, биринчи бўлиб Габодан гумонсирашди. Хавотирга тушган Элбисд пешинга якин Явзиконинг уйига йўл олди. У Куаранинг ўгирланиши окибатсиз колмаслигини яхши биларди. Оксокол келганда Явзико Габо билан ховлида турарди.

- Сен ҳам шахарда бўлган эдингми? – сўради у Габога тикилиб. - У ерда менинг ўглимни учратмадингми?

- Йўк, - хотиржам жавоб берди Габо.

- Шахарда Мурод хакида хеч гап эшитмадингми?

- Йўк... Мен шахарда кўп юрмадим. Тезда оркага кайтдим. Кечани Тселлагонинг уйида ўтказдим.

Оксокол кетди. Габодан шубхаланаётган бўлса ҳам иложсиз эди. Кўлида бирор далил йўк эди. У ёнига бир неча одам олиб то кечгача адирда ўглини кидирди. Пўлкан билан Пиэтрко ҳам унга хамрох бўлишди. Улар ҳам бу ишда Габонинг кўли борлигига амин эдилар, аммо Габога карши уларда ҳам далил йўк эди. Муродга шерик бўлишгани учун уларнинг бошига ҳам шу кун тушиши мумкинлигидан хавфсираб, бундан буён ёлғиз юрмасликка келишиб олишди. Улар бу қарорларини Садулга ҳам етказишди.

Орадан кунлар ўтди. Бир куни Ботирбек Габога кутилган хабарни айтди: Пўлкан билан Пиэтрко Рекомдаги зиёратгоҳга бориб, авлиё Илья рухига сизиниб, амакиваччаларининг котилини топишда кўмак беришини илтижо қилмоқчи эканликларини айтди. Рекомда сўралган илтимос, айтишларича, амалга ошар эмиш. Куаранинг номуси учун касос олиб, Муродни ўлдирган марднинг айнан Габо эканига Ботирбекда шубха йўк эди Шу боисдан унга бўлган эхтироми, янада ошганди. Бирок Ботирбек сир бой бермас эди. Бу ҳақда яхшиси гапирмаган маъкул! Каерда бўлса ҳам, кўлидан келса Габога ёрдам беради.

---

«Агар Муроднинг шериклари ҳам бахтсизликка учрамаса, Габо отимни бошка кўяман», деб ўзича касд қилди Габо.

У Ботирбекни содик сафдош деб биларди. Улар бир-бирларини хатто сўзсиз, кўз қарашлари биланок тушунишарди. Колаверса, Ботирбекнинг бўлажак поччасига хурмати зўр. Ботирбек учун у мардлик намунаси: унинг бўйи-басти, кучи, ботирлиги, энг мухими - кўркмаслиги ва чакконлиги, топагонлиги ва айёрлигига қойил қоларди. У жазога лойик иш қилса ҳам ана шу хислатлари эвазига сувдан курук чиқарди.

Габо Пўлкан билан Пиэтркога зиёратгоҳ кадамжога олиб борувчи баланд тоғ йўлида жазо бермоқчи бўлди. Ирим-сиримларга ишонмаса-да, Пўлкан билан Пиэтрконинг авлиёдан ёрдам сўраб, илтижо қилишларини истамайди. Улар кадамжога етиб боришга улгурмай, касос ханжаридан ўлим топишлари керак. Габо бу сафар ишни айёрлик билан амалга ошириши кераклигини билади. У ўзини касалга солиб, Ботирбекка ишонишга қарор қилди. У кўрпа-ёстик қилиб ётиб олиб, табиб чакириб, корин огригидан шикоят қилди. Табиб аввало бир кадах арок беришларини сўради. Талаби бажо бўлгач, қандайдир дуоларни ўқиб, ичириб юборди. Кейин ични юмшатадиган талкон дори ёзиб

бериб, тез орада тузалажагини айтди. Мукофотга олган бир сўмни чўнтакка солиб, изига кайтгач, кўрган-билганларига Габонинг огир касал эканини, аммо бу касал унинг дуолари ва дори-дармони олдида ҳеч гап эмаслигини айтди. Габо дори ичишни хаёлига ҳам келтирмай, Мухаммад оркали Ботирбекни чакиртирди. Ботирбек шу захотиёк, Мухаммад билан кириб келиб, хол-ахвол сўради.

Габо хаста овозда деди:

- Огрияпти, Ботирбек...

У укасига жавоб берди. Ўсмирни бу ишга аралаштиргиси келмади.

- Ботирбек, курсини олиб, менга якинрок ўтир, гапим бор.

- Эшитаман, Габо?

- Ботирбек, ёрдам бермасанг бўлмайди.

- Габо, агар сен учун кон тўксам ўзимни бахтли хисоблардим.

- Раҳмат, Ботирбек. Муродга ким жазо берганини биласанми?

Габо шундай деб унинг кўзларига тикилди.

- Биламан!.. Куаранинг ўгрилаганлардан касос олган одам шарафи учун ҳеч нарсадан кайтмайман.

- Ботирбек, - деди секингина Габо. – Унинг шериклари ҳам жазо олишлари керакми?

- Албатта, Габо.

- Сенинг ёрдамингга ишонсам бўладими?

- Бўлади!

Габо ундан кўзини олди.

- Улар қачон Рекомга боришади?

- Эртага эрталаб.

- Ботирбек, икки соатдан сўнг йўлга чикамиз.

- Ахир касалсан-ку?

- Мен шунчаки айёрлик қиляпман.

- Шундай дегин?

- Мухаммадни чакир, гапим бор.

Мухаммад киргач, Габо унга деди:

- Менга кара, бугун кечаси мен бир ерга бориб келаман. Бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак. Отни олиб, адирга чик. Хар доим учрашадиган еримизда кут. Ботирбек, сен ҳам ярим соатдан сўнг ўша ерда тегирмоннинг чап томонида катта йўл ёқасига чик.

Габо ўрнидан туриб кийинди. Отасига бугун бир ерга бориб келишини айтди.

- Буни фақат сиз билишингиз керак. Бошқалар учун мен касалман, кўрпа-ёстик килиб ётибман.

Явзико бош силкиб дуо қилди:

- Авлиё Георгий мадақкоринг бўлсин!

xxx

Тун огушида қолган адирда Мухаммад Габонинг отини ушлаб турарди. У эгарга суянганича қутаётган пайтда бошида папок, елкасига эса милтик осиб олган, кора бўрк қийган Ботирбек аста якинлашди. Тез орада қуролланган Габо ҳам етиб келди. У Мухаммаднинг кўлидан тизгинини олиб, сакраб отга минди. Укасига бош ирғаб хайрлашгач, Ботирбек иккови тун багрига сингиб кетишди.

«Қачон у мени ўзи билан бирга олиб юраркин?» деб огринди Мухаммад.

Габо билан Ботирбек жимгина кетишяпти. Габо отни жануби гарб томонга, зиёратгоҳга сизиниш майдонига олиб борувчи Кизилдон сўкмогига бурди. У ўша ерда пистирма қўйиб

Пўлканни отади. Пиэтрко эса Ботирбек отган ўқдан кулаши керак. Мурдаларни дарёга ташлашади. Отлар бирорта бахти кулган одам кўлига тушади, деб жониворларни ўз холига кўйишмоқчи бўлишди. Касос ўти ганимларни махф этгач, кундузи Ботирбек билан бир ерда беркиниб ётиб, кечаси уйига кайтишни мўлжаллади.

Сукунатни Габо бузди:

- Уйдагиларингга нима деб чиқдинг? - деб сўради.

- Владикавказга бориб, тўйга атаб ул-бул сотиб оламан, дедим.

Яна жим-житлик...

Отлар кор устида битта-битта кадам босишади.

Тог ортидан тўлин ой кўтарилиб, бепоён адирни ўзининг оппок нурига чўмди.

Ботирбек Габонинг режасини билмайди. Шундай бўлса ҳам, сўраб безовта килгиси келмади.

Бир неча соатдан сўнг гор огзига етиб келишди. Зиёратгохга олиб борувчи сўкмок шу гор ёнидан ўтади. Сўкмок йўл юкорига кўтарилди. Габо пана жой танлади. Бу ердан икки юз кадам наридан ўтувчиларни ҳам бемалол кўриш мумкин. Унинг хисобича, Пўлкан билан Пиэтрко эрталаб соат тўккизларда ўтишлари керак. Гор атрофи куюк туман огушида. Соат ўнларда Габо от дупурини эшитди. Дам ўтмай довонда Пўлкан кўринди. Габо уни мўлжалга олиб отди. Пўлкан бир тебранди-ю, эгарда колди. Унинг чап елкаси яраланган эди. Шундай бўлса ҳам отини олдинга хайдади. Габо Пўлкан билан Пиэтрко зиёратгохга якка ўзлари боришади деб янглишган экан. Уларнинг оркасида яна олти отлик пайдо бўлди. Улар орасида Муроднинг дўсти Садул ҳам бор. Колганлари Муроднинг тогаваччалари билан дўстлари.

Хаммалари милтиқларини шайлаб, туришарди. Отишма бошланди. Бошига ўк теккан Садулнинг оти олд оёқларини кўтариб, чавандоз билан бирга жарга кулади. Улар тошдан тошга урилиб кўздан гойиб бўлишди. Шу пайт Пиэтрко отган ўк Габо минган отнинг тиззасини яралади. От жар лабида йикилиб колди. Габо ўз вақтида эгардан тушиб олишга улгурди. У Пиэтркони нишонга олди. Ўк отнинг бўйнига тегди. Пиэтрко сакраб отдан тушди. Бирок яраланган жонивор дўстларининг йўлини тўсиб қўйди.

Бундан фойдаланган Габо сирни фош килмаслик учун жарга ўз отини итариб юборди. Ўзи қояларга тирмашганича юкорига чикиб кутулмоқчи эди. Шу орада Ботирбекни қочиб кутулишга ундади.

- Менинг хохишим шу! Биз уларга бас кела олмаймиз. Улар кўпчилик. Сен менга ёрдам қилишга ваъда берган эдинг. Энди бўйсун! Отинг хали бакувват, қочиб кол! Мен бир неча кундан сўнг уйга кайтаман.

Ботирбек иккиланди.

- Сенга буюряпман – қоч!

Ботирбек истар-истамас отини буриб, камчи босди-ю, шу захоти кўздан йўколди. Габо эса бутун кучини ишга солиб, қоядан қояга тирмашиб юкорилаб бораверди. Унинг оркасидан канча ўк отишмасин, нишонга тегмади.

Ракиблари таниб қолишдими йўқми, у аниқ билмайди. Балки бу йўлтўсарликни тоғда яшовчи бирон қабилага тўнкаб қўйишар, деган умиди бор эди. Бирок адирда кундузи отсиз юриб бўлмайди. Шунинг учун Жимардаги кариндошлариникига боришга қарор қилди. У ерда Тагаурскда нима гап эканини, ундан хавфсирашаётибдими, йўқми, биледи.

Пўлканнинг ярасини тезлик билан боғлашди. Улар Габо билан Ботирбекни танишмади.

Барчалари бир ерга тўпланишиб, қилинажак ишларнинг маслахатини пиширишди.

Пиэтрко Садул тирикмикин, деган хаёлда ёлғиз оёқ йўлдан жарга тушди. Габонинг

отини кўриб, дарров таниди-да, кувонганича кичкирди:

- Ака, мана далил!

У Садулни хам топди. Садулга ёрдамнинг хожати йўк – у ўлган эди. Пиэтрко юкорига чиккач, кўрганларини айтиб берди. Улар оркага кайтиб, бўлиб ўтган воқеа хакида приставга хабар беришга, Тагаурск билан Жимарда тинтув ўтказишини илтимос килишга келишишди.

Пристав Тагаурскка бориб, овулдагилар «Габо касал, уйида», деса хам уни топа олмади. Габо Жимарга етиб келгани хамон пристав юборган унтер-офицер аскарлари билан кишлокка якинлашди.

Жимар баланд токка жойлашган. Шу боис Габо кун бўйи пиёда йўл босиб, кечкурун етиб келган эди. Габо изма-из кувиб юришганидан беҳабар эди. Жимар Ламардон водийсига туташиб кетган камбагалгина овул эди. Овулни ўртасидан кесган кумушранг дарё хаво очиклигида яккол кўриниб туради. Дарёнинг у бошидан ялангоч тоғ қоялари бошланади. Бу ерларда мол бокиб бўлмайди. Бу қоялар ортида ўткир чўккиларнинг иккинчи катори осмонга бўй чўзади. Бу чўккиларга чикиш мушкул. Яна узокрокда асрий қор кўрпасига бурканган иккита баланд чўкки кўриниб турибди.

Жимар ахолиси чорвачилик, дехкончилик билан шугулланишади. Улар орасида бадавлат хонадон кам. Габо кириб келганда кариндошлари овкатланиб ўтиришарди. У хам ўтирди. У овкатланиб бўлай деганда эшик шашт билан очилиб хонага унтер-офицер бошлик аскарлар ёпирилишди. Уларнинг изидан Тагаурск оксоколи, сўнг Жимар оксоколи билан унинг котиби хам уйга киришди.

Габо сакраб ўрнидан турди-ю, аммо иложсизлигини сезиб, жойида котди: чунки ўнлаб тўппончалар оғзи унга каратилган, эшик ва деразалар олди одамларга тўла эди.

«Ха, тутилдим! Илож йўк, тамом!»

Шундай деб ўйлади-да, сир бой бермай, киборлик билан ўнг кўлини папогига кўйиб, унтер-офицер олдига келди. Бир дакика тургач, унга икки кўлини узатди.

- Жаноб унтер-офицер, сиз менинг кўлларимни боғламоқчимисиз? - деб сўради у жилмайиб.

Бу унтер-офицерга масхара бўлиб туюлиб, аскарларга «богланглар», деб буйрук берди.

- Махкамрок, - огохлантирди Элбисд, - бўлмаса яна кочиб колади.

«Нима бўлса хам кочаман», ўйлади Габо. У бундай кулай шароит тоғ йўллари оркали шахарга олиб кетишаётганда вужудга келишига ишонарди. У ташки кўринишдан хотиржам эди. Аммо мияси тўхтовсиз ишлаб, нажот йўлини истар эди.

Габони сўрокка тутишди. Пўлканни отганини тан олди. Унинг яраланган оти рад этиб бўлмайдиган далил эди. Котиб «нима учун шундай килдинг?», деб сўраганида Габо киборлик билан деди:

- Нима, сенга жавоб беришим керакми?

- Каллигини ўгирлашгани учун касос олмокчи бўлган, - сухбатга Элбисд кўшилди. Кейин ўглининг такдирини билиш максасида Габога юзланди:

- Нима учун аввал Муродни отмадинг. Ахир энг биринчи айбдор Мурод эди-ку?

Габо оксоколнинг тузук ташлаганини тушунди.

- Мен Мурод хакида ҳеч нима билмайман.

Габони шу бугун кечасиёқ шахар камокхонасига олиб кетмокчи эдилар. Элбисд тинчлигини йўкотган, калби азоб чекарди. Балки шу йигит ўглининг котилидир, аммо далили бўлмагани учун ҳеч нима килолмайди. Агар бу ерда унтер-офицер аскарлари билан турмаганда, оксокол атрофидаги содик одамларини ишга солиб, Габони

гапиришга мажбур киларди. Кани эди, Габо билан юзма-юз колса-ю, бу магрур ва ўжар йигитнинг бурнини ерга ишкаб, азоблай, азоблай жонини олса!

Унтер-офицернинг ёрдамига мухтожлик сезиб, уни секин четга тортди.

- Жаноб унтер-офицер, асирни менинг ўглимни ўлдирганини тан олишга мажбур килишнинг иложи борми? Бу ёвузлик факат унинг кўлидан келади. Мен бунга аминман. У жуда хийлакор ва айёр, унга карши бирор далил топиш кийин.

- Ха!

- Жаноб унтер-офицер, агар рухсат берсангиз, мен айрим усулларимни ишлатиб, уни тан олишга ўзим мажбур этардим.

- Хм, хм!

- Жаноб унтер-офицер, агар асирни ўн дакикагина менинг ихтиёримга топширсангиз, сизга бажонидил ўн сўм берган бўлардим.

Ўрта бўйли, пучук бурун, малороссиялик камбагал оиладан чиккан унтер-офицер иккиланиб колди. Бир томондан бундай талабни биринчи эшитиши – бу конун-коидага хилоф. Яна бирор кори хол бўлмасин, деб кўркади. Иккинчи томондан, ўн сўм пул хазилакам эмас.

- Сен нима килмокчисан?

- Муродни ўлдирганини тан олмагунча оёгини куйдиравераман, - деб шивирлади Элбисд. Унтер-офицер чўчиб тушди. У барча рус дехконлари каби оккўнгил эди, вахшийликни хазм кила олмасди. Аммо ўн сўм пул... Агар охири бахайр бўлса-ку, пул чўнтакка тушгани яхши-я. У бироз ўйланиб деди:

- Тўхтанг-чи, ўзим бир гаплашиб кўраман.

У Габо ётган хонага кириб, махбусга якин келди. Унга маънодор караб турди. Габо унинг карашидан бир нарса демокчи эканини укди. Хаёлига бир фикр келди.

«Нахотки шу менга ёрдам берса? Бўлмаса ким? Балки Саиддир?».

Унтер-офицер аскарларнинг бирига махбуснинг кўли махкам боғланганми, йўкми, текшириб кўришни буюрди. Аркон махкам сиқиб боғлангани сабабли Габонинг билагини кизартириб юборган бўлса-да, аскарларга дўк урди:

- Тузукрок боғлашни хам билишмайди. Бундака махбусни хушёр бўлиб кўриклаш керак. Сенлар бўлса...

У коровулга жавоб бериб, арконни сал бўшатди. Секин эшитиладиган килиб сўради.

- Пулинг борми?

- Оз-моз бор, - шивирлади Габо.

- Оксоколинг бутун айбингни бўйнингга олмагунингча оёқларингни куйдирмокчи. Агар бунга йўл кўймасам, хизмат хакким канча бўлади?

- Ёнимдаги борини оласан.

- Канча?

Унтер-офицер арконни яна тугиб кўйди.

- Камзулимда 65 сўм бор.

- Яхши, пулни кейин оламан.

«Яхши иш бўлди. Бунинг пули оксоколникидан олти баравар кўп», деб ўйлади унтер-офицер. Сўнг мехмонхонага кайтиб:

- Талабингни бажаришни ҳеч иложи йўк, - деди у оксоколга, – бу ерда гувоҳлар хаддан ташкари кўп. Буни бир ўзим хал килолмайман. Ўзинг биласан, бошликларим ўтакетган каттиккўл.

Аскарлар махбусни олиб чиқишга тайёрланишаётганда, унтер-офицер усталик билан

Габони ёлгиз олиб колди-да, вақтни бой бермай, ўнг кўлини камзулининг ён чўнтагига тикди. Бирок ҳеч нима топа олмади.

- Тагрогида, - пичирлади Габо.

Унтер-офицер тугунчани топиб, дархол яширди.

- Мени бутунлай кўйиб юбора олмайсанми? – сўради Габо.

- Канча?

- Икки юз сўм.

- Пул ёнингдами?

- Йўк. Лекин мен албатта тўлайман.

- Йўк, йўк, - унинг гапини бўлди унтер-офицер, - бунакаси бўлмайди! Шундайин ҳам сенга яхшилик киламан, деб конунни буздим, – деди-ю, шошилганича хонадан чиқди.

Икки оксокол ховлида ўзаро гаплашиб туришарди.

Жануби шаркдан кўтарилган Ой тоғлар устида осилиб колди.

Унтер-офицер тугунчадаги пулни санаш учун пана жой кидириб колди. Ховлида санашнинг имкони йўк эди.

- Мен хозир келаман, - деди у оксоколга. Сўнг орка томонга ўтиб пулни санади. Тўғри чиқди.

«Бу осетин тушмагур тўғри сўз экан», - деб ўйлади у кайтар экан. Кўп ўтмай у йўлга тушишга буйрук берди.

Тагаурск оксоколи Габонинг одатини билгани учун ҳам, кочиб кетади, деб хавфсирайди.

У жинойтчини икки аскарга боғлаб кўйишларини сўради. Бу таклиф унтер-офицерга ёкиб тушиб дарров бажо келтирди.

Йўлга тушишди. Олдинда унтер-офицер. Габо аскарлар курсовида. Унинг бўйи бошқалардан бир қаричга баланд. Ёлбисд саф оркасида, отда келяпти. Улар овоз чикармай, шимол томонга қараб йўлга тушишди.

Киш кечаси мафтункор ва кайтарилмас даражада гўзал бўлади. Килт этган шабада йўк.

Тўлин Ой ён-атрофни кундузгидай ёритиб турибди. Оёқлар остида қор гичирлайди.

Яланғоч харсанглар қор остида. Чапда Ламардон водийси ястаниб ётибди. Водий ярим айлана баланд тоғлар бағрига бориб такалади. Пастда тезоқар дарё шовуллайди. Бир ярим соатлардан сўнг қор оғзига етиб келишди. Бу ерда сой сувлари қоя тошларини

силаб-сийпаб шарк томонга буралаб Ламардон дарёсига кўшилади. Йўл ҳам ўнгга қайрилиб шаркка, дарё бўйлаб чўзилиб кетган. Йўлнинг у ёнини тик қоялар ўраган. Бу қоя йўлга соя ташлаб турибди. Йўл торайди. Йўловчилар сиқилишди. Чап томон жарлик.

Ўнгда тик қоялар қўкка бўй чўзган. Хаммаёқ қоя-тош. Ахён-ахёнда дарахт учрайди.

Одамлар турнакатор бўлиб юқорига кўтарилиб боришади. Уларни булутлар ўз бағрига олди. Намиккан ёмгирпўшлари музлади.

Улар қояни айланиб ўтувчи ёлғизоёқ сўкмокка етиб келишди. Одамлар бир-бирларини кўллаб-қувватлаб, қояни айланиб ўта бошлашди.

“Мана, пайти келди, - ўйлади Габо. - Мени Сибирга сургун қилишларини ҳеч истамайман. Жангчилар панохқори авлиё Георгий, мадад бер!”

Унинг ўнг кўли боғланган аскар қояни айланиб ўтди. Иккинчиси хали орқада. Габо бурчакка етиб келиб, бир зум тўхтаб колди. Қоя томонга қайрилди. Бутун кучини тўплаб

арқонни тортди. Кейин шашт билан айланиб, аскарларга боғланган арқонни маҳкам ушлади-да, ўзини пастга отди. Ўзларини ўнглаб олишга улгурмаган аскарлар унга

эргашиб жарга қуладилар. Олдинда кетаётган аскарни Габонинг оғирлиги тортиб кетди.

Орқада келаётгани Габонинг сакраши ва шеригининг қулашини кўриб, ўзини шу сўкмокда

ушлаб колиш учун бор кучини тўплади. Кўллари силлик коя тошдан панох излади. Аммо иложсиз, бу ерда ушлаб коладиган бирорта хам нарса йўк. У юракни титратиб юборувчи дахшатли фарёд билан жарга кулади. Колганлар эҳтиёткорлик билан ўзларини коя тошга якин олиб, пастга юмалаб тушиб кетаётган уч одамга то улар кўздан йўқолмагунча караб туришди. Барча дахшатга тушиб, тўхтади. Кейин шу ўртадаги овулдан ёрдамга одам чакириш учун оркага кайтдилар. Габо эса хамрохлари билан булутлар оша пастга уча-уча бирдан енгилгина туртки сизди. Аркон дарахт шохларига илинди. Кўз юмиб-очгунча вақт ўтмади хамки, дарахт куч билан тушиб келаётган уч кишининг огирлигини кўтаролмай томирлари билан кўпорилиб чикди. У хам шовкин-сурон билан пастга кулади.

Габо кимнингдир суяклари кисирлаб синганини аниқ эшитди. Бир аскарнинг боши билан қояга урилганини кўрди. «Авлиё Георгий, ўз панохингда асра!», деб илтижо килди. Яна нимагадир урилишди. Бу сафар юмшок нарсанинг устига тушган Габо хушини йўқотди. Бир оздан сўнг ўзига келгач, кўл-оёқларини жонсиздай сизди. Аммо ҳеч қаери огримасди.

«Мени авлиё Георгий саклаб колди», - деб шивирлади унинг лаблари. У хали хам соғ колганига ишонмас эди. У кўл-оёғини кимирлатиб кўрди. Йўқ, ҳеч ери синмаган. Габо тирик қолиб, озод бўлганидан қалби қувончга тўлди. Кейин ёнида ётган аскарга кўзи тушди. Боши билан қояга урилган, қонга беланган гавдадан унинг одам жасади эканлигини билиш мушкул эди.

Габо тагида аскар ётганини сизди. Уни ўлимдан бутазор саклаб қолган эди. Габо ўрнидан туриб, бахти қопиб соғ қолганига ишонч ҳосил қилди. У ҳар икки аскарга боғланган арқондан ўзини бўшатиб, тирик қолган аскарга қаради. Кўринишидан бели синганга ўхшайди. «Йўқ мен унга ёрдам беролмайман», деб ўйлади у.

Габо ерда ётган милтикни олиб, икки марта осмонга ўқ узди. Унинг назарида юқоридагилар буни эшитиб, ўртоқларига ёрдам бергани пастга тушишлари керак эди. Габо пул-мул ёки егулик бирор нарса топиш ниятида аскарнинг чўнтақларини қавлади. У пичоқ, тамаки, бир неча тийин пул топиб, чўнтагига солди. Сўнг аскарнинг милтиги билан ўқларини олиб йўлга тушди. Бир соатча ирмоқ бўйлаб юқорига кўтарилди. Шундан сўнггина, қорда қолган излари сирни фох қилиб қўйиши мумкинлиги ҳаёлига қелди. Таъқибчиларни қалғитиш максатида аниқ из қолдириб орқасига қайтди. Кейин сувга сакради. Тиззасидан келадиган сувни кечиб, оқимга қарши юра бошлади. Орадан бир неча соат вақт ўтди. Шарқдан қуёш мўралаб, Ой кўринмай қолди. У нафас ростлаб, дам олай, деган максатда харсангга ўтирган онда бирдан одамларнинг овози қулогига қалинди.

Бу одамлар Габонинг олдидан тўсиб чиқиш учун эҳтиёткорлик билан пастга тушиб қелишарди.

«Нима қилиш керак? Қочайми, йўқ, иложи йўқ», - ўйлади Габо.

У милтик билан ўқларни шох-шабба орасига яшириб, ўзи сув остига берқинди. Нафас олиш учун фақат бурнининг учигина сув юзасида қолди. Бу орада бир неча аскар пастга тушиб ўзаро гаплашиб Габо ётган ерга қелишди. Унинг юраги шу қадар қаттиқ ура бошлади-ки, назарида худди ҳозир ёрилиб кетадигандай эди.

Йўқ, бахтидан бўлиб, улар ҳеч нима сезмай ўтиб кетишди.

Габо яна бироз қутди. Кейин муздай сувдан чиқиб қуролини олди-да, яна сув ичидан юриб, юқорига кўтарилди бошлади. У тез-тез юриб, музлаётган аъзои-баданини иситмокчи бўлди.



Габо Ксарзанга, Саиднинг олдига панох излаб бориб, маслахат сўрашга қарор қилди. Куёш чўккилар оша кўтарилди. Габо дам олиш учун пана ерга ётди. У кундуз куни беркиниб, кечаси йўл юришга мажбур эди. У уйгонганида куёш тиккага келганди. Очлик силласини курутди. Бирок атрофда егулик бирор нарсаси ҳам йўқ. Баланд тоққа жойлашган чўпонлар кулбаси эса берк. Кишда чўпонлар кетиб қолишган.

Йўлда дам ола-ола, очлик азобига чидаб, олга интилаверди.

Куёш ботди.

Егулик ушук ҳам йўқ.

Атроф факат тош-у қор, бошка ҳеч нима йўқ. Чанкаса, қор шимади. У чарчади, шундай бўлса ҳам бутун кеч бўйи тўхтамади. Тонгга яқин адирга яқинлашди. Энди йўл ўрмон орасидан ўтади. Тўғри юриш мушкуллашди. Тез-тез дам олишга мажбур бўлди. Қучдан қолди. Ўтириши билан мудрай бошлади. Уйгонгач, очликдан ўзини йўқотгандай туюлди. У дарахт шохларида ўтган йилги ҳосилдан қолган, мевақоқиларни олиб олиб, апил-тапил чайнаб ютди.

«Агар бирор хайвонни отганимда хомича ердим, - ўйлади у, - олов ёқишга ҳеч нарсам йўқ».

Иккинчи марта куёшнинг ботишини йўл азобида кўряпти. Бугун ҳам тун билан йўл юриди. Куёш яна кўтарилди. У адирга етиб келди. Тоғ ёнбағридаги ўрмон четида, сўнгги йўлга отланиш учун тўхтаб, дам олди.

Қуара хақидаги ўйлари унга далда берди.

У Саиднинг олдига бориб тўйиб овқат ейишини ўйлаб қувонди.

Қсарзанга йигирма чақиримча қолди. «У ердан изламайдилар. Тагаурск билан Жимардаги қариндошларимникида пойлашади», - деб ўйлади у. Қундузи адирда юришга ботинолмади. Очлик азобига чидаб, тун чўкишини қутди.

Энди Қсарзанга тўхтовсиз юриб борарди. Унинг оёқларига кўргошин қуюлгандай – қадам босиши оғир. Хаёлида факат бир фикр айланади:

...овқат... егулик бирор нарса...

Нихоят, Қсарзан кўринди. Овулга қираверишда шақардан олиб келиб сотувчи қичкина нон дўқони турибди. У дўқонга қириб нон сотиб олиб очқўзлик билан ея бошлади.

Дўқондан чиқаётиб Жимарда ушлаб олган унтер-офицерга дуч келди.

- А-ха. Мана сен қаерда экансан! - деб хитоб қилди у.

Габо бор қучи билан унинг тумшугига мушт урди. У ўзини тутолмай йиқилиб, нақаси сикилди. Габо эса бундан фойдаланиб, қоронғуликда қойиб бўлди. Унтер-офицер ўрнидан туриб аскарларини чақирди-да, Габони қувишга тушди.

- У дўстининг уйига яширинган бўлса қерак, – деди ўзига-ўзи унтер-офицер. Тагаурск оксоқоли унга Габонинг Қсарзанда тутинган ақаси бор эканини айтган эди. У бу ҳақда Қсарзанда қазаклар отряди турган қставкага ҳабар берди. Қставка шу захотиёқ оксоқолни ёнига олиб Саиднинг уйига шошилди.

xxx

Бу қеча Саид хонасида милтигини тозалаб ўтирарди. Лампа қирок хонани хира ёритади. Бирдан дераза тикиллади. Саид эшиқни очиши билан хонага Габо отилиб қирди. Унинг ранги оқариб кетган, қўйлаги йиртилган, қир эди. Факат кўзлари ёнарди.

- Саид, мени қутқар! Қувиб қелишяпти!

Саид аввал дераза пардаларни тушириб қуйди. Сўнг эшиқнинг занжирини қолди. Кейин турк сўрасини девордан суриб, ертўла қопқогини очди-да «пастга туш», деб Габони имлади.

- Хозир таом келтираман, - шивирлади Саид, - бу ерда беркинадиган жой борлигини факат мен-у, онам билади. Хар эхтимолга карши уни ўзим ковлаганман. Бошингга тушган савдони кейин айтиб берарсан.

Габо хаяжондан гапира олмади. Саидга кўл бериб пастга сакради.

Коп-коронги бу ертўланинг узунлиги етти, эни тўрт, чукурлиги икки кулочча келарди. Саид хаво кириб турсин учун тутун чикадиган туйнукка кувур ўтказган эди. Ерга бир неча тахта ташланиб, деворларга ҳам тахта кокилган. Пастга озгина хашак ҳам ташланган.

Габо милтикни бурчакка суяб, елкаси оша белига боғланган ўқлар териб куйилган иккита камарни ҳам ечмай ўзини хашак устига ташлади. Саид туйнукни ёпиб сўрини жойига сурди-да, эшикнинг занжирини олиб кўйди.

«Аллох номи билан касам ичаманки, уни бу ердан топа олишмайди!» деди Саид. У елкасидан огир юки кулаган одам кайфиятида эди. Шундан сўнг ошхонага кириб, онасининг кулогига нимадир деб шивирлади. Она аввало ўглига кўркиб каради, кейин бош кимирлатди. Ошхонада турган Саиднинг сингиллари ҳам онасига савол назари билан карадилар. Аммо улар Саиднинг онасига шивирлаб айтган гапларини эшитишмади. Саид онасининг тилини тия олишини, кочокни кутқаришда унга ёрдам беришини биларди. У энди «таомни менинг хонамга олиб келинглар», демокчи эди, ташқарида эшик каттик такиллади. Саиднинг сингилси эшикни очди. Ховлига пристав, овул оксоколи ва узун кора папок кийган йигирматача казак кирди. Уларнинг карашлари тунд эди.

- Саид, - деди унга оксокол, - пристав билан казаклар осетин Габони кидириб юришибди. У сенинг уйингда бўлса керак. Сен уни топширишинг лозим.

- Ха, - кўшиб кўйди пристав, - биз уни шу овулгача изма-из таъкиб килиб келдик. Овулда унинг якаю-ягона дўсти сенсан.

- Ха, у менинг дўстим, - хотиржам жавоб килди Саид. – Шунинг учун ҳам меникига беркинмайди. Биринчи бўлиб уни менинг уйимдан кидиришларингизга акли етади. Агар унинг каердалигини билмасам, қандай килиб сизларга топшираман?

- Саид, - пристав унга якин келди, - кочок сенинг уйингда. Ўзинг биласан, уни ҳеч қайси ингуш яширмайди. Уни яхшиликча ўз хошининг билан бизга топшир. Казаклар билан чорак соат сени яккама-якка колдириб, отхонада уларнинг камчилари билан таништиришга мени мажбур килма.

Саид ташки кўринишидан жуда бамайлихотир, сир бой бермайди. Караши жонни олувчи бўлса ҳам хотиржам гапиради.

- Бутун уйимни, ховлини тинтинг, унинг каердалигидан хабарим йўқ.

Оксокол ўртага тушди.

- Жаноби пристав аввало уйни тинтиб чика қолайлик. Балки ростдан ҳам Габо бу ерда йўқдир?

- Жим бўл, - буюрди пристав. – Сенлар билан қандай гаплашишни ўзим биламан. Кани, менга урядник Ефимовни чакириб юборинг-чи.

Кўп ўтмай ўнг кўлини папогига кўйган урядник пайдо бўлди.

- Мана бу мехмондўст жанобни отхонага олиб чикиб, гапиришга мажбур кил. Бунака ишга ўзинг устасан.

Урядникнинг огзи кулогига етди.

- Бажарилади, - деди у, кейин Саидга ўгирилди. Саидга яна бир неча казак ҳам яқинлашди. Саид ханжарини чиқариб катъий деди:

- Агар жон ширин бўлса яқинлашмаларинг!

Унинг лаблари кимтилган, кошлари чимирилган, ранги окарган холда казаклар олдида дадил ва катъий турарди. Казаклар унинг дадиллигидан чўчиброк оркага чекинишди. Саид уларнинг бу иккиланишидан фойдаланиб, деразани синдирди. Мушук каби чаккон сакраб коронгулик кўйнида гойиб бўлди. Барчалари ховлига отилиб, Саидни кувишга тушишди.

Оксокол Саиднинг онаси билан сингилларини приставнинг олдида сўроқка чакирди. Улар бамайлихотир туриб «бегона одамни кўрмадик, сиз излаётган кочок хакида ҳам эшитганимиз йўк», дейишдан бўлак ҳеч нарса билишмади. Пристав икки одамни ёнига олиб уйни тинтиб чиқди. Хар бир жавонни, хар бир сўрининг тагини, хар бир бурчакни синчиклаб текширди. Хашакларнинг орасини ҳам тинтишди. Аммо бу уринишлари натижасиз чиқди.

Бу ишлар оксоколга ёкинкирамади. У шамолга чап бериб, усталик билан тадбир ишлатиши керак эди. Оксокол пристав билан ади-бади айтишишдан кўркарди. Шу ўринда ўзининг ботирлиги билан танилган Саиднинг ёв бўлиб қолишини ҳам истамасди. Шунинг учун ҳам у Габони ҳамма ердан излашга аҳд килди. Аммо бу кидиришларнинг натижасиз чиқишини кўнгли сезиб турарди.

- Жаноб пристав, - деди у бошлигига таъзим килиб, - балки корнингиз очгандир? Хотинларга айтиб, кўнглингиз тусаган таомни тайёрлатайми? Албатта, кўп нарсани таклиф килолмаймиз, бироқ, кабоб килгулик кўй гўшти билан тухум, сут топилади.

- Яхши, бирор нарса тайёрлат. Мен озгина дам олай.

У Саиднинг хонасига кириб, турк сўрига ёнбошлади. Узок йўл юриб хоригани учун дарров мудрай бошлади.

Саид оркада казакларнинг оёк товуши эшитилмагунча кочди. Кейин тўхтаб, тош устига ўтириб ўйланди:

«Кочишимнинг ҳеч нафи йўк-ку? Улар Габони топишолмаса ҳам уйни кўриклашади. Мен кайтишим керак. Бўлмаса, Габо оч қолади».

Бироқ у казакларнинг кўлига тушишни истамайди. У уйга яширин холда, приставнинг олдида ўз хохиши билан киришга қарор килди. Хакикатан ҳам у уйга ҳеч кимга сездирмай кирди. У хонасига кирди-ю сўрида хуррак отиб ётган приставни кўрди. Саид пристав уйғониши билан кўзи тушадиган ерга ўтирди. Унинг режаси тайёр: пристав олдида бегунохлигини, бир неча ҳафтадан бери Габони кўриш у ёқда турсин, дўсти хакида бирон гап эшитмагани учун ҳам келганини айтади.

Саид токат билан приставнинг уйғонишини кутди. Кўп ўтмай пристав уйгонди. Эснаб, ўрнидан туриши ҳамон Саидга кўзи тушиб чўчиди:

- Сен... Сенмисан? Сенга нима керак?

Саид ўрнидан турди.

- Мен сизнинг уйғонишингизни кутиб ўтирибман.

- Сени казаклар...

- Йўк, мени казаклар тутишолмади, - деди Саид. - Мен бегунохлигим учун олдингизга келдим. Мен хакикатан ҳам Габонинг қаердалигини билмайман.

Пристав унга ишонкирамай қаради. Лекин «Габо шу ерда яширинган» деган фикрининг катъийлиги йўқолиб, иккиланиб қолди. Шу вақт Саиднинг онаси таом келтирди. Саид унинг хузурида туриб, кавказликлар одати бўйича уй хўжайини сифатида хизматда бўлди.

Овқат пайтида Ефимов кирди. У айбдорнинг изсиз йўқолганини айтмоқчи эди. Саидни кўрди-ю, тили айланмай қолди. У гаранг бўлиб бир Саидга, бир приставга қараганича

гапиришнинг ортикча эканини билиб жим тураверди.

- Менга кара, Ефимов, Габо уйда йўк. Аммо у шу якин орада бўлиши керак. Саид унинг каердалигини билади. Сен йигитларинг билан шу уйга ўрнашасан. Бирон бир одамнинг Саид билан, унинг онаси, сингиллари билан гаплашишига йўл қўймайсан. Саид, сен бизни кочокни топгунимизча бокасан. Айт, иккита қўй сўйишсин. Ўзинг караб тур, яна казакларимни оч колдирма. Эсингдан чикмасин: мен сени отхонага олиб боришга буйрук берганман-а? Хали буйрук ўз кучида турибди. Бекор бўлгани йўк.

Саид онаси билан сингилларига нима килиш кераклигини айтиш учун чикди. У чиқиши билан пристав Ефимовни имлаб чакириб, унга шивирлади.

- Менга кара, Габо бошка ерда беркиниб ётибди. У хам ахмок эмас. Саиднинг уйини биринчи бўлиб тинтув килишимизни билиб, бу ерга келмаган. Лекин у шу якин орада Саиднинг овкат келтиришини кутаётган бўлиши керак. Йигитларингни шундай жойлаштир-ки, уйдан ҳеч ким сездирмай чикмасин. Агар Саидми, кампирми чикса изига туш. Эҳтиёт бўл, яна сезиб қолишмасин. Кейин ўша захотиёк менга хабар кил. Энди менга оксоколни чакир.

Оксокол кетишга ботинолмай, «пристав чакириб колар», деб айвон зинасида кутиб турган эди.

- Менга кара, Габо шу овулда. Сен уни топишга ёрдам беришинг керак.

- Албатта, жаноб пристав, - деди оксокол таъзим билан.

- Демак, йигирмата одамни ёнингга олиб, хар бир уйни, хар бир отхонани, хамма ерни тинтиб чик. Эртага бу йигирмата одамингни алмаштириб, яна излайсан. Топмагунингча кидираверасан.

- Хўп бўлади, жаноб пристав – деди оксокол, кейин уйдан чикди.

Кўчада беихтиёр уф тортди. У тинчликни севадиган одам эди. Мана энди ярим овулни оёкка тургизиб, бу осетинни излашга мажбур бўляпти. Худди Габо ўзини «мана мен» деб тутиб берадигандай. У ҳеч ким ўйламаган жойда ётгандир. Бунинг устига Ефимов йигитларини коровул килиб қўйди. Уйга бирор кимса сездирмай кира олмайди, чика хам олмайди. Ефимовнинг ўзи ўнта йигити билан ошхонага жойлашиб, таомнинг тайёр бўлишини кута бошлади. Саид сингиллари кўмагида бошка хонага пристав учун тоза кўрпа-ёстик тўшаб, меҳрибонлик билан «нокулай эмасми?», деб сўради. Унинг максиди приставни турк сўрисидан тургазиш эди. Ниятига етди. Тўшалган ўрин приставга маъкул келиб, ечина бошлади. Саид приставнинг этигини тортиб, ечишига рухсат сўради.

Пристав яна Ефимовни чакириб хамма эшик, хамма дераза олдига коровул

қўйилган-қўйилмаганини сўради. Ефимов хамма иш у айтгандай бўлганини айтди.

Пристав коровулларни кечаси соат иккида алмаштиришга буюрди. Кейин Саидни ўзининг хонасига киритиб, устидан кулфлаб қўйди-да, калит билан тўппончани ёстигининг тагига яширди. Кўп ўтмай Саид унинг бир текисда пишиллашини эшитди. Унинг кайфи чоғ эди.

Приставдан анча-мунча овкат ортиб, энди бу овкатни дўстига етказиши мумкин. У чирокни ўчириб, сўрини аста, овоз чикармай сурди. Копкокни очиб, шивирлади:

- Габо!

Жавоб бўлмади.

Яна чакирди:

- Габо!

Яна жимлик.

У эҳтиётлик билан пастга сакраб, ён-атрофни пайпаслади. «Ха, мана у... Хали бадани иссик». Саид уни туртди, ҳеч қандай садо чикмади. «У йўл азоби билан очликка

чидолмай хушидан кетибди», ўйлади Саид.

Бундай ахволда Саид унга вино бериши керак эди, афсуски, унда бу нарса йўк. Ха, дарвоқе, приставдан колган озгина сут бор-ку! У эҳтиёткорлик билан юкорига чикиб, сутни олди. Кейин яна пастга тушди-да, дўстининг бошини пайпаслаб топиб, озгига сут кўйди.

Габо кўзини очиб ихранди Саид хавфсираб, Габонинг кулогига шивирлади:

- Габо, Габо, бу мен аканг Саидман, овоз чикарма, эҳтиёт бўл, уйни казаклар ўраб олишган.

Габо ўзига келиб, заиф овозда деди:

- Менга овкат бер. Улар мени уч кундан бери таъкиб килишяпти. Корним оч.

Саид яна мушук сингари пусиб юкорига чикди. Тезда бир бурда нон, эчкининг сутидан килинган пишлок, иккита тухум олиб, пастга тушди. Кўпрок овкат тайёрлагани учун онасидан хурсанд бўлиб кўйди. Габо кизганчик оч йирткич каби овкатга ёпишди. Саид уни огохлантирди:

- Хаммасини еб кўйма. Эртага ҳам колдир. Энди эртага кечкурун олиб тушаман.

Габо дўстининг гапига итоат этди, нон билан мойни бир четга олиб кўйиб, дўстига шивирлади:

- Саид, бу ташвишлардан қачон кутуларкинман?

- Худо билади. Сен хавотир олма. Хаммаси яхши бўлади.

- Менинг ўзимдан факат бир ўтинчим бор: куним битгудай бўлса, ботир йигитлардек, номусимга гард юктирмай ўлсам дейман.

- Аллох ўйлаган ниятингга етказсин. Энди дамингни ол. Мен эртага кечкурун келаман.

- Менга килган яхшиликларинг учун Худо сендан мархаматини аямасин.

Саид юкорига чикиб, копкокни ёпди-да, сўрини жойига суриб кўйди. У ўринга хотиржам ётди. Дўсти хавфсиз. Шу кундан бошлаб Саиднинг оиласи учун огир хафта бошланди. Унинг ўзи, оила аъзоларининг ҳам овулдагилар билан алоқа килишга ҳақлари йўк эди. Уларниқига ҳеч кимни якинлаштиришмасди. Казакларни бокиш аёлларни анча уринтириб кўйди.

Габо беркиниб ётибди. Саид ҳар кеч унга овкат беради. У ҳар гал хонтахта устига кўпрок овкат кўйиб, колган-кутганларни йигиштирмайди. У гўё приставдан колган овкатни ўзи еяётгандай бўлади.

Казакларнинг кайфияти янада тундлашди. Овулдагиларнинг ҳам тинчи бузилди. Улар мажбуран коровуллик киладилар. Доимий тинтувлар уларнинг жонларига теғди. Улар оксоколдан, приставдан, Саиддан, ҳаммадан кўпрок Габодан норози эдилар: «бу осетинга ингушларнинг овулидан бўлак беркинадиган ер куриб колган эканми?!»

Саиднинг дўстини сотмаслиги ҳаммага маълум-ку. Шундай экан, у бошка овулда кўриниш бериб, уларни бу машабадан кутқарса бўлмасмиди?!»

Пристав Габони тутган одамга уч юз сўм пул мукофоти берилажагини эълон килди. Бир хафтадан кейин Ефимов приставга бу йўл билан кочокни тутиб бўлмаслигини, Саидни гапиришга мажбур килиш кераклигини айтди. Пристав бироз ўйлангач, рози бўлди.

- Яхши. Бир уриниб кўрамиз. Уни чакиргин-да, ўзинг беш-олтита одаминг билан эшик оркасида тур. У хонадан чиқиши билан маҳкам ушлайсан. Яна ўтган сафаргидай кочириб юборма.

- Хотирингиз жам бўлсин, жаноб пристав. Бу сафар кочириб кутулиб бўпти.

- Сен у билан хазиллашма!.. Хипчинларни ишга сол, гапирмагунча кўймайсан.

- Хўп бўлади!

Ефимов ошхонага бориб, янги сўйилган кўйни бўлаклайётган Саидни чакирди. Кейин энг бакуват йигитлардан олтитасини олиб, эшикнинг у томонида шай бўлиб турди.

Саид кириб эшик олдида тўхтади.

- Саид, - деди пристав, - казакларни бокиш кийинлик килаётган бўлса керак-а?

Саид жавоб бермади.

- Тушуниб турибман, эркатойларим сени хонавайрон қилишяпти.

- Нима ҳам килардим, жаноб пристав? - деб юборди Саид. Йигирмата одамни бокишга унинг курби етмай қолган эди.

- О, сен бунга барҳам беришинг мумкин. Габонинг қаердалигини айт, тамом, биздан қутулсан.

- Жаноб пристав, мен соткин эмасман.

- Буни кара-я, “соткин эмасман” деб ўзингни қош қилиб қўйдинг-ку. Демак, сен уни қаерда яширинганини биласан, лекин қайсарлик қилдинг-а? Мана, энди қўлимга тушдинг! Саид унга аламли нигоҳини қадади.

- Саид, Габонинг боши учун ажратилган пулдан бир қисмини сенга беришим мумкин. Бунга нима дейсан.

Саид бор қучи билан приставнинг қўрагига урди. У орқасига учиб тушди.

- Аблах, иблис ўгли! Сен мени номусини сотадиган виждонсиз, деб ўйладингми?! - деди газаб билан Саид.

У ўрмонга қочиш максидида хонадан югуриб чикмоқчи эди, аммо Ефимов муштига дуч қелиб, ерга йиқилди. Казаклар унга ёпишишди. Бир дақиқада унинг қўл-оёқларини боғлашди.

- Хўш, энди отхонага олиб боринглар, - деб буйрук қилди Ефимов. Саидни тўрт киши қўтариб, ховли орқали отхонага олиб ўтишди. У қўринишидан хотиржам бўлса ҳам, лаблари қимтилган, қўзлари бир нуқтага қадалган эди.

Отхонада уни ечинтириш учун турғизиб қўйишди. Бу вақтда аламига қидолмаган пристав қелиб газаб билан Саидга ташланди.

- Сен ит, ингуш, мени ҳақорат қилишга қандай ҳаддинг қилди! Итввачча! Хали сен менга қўл қўтардингми?!

У мушт билан Саиднинг оғиз-бурни аралаш туширди. Саид боғланган. У оғзи бурнидан оқайётган қонни арта олмайди. Қўзлари эса газабдан ёнади.

- Ха, мен урдим. Аммо мен қўллари боғлиқ одамни урганим йўқ! – деб лукма ташлади у приставга.

Унинг овозида шунчалар мағрурлик, шунчалар нафрат бор эди-ки, пристав унга жавоб бермай, тесқари қараб, казакларга амр этди:

- Буйрукни бажарларинг!

Саиднинг қўлларидан арқонни ечишди. Черқасча қамзулини юлкиб олишди. Ерга ётқизиб, этиги билан шимини ҳам ечишди. У фақатгина ич қўйлақда қолди. Тўртта одам унинг қўл ва оёқларини тиззаси билан босди. Ефимовнинг ишораси билан Саидга икки казак яқинлашиб, хипчинларни чиқарди.

Ефимов сўнги марта сўради:

- Балки эсингни йигиб, Габонинг қаердалигини айтарсан?

Саид жавоб бермади. У уқасини сотиб қўймаслик учун овоз чиқармасликка қасд қилган эди.

- Бошла! - деб буйрук берди Ефимов.

Саид аввал хипчиннинг ҳавода қескин хуштак қалганини эшитди. Кейин аччиқ оғрик

баданини жимирлатиб юборди. Ўн бир-ўн икки марта уришлардан сўнг Ефимов буйрук килди:

- Тўхта! Габонинг каерда яширинганини энди айтарсан. Ёки яна хохлайсанми?

Яна жавоб бўлмади.

- Давом эт!

Яна хипчин бирин-кетин савалай бошлади. Бир неча марта хипчин тушгач, Саиднинг кўнгли айниб, кайт килди. Кейин хушини йўкотди. Энди у ҳеч нима сезмасди.

Пристав якинлашди.

- Нима деди?

- Овоз ҳам чиқармади.

Пристав «тўхтатинглар» дегандай ишора қилиб, Саидга энгашди-да, унинг бошини кўтарди. Юзлари кўкариб кетган, кўзлари нурсиз, ярим юмук, маҳкам қисилган лабларда конли кўпик.

- Муттахамлар! – у казакларга ташланди. – Ахир ўлдириб қўйибсанлар-ку! Мана энди ишга тергов билан газета аралашиб, машаа бошланади.

Ефимов пушаймон бўлгандай бошини эгди. Тиз чўқди. Саиднинг оёгини босиб турган икки казак эса ҳаракатсиз жасадни ўнг томонга айлантиришди. Ефимов Саиднинг кўкрагига кулок тутди.

- Юраги уряпти, жаноб пристав, - деди кўзлари қувончдан ёниб.

- Бўлмаса, совук сув сеп. Ўзига келсин.

Саиднинг бошига, орқасига бир неча челак сув сепишди ҳамки, ўзига келмади. Шундан сўнг пристав уни уйга олиб киришга буйрук берди. Саидни ховлидан олиб ўтишаётганда онаси билан сингиллари дод-фарёд солиб унга ўзларини ташладилар. Уни ичкарига олиб кириб, ерга қўйдилар.

Она кўз ёшларини артиб, кизлари ёрдамида Саидни ўзининг хонасига олиб кириб, сўрига мук тушириб ётқизди. У кизларини ёгга юбориб, ўглининг яраларини ювди. Саид кўзини очиб, онасига каради.

- Она! – шивирлади у бахтиёр одамнинг товуши билан. Унинг магрур жилмайиши консиз юзини ёритгандай бўлди.

- Мен Габони сотиб қўймадимми?

- Сиз унинг каердалигини билармидингиз? – кизиқиб сўрашди сингиллари.

- Жим бўлинглар! – буюрди кампир.

- Худога минг катла шукур, - деди у ўглига. – Аллох сенинг садокатингни саклади.

У шундай дегач, яраларга малхам қўйди.

Қутавериб хафсаласи пир бўлган пристав эртага овулдан чиқиб кетишга қарор қилди. У бошлиқларига қочокни топа олмадик, унинг беркинишига ҳалойик ёрдам кўрсатди, дейишни дилига тугиб қўйди. Бунинг учун овулга катта жарима солишга маслаҳат беради. У Ефимовни чакириб, эрталаб овулдан жўнаш учун тайёргарлик кўришни тайинлади.

- Майли, бугун одамлар дам олсин. Коровул қўйишнинг ҳам фойдаси йўқ. Барибир бу аблах Саиддан бир нарсани билиб бўлмайди.

Сўрида ётган Саид алахсираяпти. Юзлари докадек оқариб кетган. Дўсти эшитиб қолмаслиги учун ўқчимасликка ҳаракат қилади. Кечкурун онаси коровуллар қўйилмаганини пайкаб, буни ўглига айтди. «Қазаклар овул кўчаларида сайр қилиб юриб, дўконга кириб тамаки олиб, отларни сафарга тайёрлашяпти» - деди.

Саиднинг сингиллари приставга овқат тайёрладилар. Пристав ховлига чиқиб оксоколга

кўзи тушди. Оксокол бирор буйрук бўлармикан, деган хаёлда келган эди. Саидга берилган жазо, унинг огиз очмаслиги, казакларнинг эрталаб кетмокчилиги хақидаги хушxabар овулга таркалган эди.

- Менга кара, оксокол. Эртага тонгда биз кетамиз. Мен катталаримга «Габони сенларнинг ёрдамингда кочиби кутулган», дейман.

- Ахир, жаноби пристав?

- Жим бўл! Мен бу гапни икки хафтадан кейин бошликларга етказаман. Агар шу вақтга Габони тутмас экансанлар ёки каердалигини билиб бизга хабар килмасанлар овулга уч юз сўм жарима соламиз. Агар Габони тутиб берсанлар ёки каердалигини хабар килсанлар, бошликларга айтмайман, Габонинг боши учун ажратилган пул сизларга тегади.

Оксокол таъзим қилиб, чиқиб кетди. Унинг елкасига яна огир гам юки юкланди.

Овулнинг кекса, хурматли кишиларини тўплаб уларга приставнинг гапини етказди.

Хамма хайрон қолди: нима қилишса экан? Габони тутишмаса, овул ахли уч юз сўм тўлаши керак.

---

Тун. Хамма уйкуга кетди.

Кўшни хонада пристав хуррак отяпти. Факатгина Саиднинг онасигина миужа қокмай, ўглининг ёнида ўтирибди. Саид ярим тунда ўзига келди. У ўглига казакларнинг эрталаб кетажagini, Габони топилмаса овулга жарима солинишини айтиб берди.

Буни эшитиб, Саид хаяжонланди.

- Она, Габони шу тун чиқиб кетиши керак...Энди бу ер хавфли. Биз пристав билан урядникни лақиллатдик. Ўзимизникиларни алдаш қийин. Унга менинг милтигимни беринг, қанча имқони бўлса, шунча ўқ олсин. Нон билан пишлок беринг. Сўрини сурун. Тўхтанг, мен турай.

Саид қийналиб ўрнидан турди. Деворга суянди. Она сўрини суриб қопқокни очди. Габони юқорига чиқиб, Саидга кўзи тушди.

- Саид, сенга нима бўлди?.. Тобинг йўқми?

Саид жавоб бермай дўстига маънодор қаради. Унинг қарашида ҳам қувонч, ҳам мағрурлик қорлар эди.

- Жувонмарглар! Бечорани шу ахволга солишди, - гапга қўшилди она сўрини жойига суриб қўйгач. - Лекин у сенга содиқ қолди, чурқ этмади.

Унинг сўзларида мағрурлик ва ёвга нисбатан нафрат бор эди. Кампир Габонинг йўлига олволиши учун овқат тайёрлагани чиқиб кетди.

- Саид!

Габони унга яқин қолди.

- Саид!

У бошка сўз айтилмай қолди. Шунинг ўзи Саид учун қатта муқофот эди. Габонинг бутун миннатдорчилиги ана шу бир сўзда ифодаланганди:

...дахшат, қахру-газаб, миннатдорчилик, ҳамқорлик....

- Габони, - деди Саид, - эсингда борми, сен менинг бўрқимни ўғирлаганинда мен ордан қувган эдим. Ўшанда ишонмаган эдинг. Энди менга ишонсанми?



- Ха, ишонаман. Мен бир умрга сеникиман.

Саиднинг туришга курби етмасди. Гандираклар бориб сўрига мук тушиб ётди.

- Якинрок кел, гаплашиб олайлик.

Габо тиз чўкиб, милтигини олдига кўйди. Тирсагини сўрига тираб, дўстига энгашди.

- Габо, сен шу тунда бу ердан кетишинг керак. Сенинг бошинг учун катта пул ваъда қилишган. Агар сени тутиша олишмаса, овулга уч юз сўм жарима солишади. Бу ерда қолишинг хавфли. Менинг Кабардада бир укам бор. У князь Арасбиевникида ўрмончи бўлиб ишлайди. Исми Мурод Пшабоев. Мана бу узукни берсанг, мен юборганимни билади. Кўлидан келган ёрдамани аямайди.

Саид бармогидан қандайдир тилда турли ёзувлар ўйилган эски олтин узукни чиқариб, Габога берди. Габо чап кўлининг бармогига солди.

- Рахмат, Саид! Агар Парвардигор менга хаёт инъом этса, сенга худди хозиргидай якин бўламан. Мен учун еган калтакларингнинг изи юрагимдан ҳеч қачон ўчмайди. Агар куним битгудай бўлса, шундай ўламани, сен мен билан фахрланасан. Саид, мен сен билан фахрланаман. Худо қаромат қилгай. Мен шундай ўлай-ки, болалар, болаларнинг болалари ҳар доим Саиднинг тугишган укаси Габонинг қандай халок бўлганини эслаб юришсин!

Бу орада Саиднинг онаси кириб, қопчиқ келтирди. Габо уни елкаси оша ташлаб, кампирдан безовта қилгани учун кечирим сўради.

- Габо, тонг отишига оз қолди. Тезроқ бўл. Тонг отмай овулдан чиқиб олишинг керак.

Менинг милтигимни ол, ана осиглик турибди. – У деворга ишора қилди. – Сенинг милтигинг тозаланмаган, ўқинг ҳам оз. Уни шу ерда қолдир. Қанча хохласанг, шунча ўқ ол. Ўқлар жавонда.

- Саид, биласанми... - у бошқа сўз айтолмади.

- Биламан, Габо, биламан.

Габо Саиднинг милтигини олиб, унинг ўрнига ўзиникини олиб қўйди. Кейин бели ва елкаси оша ташланган камар-ўқдонни ўқлар билан тўлдирди.

- Хайр, Габо!

- Хайр, Саид...

Улар сўнгги бор бир-бирларининг кўзига хотиржам ва жиддий қарадилар. Габо Саиднинг кўлини маҳкам қисиб, эслади: У Саидни биринчи бор кўрганда ҳам унинг кўзлари мана шундай соф туйғу билан боқар эди. Саид ўз қасамига содиқ қолди. У эшик олдида орқасига қаради...

Габонинг назарида Саидга яна бир бор қараши тўфайли қалбида дўст сиймоси чуқур из қолдириши керак эди.

Очиккўнгил Саид меҳр билан жилмайди.

Габонинг кўнгли орзиқиб кетди. Назарида дўстини қайта кўрмайдигандай туюлди. У тиз чўқди-да, Қуара берган узукни чиқариб, Саиднинг бармогига тақиб қўйди.

- Саид, агар мен ўлсам, Қуарага уйлан. Унга бу менинг сўнгги хоҳишим эканини айтиб, узукни кўрсат.

- Габо... Габо!

Саидни аллақандай қарама-қарши туйғу чулғаб олди.

У Қуарани бутун қалби, қавқазликлар қони билан севарди. У тутинган укасига хиёнат қилмаслик учун Қуарадан воз кечган эди. Қуара яна унинг хаёт йўлига қадам босяпти!

- Йўк.. йўк. Аллоҳ умрингни узок қилсин, - деди у хаяжон билан.

Габо тезгина уйдан чиқиб, қоронғуликда кўздан йўқолди.

«Саид мени куткараман деб шунчалар азоб чекибди». Бу фикр унинг кулоклари остида тинимсиз жарангларди. Габо бўркини кандай ўгирлаганини, унинг дўстлашиш учун кувиб етиб олганини, унга ишонмаганини, Саиднинг ишонтира олганини эслади. Мана энди...

Энди Саид дўстини куткараман, деб азоб чекиб ётибди.

Габо Россияни тарк этишни хаёл килди. У катта денгизнинг нариги бетидаги мамлакатга боради. У ерда ҳеч ким унинг кандай жинойт қилганини суриштириб ўтирмайди. Габо у ерда янги, халол хаёт кечиришга аҳд килди. У фабрикада ишлайди. Кейин Куарани чакириб олади. У ўзининг катта, кучли қўлларига каради.

- Ўзим билан Куарани бокишга менинг қурбим етади.

Шарк томон оқариб қолган эди. Габо буни қўриб, хавотирланди. Унинг ажойиб хаёллари хуркак мушук каби бир зумда таркади. Кундуз қуни адирда юра олмайди, бутун овул бўйлаб Саидникига қайтиш ҳам мумкин эмас.

У овулдан ярим чакирим нарида, нок дарахти ёнида бир вақтлар мурдалар қўмиладиган дахма борлигини эслади. Кундузи ўша ерда беркинади. Кечаси йўл юради.

Овулнинг чўпони бугун уйда эмас, Кота деган бир семиз беванинг уйда тунаган эди.

Улар яқинда никоҳ ўқитишади, деган миш-мишлар юрарди. Коронгуда уйига қайтаётганида овул кўчасида қуролланган одамнинг қорасини кўзи илгаб қолди.

- Бу ҳамма қидираётган Габо эмасмикин? - деган фикр миясида ярқ этди.

Чўпон Габонинг изидан тушиб, унинг илохий нокка яқинлашганини, кейин дахмага дераза оша қирганини қўрди.

Тун қоронгулиги ўрнини салқин тонгга бўшатиб берди. Хали қунчиқар томонда шафак қўринмас, аммо гира-шира осмон билан адир ажралиб турарди.

«Беркинган одам Габо бўлиши керак, - қарор қилди чўпон. - У энди йўлга фақат кечаси чиқиши мумкин. Унинг бошига бериладиган уч юз сўм пул мен билан бева Котага жуда асқотади».

У бир қарорга келиб бўлди. Чўпон Габонинг ёшлигини, унинг ботирлигини хаёлига ҳам келтирмади. Унинг виждони қочқонни химоя қилишга қорламади. У қочқонни сотишга уялмади. У уч юз сўм пулга эга бўлишни истарди.

Чўпон оксоколникига йўл олди. Хали ҳамма ухлаб ётарди. У отларни иккита ёрдамчи болага қолдириб қутди. У ховлида у ёқдан бу ёқа юрди, айвон зинасига ўтирди, охири чидай олмай деразани тақиллатди.

- Нима гап? – деди оксокол уйқули овозда. - Ким у?

Чўпон қимлигини айтди.

- Намунча эрталабдан қелмасанг, сенга нима керак?

Оксокол деразани очди.

- Жуда муҳим иш, жуда муҳим, - чўпон ён-атрофга аланглади. – Мен қочқоннинг қаерга яширинганини билман.

- Тўхтаб тур-чи, мен ҳозир чиқаман, - деди секингина оксокол, кейин деразани ёпиб, ховлига ошиқди.

- У қаерда?

- Аввал менга уч юз сўм муқофот тегиши тўғрисида тилхат беринг. Кейин айтаман.

Оксокол ярим пулни ўзиники қилиб олмоқчи эди, бўлмади. Чўпон қайсар чиқди.

- Агар менга бу пулларни беришмаса, қочқоннинг олдига бораман. Сотмаганим учун менга минг сўм беради, - қўрқитди чўпон.

Оксокол овул бошига солинадиган жаримани ўйлаб ён берди.

- Яхши, муқофот сеники бўлди. Қочқон қаерда?

- Аввал тилхат беринг, кейин Габо яширинган ерни кўрсатаман.

Оксокол кетди. Бир неча дакикадан сўнг тилхат билан кайтди.

Тилхатни чўпонга берди. Чўпон уни камзулига авайлаб солиб, оксоколга якинлашди:

- Илохий нок остидаги дахмада,-деди сирли равишда пичирлаб.

Оксокол ўйланиб колди.

«Яхши хамки, пристав билан казаклар хали шу ерда. Бугун куёш бир киши учун эмас, бир канча одам учун сўнгги марта нур сочади».

Оксокол чўпонга уйма-уй юриб, барча эркакларни бошкармага тўплашни буюрди. Нима гап эканлигини зинхор айтмасликни таъкидлаб, ўзи приставнинг олдига йўл олди.

Габо эса ҳеч нарсадан хавфсирамай тезрок тун бўлишини кутиб, дахмада ўтирарди. У ўзини бу ерда хавфсиз сизди. Бу ердан одамлар чўчишар эди. Шунинг учун ҳам уни бу ердан излашмайди.

Бир неча соатлардан сўнг дераза оша ичкарига бир ниманинг сояси тушгандай бўлди.

Габо ўрнидан туриб, атрофга каради: бир бола дарахтни пана килиб писиб дахма томон келарди. «Жосус!» ўйлади Габо. Милтигини олди, бироқ шу захотиёк яна жойига кўйди.

Болани отишга кўли бормади.

Габо тинчини йўкотди. Хавотирга тушиб, дераза ошганича ташкарига чикди. Атрофга назар ташлади. Унинг каршисида жанубда бепоён адир. Гарб томони ҳам адир, охири кўринмайди. Шарк томони овул. Шимол томони эса... У шошиб оркасига караб олди-да дахмага кайтди.

Простав бошлик казаклар билан бир неча ингуш катта доира шаклида дахмани ўраб олишди. Улар юриб келишарди. Улар бугун отишма бўлишини яхши билишарди. Оксокол дахманинг факат жанубида дераза борлигини айтгани учун ҳам улар шимол томондан якинлашиб келишарди.

Габо буни пайкаб қолиб, сотишганини тушунди.

«Қандай килиб кочиб кутилиш мумкин?»

Казаклар билан ингушларда от бор. Унда эса йўк. Колаверса хозир киш, хаммаёк кор. Ёз бўлганда баланд ўтлар орасига беркинарди. О, кани энди тунгача чидашнинг иложи бўлса...Йўк, имкон бўлиши кийин.

Габо куни битганини сизди. Ўз-ўзига «бошка йўл йўк!» деб далда берди. Энди у шундай ўлиши керак-ки, Саид унинг номи билан фахрлансин. Кечалари гулхан атрофида болалар, уларнинг болалари бир-бирларига Габо Явзико ўглининг қандай халок бўлганини айтиб беришсин. У Саид учун касос олишга, хаётини кимматрокка сотишга қарор қилди.

«Мен у дунёга якка ўзим кетмайман. Анча-мунча одам менга хамроҳ бўлиб, Габо Явзико ўгли келаётганидан хабар беради». Габо кўлига милтик олиб, дахмадан чикди. У ракибларига дадил каради.

Унинг мардона туриши йигитлик жасорати, Қофказ ботирлари гўзаллигининг тимсоли эди: елкалари кенг, баланд бўйли, комати келишган, кора папоги сал оркага ташланган, кенг пешонаси очик, кўзлари жонсарак. Бу кўзларда ёшлик қахрамонлигининг ўти бор. Унинг бу туриши шу топда афсонавий баходирларни эслатади. У ўнг оёгини сал олдинга ташлаб, милтик тепкисини босишга тайёр холда ушлаб турарди. Габо деразадан мўралаган боланинг приставга алланималарнидир айтиб, кўли билан у томонни кўрсатганини, приставнинг бош кимирлатганини, сўнг болани кетказиб юборганини кўрди.

Овул томонда яна отликлар кўринди. Улар бир қатор тизилиб, тезрок дахмани ўраб олиш

учун от чоптириб келардилар. Улар казаклар даврасига келиб кўшилишгач, отларини секинлатдилар. Куролларини бошлари узра силкиб, кабилаларининг харбий шиорини кичкириб айтдилар.

Габонинг атрофини ўраётганлар доираси бирлашди. Унинг кахрамонона халок бўлишдан бошка йўли колмади. Габонинг лабларида захарли жилмайиш пайдо бўлди. «Тириклайин кўлга туширишиб бўпти! Габо ўзини Сибирга хайдалиб, конларда иш азобида хўрланишига йўл кўймайди!» -деб ўйлади у.

Пристав Габо билан музокара олиб бориш учун олдинга чикиб кўлини кўтарди.

- Габо, таслим бўл, сен қуршовдасан!

Габо таслим бўлмайди.

- Менга кара, пристав, ингушлар, сизлар ҳам эшитинглар: менинг сизларга карши ҳеч қандай ёмон ниятим йўк. Бизнинг уругларимиз орасида ҳеч қачон қон тўкилмаган. Нима учун мени ўлдирмокчисизлар? Мени кўйиб юборинглар, ўз йўлимдан қолмай, энди бу ерларга ҳеч қайтиб қелмайман.

- Йўк, Габо, таслим бўл!

- Ҳа, шундай дегин, бўлмаса, мана бу Саид учун!

Габо мўлжалга олиб тепкини босди, пристав чап кўли билан юрагини ушлаб, эгардан йиқилди.

- Ўт оч! – буйрук берди Ефимов. Габонинг атрофидан ўқлар хуштак қалиб ўтди. У милтигини ўқлаб яна мўлжалга олди. Бу сафар Ефимов қулади. У бироз типирчилади-ю, кейин чўзилди.

Ёввойитабиат, жасур казак биттага қамайди. Казаклар билан ингушлар тўхтовсиз отавердилар. Улар Габонинг аниқ мўлжалга олаётганини кўриб, яқинлашишга юраклари бетламади. Улар ёмон отардилар.

Габо илтижо қила бошлади:

- Ё Худо, мадад бер, ўзим йиқилгунча бу жангда яна бир нечасини у дунёга жўнатай.

Авлиё Георгий, яна бир нечасини отишимга ўзинг ёрдам бер.

Кейин у ўйлаб қолди: «Бу итлар яна мени кўрқаяпти, деб ўйламасин».

У қах-қах отиб қулганича, «лезгинка»\*га туша бошлади.

Казаклар хайратда қолиб, отишни тўхтатдилар. Ингушларнинг эса унга хаваси қелди.

«Қахрамон сифатида ўлмокчи», - дейишди тўпланганлар.

Габо ҳамон рақсга тушарди.

-----

\*Лезгинка – кавказликларнинг севган рақси.

У ўлим олдида рақсга тушяпти.

Юзлаб милтиқлар унга ўлим кўзи билан олайиб қараб турибди.

Авваллари байрамларда, тўйларда унинг олдида тушадиган раққос бўлмас эди. Унинг ҳар бир ҳаракати кўшиқдаги сўзлар қаби ҳис-ҳаяжонини ифода этарди. Унинг қиз атрофида айланишини зерикмай томоша қилиш мумкин эди. Энди у ажал билан рақсга тушяпти. У кўлларини узатиб, худди кадрдон овулида қоракўз гўзал Қуара билан рақсга тушаётгандай ҳис қилди ўзини.

Қуара!

Бирдан узокдан ўк овози эшитилди, енгил оқ тутун кўтарилди. Габо атрофидан хуштак қалиб ўтаётган ўқларнинг овозини эшитди. Шунга қарамасдан у «лезгинка»ни охиригача

ўйнади.

Ракс тугагач, каради-ки, ингушлар анча якин келиб колишибди.

У милтик ўкталди.

- Оркага!

Шу пайт ингушларнинг бири уни нишонга олаётганини кўрди. То у нишонга олгунча Габо тепкини босишга улгурди. Жонсиз ингушнинг кўлидаги милтик сиргалиб ерга тушди.

Яна отишма бошланиб кетди.

Тепаликка ярим овул тўпланди. Аёллар, кариялар, болалар бу тенгсиз жангни кузатишарди. Улар орасида Саиднинг сингиллари ҳам бор эди. Уларнинг бири кампир бериб юборган тугунчани кўтариб олган. Тугунчада Саиднинг милтигига мос келадиган ўклар бор. Кампирнинг ўзи бу ерга кела олмади. У алахсираб ётган ўгли олдида ўтирарди.

Габо эса бир ўзи икки юз-уч юз ракиби билан олишарди. Унинг ўклари кўпинча бехато тегади. Шунинг учун ҳамон якин келишга казакларнинг юраги бетламайди.

Бир неча казак огир яраланди, бир неча ингуш конга беланди. Бирок Габога ўлим якинлаша олмаяпти. Факат унинг ўклари тугай деяпти. Душманларнинг айна муддаоси ҳам шу. У яна ҳам сергакрок нишонга ола бошлади. Яна икки казак кўкрагидан ўк еб эгардан йикилди. Габо уларнинг жонсиз ётганини кўрди.

Бу орада Керик исмли ингуш оркадан келиб отди. Ўк Габонинг ўнг тирсагига тегди. Энди унинг кўли кучсиз, синган эди. Габо ўгирилди-да, кўзлари ёнганича милтикни чап елкасига олди. Чидаб бўлмайдиган огрикка бардош бериб, ўнг кўлини кўтариб тепкини босди. Керик пешонасидан ўк еб, бўшаган копдай оркага шалвираб тушди.

Энди Габо секин ота бошлади. Милтикни ўклаш, тепкини босиш ундан кўп чидам, бардош талаб киларди. Ундан ташкари сўнги ўкини ҳам отиб тугатди. Шу пайт хавода тугунча кўринди-ю, унинг оёқлари остига келиб тушди. Саиднинг синглиси шимол томондан нок дарахтини паналаб келиб, онасининг топширигини бажарган эди.

У тугунчани олиш учун эгилган ҳам эди-ки, аввал ўнг кўкрагига, кейин ўнг думбасига ўк тегди. Кўз олди коронгулашиб ўтириб колди. У куни битиши якинлашганини сезди. Габо авлиё Георгийга илтижо килиб, у дунёга кетмай туриб яна бир душманини жаханнамга жўнатишга ёрдам беришини сўради. Унинг илтижоси ижобат бўлди.

Ракиблар унинг яраланганини сезиб, тобора якинлаша бошлашди. Ефимовнинг дўстларидан бири, ўртоғи учун касос олиш ниятида, килич ялангочлаб, ярадорга эҳтиётлик билан якинлашарди. У ярадорни чопиш учун килич кўтариши билан Габо кўзини очди-ю, милтик билан ўзини тўсди, кейин кўндок билан унинг бошига шундай зарб билан урди-ки, казак тил тортмай жон бера колди.

- Авлиё Георгий ўзингга шукур! – шивирлади Габонинг лаблари.

Габо хушидан кетаёзгани учун ўзидан ўзи уялди. У юришни истарди. Милтикни ўклашга эса унинг курби етмасди. Шунинг учун уни кераксиз юкдай четга ташлаб, ханжарини кинидан сугурди. Габо оксокланиб, халойик тўпланган тепалик томонга юрди.

Нахотки у хали ҳам кутулишни ўйласа?

Яна унинг атрофидан ўклар хуштак чалиб ўтди.

Бирдан унинг ўнг кўли ихтиёрсиз юкорига кўтарилди. Унинг жагига ўк теккан эди. Габо яна ўтиришга мажбур бўлди. Бирок унинг чап кўли ханжарни махкам ушлаган. Кўзлари душманга газаб ва нафрат билан бокарди.

Керикнинг акаси от чоптириб келиб, Габонинг икки кўзи ўртасига килич солди.

Гиринг деган товуш чикмади. Габонинг кўзларига кон тўлиб, кўр бўлди.

Яна бир ингуш от чоптириб келиб килич солди. У Габонинг чап кулоги билан бошининг чап томонини учуриб кетди.

Саиднинг сингиллари дугоналари билан бирга фарёд солиб, Габони химоя килгани ташланишди. Лекин казаклар йўл беришмади. Отишмада катнашганларнинг хар бири Габонинг конга бўялган танасига ханжар санчишни истар эди.

Хали ундаги хаёт нишонаси сўнгани йўк. Унинг ханжар ушлаган чап кўли худди душманига хамла килаётгандай аста кимирлаб кўйди.

Керикнинг акаси баланд товушда деди:

- Саиднинг тутинган укаси Габо кахрамонларча халок бўляпти, - у шундай деб Габонинг ботир юрагига ханжар санчди.

Габо энди хеч нарсани кўрмайди хам, эшитмайди хам. Аммо сўнгги сўзларни эшитди.

Шунинг учун хам унинг юзида магрур кулгу котиб колди.

Ингуш унинг ўнг кулогини кесиб, конли касос олганининг нишонаси сифатида чўнтагига солиб кўйди.

Явзиконинг ўгли Габо ана шундай халок бўлди.

xxx

Саид хали хаёт. Уни хамма хурмат килади.

Габо халок бўлгач, унинг бойликларини кавлаб олди. Бу бойлигини кофказликларга, агар шунга лойик бўлишса, кайси кабилага мансуб эканига карамай, ёрдам беришга ишлатади. Айникса, у билим олмокчи бўлган ёшларни кўп кўллаб-куватлайди.

Саид Куарага уйланди. Кўп фарзанд кўрди.

У кора кўз, чиройлигина катта ўглига Габо деб исм берган.

Саид Габонинг укаси Мухаммадга алохида меҳр кўйган. Мухаммад эса унга содиклиги билан жавоб беради.